

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

А.Солиев

Худудий мажмуаларнинг назарий асослари

(Ўқув қўлланма)

Тошкент-2007

Ўқув қўлланмада турли тармоқ ва соҳалар-саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, аҳоли ва аҳолига хизмат кўрсатиш корхона ёки муассасаларини жойлаштиришда вужудга келган (келаётган) ҳудудий мажмуалар тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек, унда ҳудудий мажмуалар ҳақида хорижий олимларнинг назарий қарашлари, ушбу мажмуаларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик муаммолари бўйича ҳам қисман фикрлар баён қилинган.

Сўлланма университетларнинг география ва иқтисодиёт йўналишларидаги бакалавр, магистр ва аспирантларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: г.ф.н., доцент Маҳмадалиев Р.Й.

Тақризчилар: и.ф.д, проф. Аҳмедов Э.А.
г.ф.н., доц. Маллабоев Т.Н.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўқув методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Сўз боши

География, шу жумладан иқтисодий ва ижтимоий географиянинг қатор таянч тушунча ва иборалари борки, улар ушбу фаннинг мазмун ва моҳиятини ақс эттиради, унинг тарихи, таърифи ва тақдирини тавсифлаб беради. Шундай тушунчалардан бири ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳисобланади.

Агар иқтисодий географиянинг асосий (фундаментал) тушунчаси ҳудудий меҳнат тақсимооти бу фаннинг «географиклигини» изоҳлаб берса, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари унинг «иқтисодий» жиҳатини таъминлайди. Шу боис бу тушунчалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Дарҳақиқат, ҳудудий (географик) меҳнат тақсимооти жараёнида ижтимоий-иқтисодий соҳалар, жойларнинг табиий шароити, ўрни, қазилма бойликлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари каби омиллардан келиб чиққан ҳолда, ҳудуд бўйлаб тарқалади, «тақсимланади». Улар шу жойнинг ихтисослашган тармоқлари сифатида ўзидан каттароқ (кенгроқ) геоиқтисодий тизимда ўрнини белгилаб беради. Айни вақтда бир жойнинг (шаҳар, туман, мамлакат ва ҳ.к.) ўзида ҳудудий меҳнат тақсимооти натижасида қатор, бир-бири билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган тармоқлар мужассамланади ва ўзига хос ҳудудий мажмуалар вужудга келади. Демак, ҳудудий меҳнат тақсимоотида тармоқ ва соҳалар дифференциялашади, турланади ва тарқалади, ҳудудий мажмуаларда эса улар ўзаро интеграция жараёнига кириб, геоиқтисодий маконни шакллантиришади.

Ҳудудий мажмуалар нафақат ишлаб чиқаришда (ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари), балки умуман ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам мавжуд. +олаверса, бутун борлиқ каттаю-кичик мажмуалардан иборат. Масалан, саноат, агросаноат, транспорт тугунларидан ташқари аҳолига таълим, тиббий, маиший хизмат кўрсатишда, шунингдек, ҳудудий туристик ёки рекреация мажмуалари шаклларида ҳам бўлади. Бинобарин, ушбу

қўлланманинг муаллифи, ўзининг илмий-педагогик тажрибасидан келиб чиқиб, университетлар ўқув режасидаги «Худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг назарий асослари» курсини «Худудий мажмуаларнинг назарий асослари»-га айлантиришни лозим топди.

+олаверса, худудий мажмуалар умуман география фанига тегишли. Чунки бундай худудий бирикмалар табиий географияда ҳам жуда кўп учрайди. Улар жумласига ландшафт, биогеоценоз ва бошқа худудий табиий мажмуа (комплекс) ларни киритиш мумкин.

Мазкур ўқув қўлланмада сўз асосан иқтисодий ва ижтимоий география соҳасидаги худудий мажмулар тўғрисида боради. Унинг асосий мақсади ушбу фандаги анъанавий комплекс (мажмуали) ёндошув эмас, балки объектив борлиқдаги жамики ўзаро алоқадорликда ва бир жойда ўрнашган, мужассамлашган, фаолият кўрсатаётган худудий мажмуаларни ўрганишдан иборатдир. Табиийки, бундай мураккаб ҳодиса ёки воқеликлар шунга мувофиқ кенг қамровли, комплекс ва тизим-таркиб асосида ёндошувни таҳлил ва тадқиқ қилишни талаб этади.

Хурматли талабалар! +ўлингиздаги китобчани чуқурроқ англаб олиш учун Сизга биринчи босқич талабаларига мўлжалланган «Иқтисодий ва ижтимоий география асослари» дарслигимизда баён этилган мавзуларни унутмаслигингизни сўраймиз ва ушбу фанни бошқа фанлар қаторида севиб ўрганишингизда катта омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Муаллиф

1-мавзу. Географияда ҳудудий мажмуа, тизим ва районлаштиришнинг назарий асослари

Режа:

1. Ҳудудий мажмуалар ва уларнинг шакллари.
2. Географияда комплекс ва комплекс ёндошув
3. Ҳудудий тизим (система) ва тизим-таркиб ғояси.
4. Районлаштириш-география фанининг асосий моҳияти.
5. Комплекс, система, район ўртасидаги алоқадорлик.

Ҳар қандай фан ўзининг тадқиқот объекти ва предмети, методи ва методологияси (усули ва услубиёти), асосий тушунча ва қонуниятлари ҳамда тамойилларига эга. Шу нуқтаи назардан география фанининг ўрганиш объекти ва предмети, энг муҳим тамойили **ҳудуд** ҳисобланади. Ҳудудга географик ёндошув эса ҳамма вақт **комплекс** характерда бўлади. Айни вақтда ҳудуд қатор географик ўзак тушунчалар-ҳудудий меҳнат тақсимооти, район, ҳудудий тизим ва ҳудудий мажмуа қабиларнинг асосида ётади. Бинобарин, ҳудуднинг «эгаси», қандай кўринишда бўлмасин, албатта ва фақат географиядир.

Юқоридаги моҳиятан географик маънога эга бўлган ҳудуд (фалсафий маънода-мақон) нафақат ушбу фан учун, балки баъзи турдош фанлар учун ҳам муҳимдир. Масалан, тарихан иқтисодий география негизида вужудга келган ва у билан яқиндан алоқада бўлган минтақавий иқтисодиёт ҳам бевосита ҳудуд ёки минтақа билан иш тутади. Аммо шу ўринда унутмаслик лозимки, ҳар қандай ҳудуд ҳам минтақа бўлаолмайди, масалан, университет жойлашган ҳудуд асло минтақа эмас. Демак, минтақа (уни тўғридан-тўғри анъанавий географик, аниқроғи табиий географик минтақалар, табиий, иқлим, тупроқ зоналари билан чалкаштириш нодуруст) ҳам ҳудуд, бироқ у каттароқ қўламдаги ҳудудни англатади.

Иккинчидан, минтақавий иқтисодиётни ҳудудий иқтисодиёт кўринишида қабул қилиш ҳам нотўғридир. Сабаби минтақавий иқтисодиётнинг амалий томони-минтақавий сиёсатни ҳудудий сиёсат шаклида талқин қилиш умуман бошқача мазмунга олиб келади. Бундай сиёсат мамлакатнинг ички қисмига эмас, унинг майдони, чегарасига қаратилган бўлиб қолади-ки, бу ҳозирги замон минтақавий сиёсатнинг мазмун, мақсад ва моҳиятига тамомила зиддир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тушунчалар, жумладан ҳудудий таркиб, тизим, ҳудудий мажмуа ҳамда район моҳият ва мазмунан бир-бирига жуда яқин туради ва улар ўртасидаги фарқ унча катта эмас. Лекин, фаннинг асосий вазифаси айнан ана шундай «нозик» ёки «юпқа» фарқларни илғаш, ўхшашликдан ноўхшашлик ва ноўхшашликдан ўхшашликни топиш, кенг фикрлаб аниқ хулоса чиқариш, каттада кичикни, кичикда эса каттани кўра билишдан, ҳодиса ва воқеликларни ўртасидаги алоқадорликни англаш асосида тегишли қонуниятларни аниқлашдан иборатдир.

Чиндан ҳам география фани учун комплекс ёки мажмуа муҳим аҳамият касб этади. «Комплекс» тушунчаси латинчада бирикма, рус тилида «сочетание» маъносини англатади. Уни ўзбек тилида шартли равишда «мажмуа» шаклида қабул қилиш мумкин. Аммо, ҳудудий мажмуа ва мажмуали ёндошув айнан бир хил эмас, чунки биринчиси объектив борлиқ, иккинчиси эса унга методик ёндошув, биринчиси от шаклида келса (нима?), иккинчиси сифат кўринишига (қандай?) эга.

Табиийки, ички жиҳатдан мураккаб объектларга (ҳодисаларга) шунга мос равишда кенг қамровли, яъни комплекс ёндошув талаб этилади. Шу билан бирга бундай методологик ёндошув география фанида анъанавий аҳамиятга эга бўлиб, у унча мураккаб бўлмаган оддий воқеликларни таҳлил ва тадқиқ қилишда ҳам қўлланилади.

Комплекс «комплект» тушунчасига ҳам яқин. Иккисида ҳам саноғи кўп, қамрови кенг ҳодиса ёки нарсалар тушинилади. Бироқ, комплектда маълум мақсад, эҳтиёжлар учун ташкил этилган нарсалар

тўплами (автомобил қисмлари, рангли қаламлар, мактаб анжомлари комплекти ва ҳ.к.) назарда тутилади. Одатда, бу йиғинди тўпламлар чекланган ва тўла бўлади, комплекснинг эса қатъий чегараси йўқ ва уни аниқлаш муҳим.

Айниқса бундай чегара комплекс ёки мажмуали ёндошув учун зарурдир. Кўп ҳолларда география фани учун комплекс тадқиқотларнинг ўта зарурлиги ва аҳамиятлигини эътироф этган ҳолда, ўрганиладиган воқеликка ниҳоятда кенг, яъни ҳаддан ташқари атрофлича қаралади. Бундай ҳолатларда баъзан ўрганилаётган ёки таҳлил ва тадқиқ қилинаётган масаланинг ўзи «кўринмай» қолади ва бир текисда қамраб олинган ҳодисалар орасида «йўқолиб» ҳам қолади. Масалан, транспорт ёки қўшма корхоналар географиясини ўрганишда асло аҳолининг табиий ҳаракати керак эмас. Худди шундай, соф демографик ёки демогеографик (геодемографик) муаммолар таҳлил қилинаётганда ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишга таъсир этувчи омилларни билиш умуман талаб этилмайди. Бинобарин, қандай комплекс ёндошув аниқ, муайян мақсадга қаратилган ва бевосита алоқадор бўлган ҳодиса ёки воқеликларни (дарахт ва унинг шохларни, шохчаларини эмас) қамраб олиш керак.

Ҳудудий мажмуалар география фанининг барча таркибий қисмлари учун хос ва уларнинг «умумий махражи» ҳисобланади. Иқтисодий географияда улар даставвал Н.Н.Колосовский томонидан яратилган (ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, 1947) ва бу ўша даврдаги фаннинг моҳиятига (иқтисодий, яъни ишлаб чиқариш географиясига) мувофиқ келган. Кейинчалик эса иқтисодий географиянинг эволюцион тарзда иқтисодий ва ижтимоий географияга айланиши билан ҳудудий мажмуаларга кенгроқ қараш зарурияти туғилди. Чунки, ҳудудий мажмуалар нафақат саноат ёки қишлоқ хўжалигида, транспортда, балки аҳолига хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларда ҳам мавжуд (спорт мажмуаси, тиббиёт, таълим муассасаларининг мажмуа кўринишда ҳудудий ташкил этилиши ва ҳ.к.). +олаверса, ҳудудий мажмуалар ҳатто сиёсий географияга ҳам хосдир. Шу боис, *ҳозирги кунда*

худудий ишлаб чиқариш мажмуалари эмас, балки кенгроқ худудий мажмуалар тўғрисида сўз юритиш тўғрироқ бўлади.

Худудий мажмуаларга таниқли географ олимлар В.А.Анучин, В.В.Покишевский ва бошқалар ҳам катта аҳамият беришган. Биз ҳам ушбу тушунчани география фанининг «жону-тани» деб биламиз. Комплекс ёндошувга эса А.Гумбольдт, В.В.Докучаев каби машҳур олимлар асос солишган. Ю.Г.Саушкин географияда «дарахт эмас ўрмон, инсон ёки одам эмас аҳоли,» Н.Н.Баранский «пианинони бир бармоқ билан эмас, барча бармоқлар билан ўйнаш керак», И.М.Маергойз «географиянинг энг жозибали хусусияти унинг кўп масштаби, турли микёс ва кўламда фикрлай олишидadir» деганларининг негизида комплекс ёндошув ётиши аниқ. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, комплекс ёндошув оддий кўпчилик, масалан, хор, чолғу ансамблининг бараварига бирдай чалиниши эмас, уларнинг яккахони, навбат билан якка алоҳида-алоҳида чалиниши шаклида ҳам бўлиши, ёки ҳар қандай масаланинг «эгаси», муроду-мақсади бўлмоғи зарур.

Комплекс ёндошув кўпгина иқтисодий географик фанлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, шаҳарлар географияси ва ҳ.к.) таърифида ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг ҳар қайсисида аввал ўрганилаётган ҳодиса ва воқеалар диалектик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида ажратилиб таҳлил қилинади, таққосланади, сўнгра шу соҳага тааллуқли худудий мажмуалар (саноат ва транспорт тугунлари, шаҳарлар агломерациялари) аниқланади, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ўрганилади.

Маълумки, комплекс (мажмуа) ва система (тизим) тушунчалари ҳам ўзаро анча ўхшаш. Система концепциясини яратган биолог назариётчи олим Людвиг фон Берталанфи уни ўзаро алоқадорликда бўлган элементлар мажмуаси, комплекси сифатида талқин қилган. Кўриниб турибдики, система таърифида комплекс тушунчаси ҳам мавжуд. Аммо, шу билан бирга у бу тушунчаларнинг маънодош эканлиги фикридан узоқ бўлган.

Дарҳақиқат, система ёки тизим (аникроғи-система) комплексга нисбатан мураккаброқ ва кенгроқ мазмунга эга. Система учун ички ва ташқи, горизонтал ва вертикал алоқалар, бошқарувчанлик, мустақил ва барқарор ҳолда фаолият кўрсатиш, ташкил этиш кабилар хос. Улар оддий, аддитив (йиғинди) ва мураккаб кўринишларга эга. +олаверса, ҳар қандай комплекс ҳам система бўлавермайди, масалан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, спорт, ёки туғруқхона мажмуаларини система деб аташ нотўғридир.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала тушунчада ҳам кўплик, уларнинг бир неча (икки ва ундан ортиқ) элементлардан таркиб топиши назарда тутилади. Аммо, мажмуада элемент ва компонентлар ўртасида алоқалар шарт бўлмасида, улар система учун зарур ҳисобланади. Системанинг умумий назариясига мувофиқ, мураккаб системаларда бир элементнинг йўқолиши ёки тўхтаб қолиши системанинг умумий фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Комплекслар учун элементлар саноғи, система учун эса, энг аввало, элемент ва комплекслар ўртасидаги алоқадорлик шартдир. Комплексида тадқиқот чегарасини белгилаш муаммо бўлса, системада бирламчи элементни аниқлаш муҳимдир. Комплексида фикр ташқарига, кенгликка йўналтирилади, ўрганилаётган ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан боғлиғига қаратилса, системада асосий эътибор ҳодиса ва воқеликнинг ички хусусиятлари, алоқа ва муносабатларига берилади.

Ҳар қандай система ўз ички тузилишига, яъни таркибига (структурасига) эга. Бинобарин, фанда система-структура ёки тизим-таркиб ёндошув иборалари мавжуд. Таркиб ҳам, ўз навбатида, турли босқичдаги (иерархиядаги) «таркибчалардан», компонент ва элементлардан ташкил топади. Элемент системанинг бирламчи қисми бўлиб, у бўлинмайди, компонент ёки бошқа юқори поғоналардаги таркиблар эса ўша даражадаги ўзига хос системаларга мос келади.

Шундай қилиб, географияда ҳудудий тизим ва ҳудудий таркиб тўғрисида сўз юритиш мумкин. Табиий географияда ҳудудий тизим, тўғрироғи-геотизим ёки геосистема назариясининг асосчиси В.Б.Сочава

бўлган (1963). У геосистемани табиий география фанининг объекти сифатида караган ва геосистема фақат мазкур фанга тааллуқли, деб ҳисоблаган (иқтисодий географияда эса, В.Б.Сочаванинг фикрича, ҳудудий ишлаб чиқариш системалари мавжуд). Демак, география, ландшафт, минтақа каби тушунчалар кўпроқ анъанавий ҳолда табиий география маъносида қўлланишига ўхшаш геосистема ҳам шу мазмунга эга, ваҳоланки, уларнинг барчаси айни вақтда нотабиий географияга ҳам тегишлидир. Аммо табиий ва ижтимоий (иқтисодий, сиёсий) системалар ўртасида маълум фарқлар мавжуд; нотабиий системалар анча ҳаракатчан бўлади ва уларнинг бошқарув имкониятлари кўпроқ инсон фаолияти билан боғлиқ.

Иқтисодий географияда ҳудудий ишлаб чиқариш системаси ёки ҳудудий ижтимоий-иқтисодий системалар ҳақидаги ғояларни асосан Болтиқбўйи (С.Я.Нўммик) ва Урал (М.Д.Шаригин) олимлари ҳамда Москва Давлат университети профессорлари- Т.М.Калашникова ва К.И.Ивановлар ишлаб чиқишган ва қўллашган. Б.С.Хорев ва Ф.М. Листенгуртлар ушбу тушунчани ўзлари яратган «аҳоли жойлашувининг ягона системаси» ва «аҳоли манзилгоҳларининг гуруҳ системалари» илмий ғояларида ишлатишган, В.С.Преображенский рекреация географияси ҳудудий рекреацион системаларни, ҳудудий сиёсий системаларни эса В.А.Колосов, Н.С.Мироненко, М.М.Голубчик сиёсий география фани ўрганади, деб таърифлашган. Ҳудудий таркиб ёки халқ ҳўжалигининг ҳудудий таркиби тўғрисидаги илмий ишларнинг асосчиси эса, шубҳасиз, И.М.Маергойздир. Ўзбекистонда системали ёндошувни кўпроқ А.Р.Рўзиев ва унинг шогирдлари асарларида учратамиз.

Шу билан бирга система ва тизимли ёндошув ўзбек олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам қўлланилади. Бу, албатта, методологик нуқтаи назардан тўғридир. Аммо, аҳоли миграцияси, унинг табиий кўпайиши, туғилиши, ўлиши каби жараёнларни ҳам ҳудудий тизим (система) даражасида талқин қилиш нодурустдир. Чунки, жараёнларнинг ҳудудий тизими эмас, балки ҳудудий тизимлар ичида турли кўлам ва йўналишдаги

жараёнлар мавжуд бўлади, тизимлар эса жараёнлар натижасидир. Шу жихатдан қараганда, аҳоли жойлашуви, шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларининг ҳудудий тизими бор, аммо аҳолининг табиий ҳаракати ёки миграцияси, туғилиши ёки ўлимининг ҳудудий тизими йўқ.

Шундай қилиб, географияда икки, бир-бирига яқин комплекс (мажмуа) ва система, система-структура (тизим-таркиб) категория ва тушунчалар, ёндошувлар мавжуд. Асосий вазифа-уларни ўз ўрнида ва вақтида қўллашдан иборатдир.

Бундай илмий ғоя ва қонуниятлар фанларнинг тарихи, таърифи ва тақдирида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, система нуқтаи назаридан табиий география геосистемалар, иқтисодий география эса ҳудудий ишлаб чиқариш системалари ҳақидаги фан, деб таърифланган.

Иқтисодий география кейинчалик иқтисодий ва ижтимоий география мақомини олгандан сўнг унинг предмети ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларни ўрганиш билан боғланган. Кенг маънода ижтимоий географиянинг асосий вазифасини Б.С.Хорев жамият ҳаёти ёки жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини тадқиқ этиш билан ифодалаган. Ташкил этиш бошқарувнинг, бошқарув эса система назариясининг устувор функциясидир.

Ўз навбатида, комплекс (мажмуа) ғоясидан келиб чиққан ҳолда, собиқ Бутуниттифоқ география жамиятининг Бишкекда (аввалги Фрунзе, 1980) бўлиб ўтган VII-съездида табиий география ҳудудий табиий мажмуалар, иқтисодий география – ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳақидаги фан, деб эътироф этилган. Ҳозирги кунда мазкур фанларнинг узил-кесил, барчани қониқтирадиган ва қаноатлантирадиган, бир тўхтамга келган таърифи мавжуд эмас. Бундай вазиятни ҳар хил баҳолаш мумкин. Лекин, ҳар ҳолда ушбу муаммо бўйича турли, муқобил фикрларнинг борлиги, айтиш чоғда, география фани ва унинг асосий қисмларини доимо ривожланишда эканлигидан дарак беради.

Энди ҳудудий мажмуа, ҳудудий тизим ва ҳудудий таркибнинг география фанининг бош, бирламчи тушунчаси район билан алоқасига

тўхтаб ўтайлик. Бироқ, бу осон иш эмас, сабаби уларнинг барчасини гнесологик илдизлари, мазмуни бир-бирига ўхшаш ва туташиб кетади. Зеро, район ҳам маълум маънода ҳудудий тизим ва мажмуадир.

Районни ўзига хос система сифатида ўрганиш фақат унинг морфологиясини (доцент Р.А.Ҳодиев ибораси билан-«башарасини») тадқиқ қилиш билан кифояланмайди. Бинобарин, бунинг учун районнинг ички тузилиши, «кесими ва профили», алоқалари, тўри ва тури, функционал таркибини таҳлил қилиш талаб этилади.

Албатта, район ҳам ҳудуд, аммо ҳудуднинг маълум бир ўхшашликларга эга бўлган муайян бир қисмидир. Табиий географияда район турли компонентларнинг мажмуаси шаклида вужудга келган ландшафт типи, иқтисодий ва ижтимоий географияда эса у ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида шаклланган, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳа ёки йўналишларига ихтисослашган аниқ ҳудуддир. Шу ўринда ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг натижасида районлар тўрининг шаклланиб боришини иқтисодий ва **ижтимоий географик жараён**, районлар ва уларнинг ҳудудий ўзаро муносабати, жойлашуви ва алоқаларини **иқтисодий ва ижтимоий географик вазият** сифатида талқин қилиш мумкин. Иқтисодий районлар негизини ташкил этган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари эса ўзига хос **иқтисодий географик самарадорликни** таъминлайди. Бу самарадорлик тармоқ ва корхоналарнинг бир-бирига яқин жойлашуви (транспорт ва бошқа инфраструктура ҳаражатларини қиқартириш асосида) ҳамда уларнинг ўзаро алоқалари натижасида юзага келган.

Унутмаслик лозимки, ландшафт, А.Лёш ибораси бўйича, иқтисодий ландшафт, бозор макони ҳам иқтисодий райондир. Бироқ, география фанининг турли масштабда фикрлашдек жозибали хусусиятига эга бўлгани сингари, район ҳам турли ҳудудий кўламда, миқёсда бўлади. Одатда, катта майдонларни эгаллаган иқтисодий ва сиёсий районларни, инглиз транскрипциясига биноан, «регион» деб ҳам аташади. Шу сабабдан ҳар қандай регион ҳам райондир, аммо аксинча эмас (масалан, Чиноз тумани ёки

талабалар шаҳарчаси ўзига хос район ҳисобланади, лекин уларни регион сифатида талқин қилиш ножоиздир).

Регионни сиёсий география ва сиёсатшунослик фанларига асосланган ҳолда ўзбек тилида шартли равишда «минтақа» шаклида қабул қилиш мумкин. Аммо бу ерда иқтисодий ёки сиёсий география минтақалари анъанавий табиий географиядаги минтақаларнинг моҳияти ва жойлашув шаклига мос келмаслигини яна бир карра уқтириб ўтиш лозим. Демак, район, регион, ландшафт, минтақаларнинг ҳам «умумий махражи» ёки асосини ҳудуд ташкил қилади. Лекин ҳудуд, умуман олганда, чексиз, маълум даражада ноаниқ тушунча. Юқоридагилар эса чегара, ўзига хос ва мос ҳудудий мажмуа ёки ҳудудий тизим шаклларига эга.

Иқтисодий районлаштириш ҳам мураккаб муаммодир. Унинг асосий тамойиллари ва омиллари, мақсад ва моҳияти турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда ўзгариб туради. Жумладан, бозор муносабатларига ўтиш босқичида турган мустақил Ўзбекистонда бу масалага янгича ёндошиш талаб этилади. Бундай вазиятда иқтисодий районлар, энг аввало, давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнини бошқариб бориш ёки «тартибга солиш» ҳамда тизим-таркиб қондасига мувофиқ мамлакатлар иқтисодий географиясини, миллий иқтисодиётни минтақалар тўри орқали ўрганишда методологик ва методик асос сифатида хизмат қилади.

Маълумки, ушбу қўлланманинг муаллифи мамлакатимизда 6 та иқтисодий районларни ажратишни таклиф қилган (Солиев, 1998). Тўғри, иқтисодий районларнинг бундай тўри ва таркиби, уларнинг ҳақиқий шаклланганлик даражаси, ҳуқуқий мақоми ҳақида баҳс ва мунозаралар, эътирозлар бўлиши мумкин. Масалан, белгиланган районлар давлатнинг тегишли вазирликлари (Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси) томонидан расмий равишда тан олинмаган. Боз устига, бу районлар ҳозирча яхлит ва мукаммал бозор муҳити, иқтисодиёт макон хусусиятга эга эмас. Уларда ички иқтисодий алоқалар, интеграцион жараёнлар ривожланмаган,

хар бир вилоят (маъмурий иқтисодий район), уларга берилган кенг имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, ўзларининг маълум даражада «мустақил» иқтисодий салоҳиятини вужудга келтирмоқда. Баъзан, бу маъмурий бирликлар ёндош ҳудудлар имконият ва иқтисодий ихтисослашув йўналишларини эътиборга олмасдан, қандай бўлмасин, ўзларининг кўшниларига ўхшаш ёки уларни такрорлайдиган ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга интиломоқдалар. Табиийки, бундай шароитда ҳақиқий иқтисодий районнинг вужудга келиши ва мамлакат миқёсида ягона ва яхлит геоиқтисодиёт маконнинг шаклланиши, ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенг миқёсда ривожланиши мураккаб бўлиб қолади. Юзага келган вазият бозор муносабатларини тўла-тўқис жорий қилиш, ҳақиқий рақобат муҳитини яратиб бериш жарёнида ҳал этилиб борилади.

Районлар табиий ва иқтисодий географиядан ташқари ижтимоий (социал) ва сиёсий географияда ҳам мавжуд. Аммо уларнинг қамрови, ҳудудий кўлами ҳар хил. Социал районлар, одатда, кичик ҳудудларда ажратилади (масалан, талабалар ёки тўқимачилар шаҳарчаси, маҳалла), чунки кундалик ижтимоий алоқалар нисбатан ана шундай социал ҳудуд ва маконда содир бўлади. Айни вақтда сиёсий географик районлар ҳамда ҳудудий-сиёсий тизимлар анча катта майдонларни эгаллайди (Европа Иттифоқи, НАТО ва ҳ.к.), МДХ ёки Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳам ҳудудий иқтисодий-сиёсий тизим шаклида қатор мамлакатларни ўз қамровига олади.

Район ва районлаштириш масалаларига аниқлик киритиш, бу борада иккиланишга йўл қўймаслик учун, энг аввало, уларни маъмурий ҳудудий бирликлар билан чалкаштирмаслик керак. Чунончи, маъмурий ҳудудий бошқарув тизимида, туман, ноҳия ва шунга ўхшаш тушунчалар бўлиши мумкин, аммо географиядаги тоғ ёки чўл ҳудудлари, воҳа ва водийлар, шаҳар агломерациялари, ёқилғи-энергетика ва пахтачиликка ихтисослашган ҳудудлар том маънода районлардир. Бинобарин, бу ўринда ушбу тушунчани тўғридан-тўғри ўзбекчага ўгириш, таржимасини қидириш шарт эмас. Тарих

фани учун вақт, давр қанчалик муҳим бўлса, географияга ҳам макон, район шунчалик зарурдир. Акс ҳолда бу фан ўз моҳиятидан ажралиб қолади. Чунки, унинг борлиги ва бутлиги, тарихи ва тақдири ҳам айнан район тушунчаси билан боғлиқ. Комплекс ва системалар бошқа соҳаларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ район фақат география фанига тегишлидир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, район маълум маънода, абстракт (мавҳум) тушунча, реал воқеликда эса аниқ, ниманидир райони бор, «умуман район» эса аслида йўқ. Район географик жиҳатдан ниманидир таъсир доираси ёки тарқалиш ҳудудидир (бу маънода у «ареал» тушунчасига ҳам яқин). Масалан, нон дўкони, поликлиника, мактаб, боғча, бозорларнинг ўз таъсир доиралари (радиуси), демак, уларнинг районлари бор. Кичик шаҳар билан йирик марказнинг таъсир доираси ёки район ҳосил қилиш қобилияти бир хил эмас; майда ва катта шаҳарларнинг районлари ҳудуд кўлами жиҳатидан тенг бўлмайди.

Районларни ажратиш мураккаб эканлигини уқтирган эдик. Бу ўринда қўшимча равишда районлаштиришнинг оддий ва мураккаб шаклларини кўрсатиш ҳам мумкин. Масалан, мамлакат ҳудудини турли географик томонлар билан номлаш (Марказий, /арбий, Шарқий, Жанубий, Шимолий ва уларнинг оралиқлари Шимолий-шарқий, Жануби-шарқий, Шимоли-ғарбий, Жануби-ғарбий) ёки алоҳида ороллар, ярим ороллар, анклав ва эксклав ҳудудларни тўғридан-тўғри иқтисодий район мақомида кўриш районлаштиришда унча қийин эмас. Ҳақиқий районлаштириш алоҳида, районлар чегарасини аниқлаш эса иқтисодий маконни унинг ички тузилиш (таркиб) хусусияти, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва мужассамлашуви, комбинацияси, район ҳосил қилувчи марказларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ажратилади.

Савол ва топшириқлар.

1. География фанининг асосий тушунчалари қайсилар?
2. Ҳудудий мажмуа нима ва унинг асосий белгиларини таърифлаб беринг.

3. Худудий мажмуа ва худудий тизим орасида қандай фарқ бор?
4. Худудий таркиб ва районлаштириш ҳақида нималарни биласиз?
5. Районлаштиришнинг оддий ва мураккаб усуллари тушунтириб беринг.
6. Ўзингиз яшаётган вилоятни қандай районларга ажратасиз?

2-мавзу. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва худудий мажмуаларнинг классик ғоялари

Режа

1. Жойлаштириш, жойланиш ҳақида умумий тушунча.
2. Меркантилизмдан фритредизмга.
3. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришда И.Тюнен ва А.Вебер ғоялари.
4. Кристаллер-Лёш назарияси.
5. Янгиликларнинг худудлар бўйлаб тарқалиш ғояси.

Ер юзида бутун борлиқ, мавжудот бир текис тарқалмаган ёки тақсимланмаган. Чунончи, ҳаво ҳарорати, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, қазилма бойликлар, аҳоли ва у томонидан яратилган ишлаб чиқариш тармоқларининг жойланиши, зичлиги бир хил эмас. Айнан ана шундай нотекислик география фанининг чин моҳиятини, унинг диний ва дунёвий аҳамиятини асослаб беради, кишиларнинг ҳаёт-фаолиятини, худудий меҳнат тақсимоти ва ҳатто жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатларнинг географик сиёсатини белгилаб беради.

Ўзиш шундаки, инсоният тарихида доимо турли нарсаларнинг нотекис жойланишига барҳам бериш ва уларнинг бир текис тарқалишига уриниб келинган, аммо ҳеч қачон бу нотекислик бутунлай йўқолмаган, турли минтакалар ва жойлардаги ҳаёт турличалигича қолаверади. Демак, география ҳам абадий, у ҳаракатдаги олам сирларини ўрганувчи фан сифатида ўз

илмий ва амалий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Унинг бундай вазифаси айниқса ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда яққол кўзга ташланади.

Шу ўринда баъзи терминологик масалаларни аниқлаштириш талаб этилади. Масалан, жойланиш(и), жойлаштириш, жойлашиш каби тушунчаларнинг маъноси бир хил эмас. Жойланиш ёки жойлашиш деганда кўпроқ юзага келган ҳолат, географик манзара, назарда тутилади ва у ҳамма вақт ҳам инсон томонидан яратилган бўлавермай, балки ўзига хос турли хил, энг аввало, табиий қонуниятлар асосида вужудга келади. Жумладан, тайга ўрмонлари, денгиз ва океанлардаги балиқлар, ер ости қазилма бойликларни ҳеч ким жойлаштирмаган, улар ўзларича бошқа қонуниятлар асосида жойлашган. Бинобарин, жойлаштириш оддий жойланишдан фарқ қилиб, кимдир томонидан амалга оширилади.

Собиқ Иттифоқ даврида ўта марказлашган, директив режалаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини ягона Давлат планлаштириш ташкилоти («Госплан») жойлаштирган. Ҳозирги бозор муносабатлари, мулкчиликнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши шароитида «жойлаштириш» ўзининг аввалги моҳиятини йўқотади, бироқ бундай вазиятда ҳам турли хил мулк эгалари, тадбиркор ёки бошқа ишбилармонлар ўзига тегишли соҳани маълум тамойиллар асосида жойлаштиради. Кенг миқёсда эса давлат ўзининг турли хил воситалари (механизмлари) орқали ишлаб чиқаришнинг жойлашувини тартибга солиб, бошқариб боради. Илмий жиҳатдан бундай жойлашувни **«худудий ташкил этиш»**, деб аташ ҳам тўғрироқ бўлади. Бу тушунча эса ўз ўзидан тартиб, тизим, мувозанат, бошқарувни кўзда тутди ва ташкил этиш асосан худудий мажмуа шаклида бўлади.

Жаҳон ҳўжалигининг ягона тизими вужудга келганга қадар халқаро (географик) меҳнат тақсимооти унча ривожланмаган эди. Ҳатто XVII-XVIII асрларгача кўпгина мамлакатлар халқаро иқтисодий муносабатларда ўзларининг ички бозорларига чет эл маҳсулотларини киритишга қарши

сиёсат олиб борар эдилар. Бу сиёсат ёки импортни чеклаш иқтисодиёт тарихида **меркантилизм** номи билан ўрин олган.

Албатта, бундай шароитда жаҳон бозори хусусида сўз юритиш мумкин эмас. Жаҳон бозори эркин иқтисодиёт, очиқ савдо тизимини жорий қилишни тақозо этади. Ана шундай йўналиш **фритредизм**, яъни эркин савдо деб аталади. Унинг илмий асосини яратишда А.Смит ва, айниқса Д.Рикардонинг хизмати катта бўлган. Уларнинг ғоялари халқаро географик меҳнат тақсимотини кенг кўламда ривожлантириш, мамлакатлараро савдо-сотиқни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, у мутлоқ ва ёки нисбий қулайлик (афзаллик) қонуни номини олган. Бу қонуннинг асл моҳияти шундаки, ҳар бир мамлакат ўзининг ички имконият ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда маълум маҳсулотни маълум вақт мобайнида бошқа давлатларга қараганда арзонроқ, яъни камроқ харажат билан етиштиради ва уни бозорда осон сотади. Сотилган маҳсулотнинг пулига ўзида йўқ, ёки етиштириши қимматроқ, серхаражат товарларни бошқа ҳудудларда нисбатан арзонроқ ишлаб чиқарилган нарсаларни харид қилиб олади. Бундай товар айирбошлаш нақд пулсиз, яъни бартер усулида ҳам олиб борилиши мумкин.

Фритредизм ғояларини амалга татбиқ қилиш жаҳон хўжалигининг шаклланишига, меҳнат тақсимотининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Айни пайтда мамлакатлар иқтисодиётининг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил қилишида ҳам ўзгаришлар юз беради.

Бевосита ишлаб чиқаришни жойлаштиришга оид илмий ғоялар даставвал Германияда яратилган. Масалан, немис мулкдори Иоган Генрих Тюнен XIX асрнинг 20-30-йилларида ўзининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш бўйича илмий фикрларини махсус асарида баён қилди (русча номи «Изолированное государство»).

Тюнен ғоясининг асосий моҳияти ягона шаҳар, яъни истеъмол маркази атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини маълум тартибда етиштиришни ҳудудий ташкил қилишдан иборат. У бу ғояни амалга татбиқ қилиш учун хўжалик билан шаҳар ёки бозор (унинг мисолида бу шаҳар –Мекленбургдаги

Росток) ўртасидаги масофа, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи, қиймати ва ер рентасига асосланади. Ер рентаси эса унга қўйилган маблағ билан олинган даромад нисбати билан белгиланади.

Юқоридаги шартлар ёрдамида И.Тюнен шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашув тизимини ёки ҳудудий мажмуасини яратади. Бу тизим адабиётда «Тюнен халқалари» номи билан машҳур. Чунки, турли маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган ҳар хил тармоқлар истеъмол маркази атрофида халқасимон жойлашади. Масалан, биринчи халқа-боғдорчилик, сабзавотчилик ва қисман сут чорвачилиги; иккинчиси – ўрмон хўжалиги (ўша даврда ўтин учун), учинчи халқа- картошка, арпа етиштириш ва уруғчилик, тўртинчи-юқори унумдор ғаллачилик ва сут-гўшт чорвачилиги, бешинчи- ғаллачилик ва, ниҳоят, олтинчи халқа –яйлов чорвачилиги.

И.Тюненнинг хизмати шундаки, у биринчи бўлиб ердан фойдаланиш масалаларини кўтариб чиқди ва илмий адабиётга «иктисодий макон» тушунчасини киритди. У ўзининг абстракт моделида маҳсулотнинг бозорга-истеъмолчига арзон ва сифати бузилмаган ҳолда етказиб беришга катта эътибор беради. Шундай қилиб, И.Тюнен қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг дастлабки илмий пойдеворини яратувчиси бўлди ва шу маънода уни қишлоқ хўжалиги географиясининг асосчиси сифатида эътироф этиш мумкин.

1909 йилда Тюненнинг ватандоши –Альфред Вебер саноат штандорти тўғрисида илмий изланишлар олиб борди. У ўзининг диққат-эътиборини саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларга қаратди. Шу мақсадда Вебер омилларнинг таъсир кучига қараб табақалаштирди, асосий ҳал қилувчи омилни аниқлади.

А.Вебер саноат штандорти ва саноат географиясининг асосчисидир. Штандорт эса-корхонанинг ўрнашган жойи ёки корхонанинг оптимал (стандарт) жойлашган, қулай нуқтаси маъносини англатади. Жойлаштириш омили у ёки бу корхонани қуришда кўзда тутилган иқтисодий самарадорлик,

фойда нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу фойда, Вебер фикрича, асосан хом ашё, маҳсулотни реализация қилиш, транспорт ва ишчи кучига кетган харажатлар нисбати ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматидан ташкил топади. Кейинчалик у хом ашё ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ омилни умумий транспорт сарф-харажатларига киритди. Чунки, маҳсулотнинг таннархига хом ашёни келтириш, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Натижада, саноат штандортини белгиловчи иккита омил –транспорт ва ишчи кучи (меҳнат ресурси) олинди. Вебер кейинроқ уларга яна бир муҳим омилни қўшди – у ҳам бўлса агломерация омилидир. Айнан ана шу омил, яъни саноат корхонасини бошқа корхона, инфратузилма тармоқлари ёнида қуриш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади ва бундан жойлашув ҳудудий мажмуа кўринишини олади. Эҳтимол, Н.Н.Колосовскийнинг «ишлаб чиқаришни ҳудудий мажмуалари» ғояси ана шу Вебернинг ишлаб чиқариш агломерацияси ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан ёки назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

А.Вебер транспорт омилига маҳсулот ёки хом ашёнинг вазни, ташиладиган масофа, меҳнат ресурсида иш ҳақи, агломерация омилида эса корхоналарнинг бир жойда тўпланишини ҳисобга олган.

А. Вебер илмий адабиётда ўзининг штандорт назарияси, «жойлаштириш омили» ва «агломерация самарадорлиги» тушунчаларини киритганлиги билан машҳурдир. Агломерация самарадорлиги-бу асл моҳиятига кўра мужассамлашув (концентрация) самарадорлиги бўлиб, у ҳозирги кунда корхоналарнинг йириклашувидан, яъни миқёс, масштаб иқтисоди асосида эмас, балки корхоналарнинг кооперация ва ихтисослашув («хилма-хиллик» ёки сифат иқтисоди) натижасида эришилади.

И.Тюнен (қишлоқ хўжалиги) ва А.Вебернинг (саноат штандорти) ғоялари абстракт шароитларни ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлсада, уларнинг илмий аҳамияти ҳозиргача йўқолмаган. Бу олимларнинг ғояларини «омиллар таҳлили» шаклида умумлаштириш мумкин. Омиллар эса ҳудудда

айрим жойларни танлаб олиш ва пировард натижада ҳудудий мужассамлашув, ҳудудий нотекисликларни ёки географик тенгсизликни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг икки асосий тармоғи, яъни қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуалари бўйича илмий ғоялар яратилди. Энди навбат- аҳоли жойлашуви, аҳолига хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларнинг ҳудудий ташкил этиш муаммоларига келди. Бу ҳақдаги ишланмалар ҳам немис олими Вальтер Кристаллерга тегишли. У 1930-йилларда аҳолининг ҳудудий тарқалиши ва жойланиши масалаларини ўрганиб, ўзининг «Жанубий Германия марказий ўринлари» номли китобини ёзди.

Марказий ўринлар турли йирикликдаги шаҳар ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, улар ўзига хос таъсир доираси, хизмат кўрсатиш радиусига эга. Идеал ҳолатда ҳар хил миқёсдаги марказий ўринлар географик муҳитда олтибурчак шаклга эга ва улар асаларининг уясини эслатади.

Кристаллер учун ҳам ҳудуд барча шароитлар бўйича бир хил бўлиши, яъни ҳудуд теп-текис, аҳоли, аҳоли манзилгоҳлари, йўл ва бошқалар бир хил жойлашган. Ана шундай идеал манзарадан келиб чиққан ҳолда у ўзининг илмий ғоясини яратди. Унинг номи билан «марказий ўринлар», иерархия, шаҳарлар классификацияси каби тушунчалар, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий мажмуа шаклида жойлаштиришга оид илмий фикрлар боғлиқ.

Бошқа, ёш ва истеъдодли немис олими Август Лёш ўзидан олдинги ватандошларининг илмий ишланмаларини умумлаштириб (у А.Вебернинг ўқувчиси эди), барча хўжалик тармоқларини жойлаштириш тўғрисида иш олиб борди. А.Лёш ғояларининг моҳияти унинг махсус китобида (русча номи «Географическое разме́чение хозяйства»-М., 1959) баён этилган. Китобнинг асл нусхаси қўлёзмаси 1940 йилда нашр қилинган.

А.Лёш қишлоқ хўжалигининг ареал, майдон сифатида, саноатнинг эса нуқтасимон ҳудудий ташкил этиш хусусиятларини асослаб берди. У биринчи

бўлиб «бозор муҳити ёки макони», «иқтисодий ландшафт» (ҳозирги кунда – иқтисодий район, ўзига хос ҳудудий мажмуа) тушунчаларини яратди ва фанга киритди. Агар аввалгилар, хусусан И.Тюнен ва А.Вебер алоҳида корхонани, тармоқни ўрганишган бўлишса, А.Лёш ишлари барча хўжалик соҳаларини қамраб олди ва ўз моҳиятига кўра бозор муносабатлари, унинг таъсир доираси ҳақиқий район ташкил қилувчи омил эканлиги таъкидланди, математик усулларни кенг қўллади. Айнан ана шу тамойилларни ҳозирги кунда Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш масалаларига татбиқ қилиш аҳамиятдан холи бўлмаса керак.

Таъкидлаш жоизки, И.Тюнен ва А.Вебер ғоялари ўз даври талабига мос келарди. Сабаби – у даврда ҳудуднинг иқтисодий сиғими, зичлиги унча юқори эмас, ҳудудий-иқтисодий манзара кутбийлашмаган, яъни деярли бир текис эди. Ана шундай иқтисодий географик ҳолат алоҳида корхона ёки тармоқларни айрим жойларда ўринлаштириш таъсирида ўзгаради, нотекислик хусусиятини олади. Бошқача қилиб айтганда, аввалги табиий кўринишдаги иқтисодий текислик нотекисликка, ҳудудий мужассамлашувнинг кўчайишига ўзгаради. Бунинг натижасида нотекисликни текислашга уриниб кўрадиган илмий изланишлар талаб этилди. Худди шундай регуляр тизимга мослашган ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил қилиш ғояларини В.Кристаллер ва А.Лёш яратди.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан унча ўзлаштирилмаган, хўжалик сиғими паст ҳудудларни ривожлантириш ва жонлантириш борасида ўсиш қутблари ва ривожланиш марказлари тўғрисидаги назария ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг асосчиси француз олими Франсуа Перрудир.

Ф.Перру «марказий ўринлар» ғоясидан келиб чикди, омилларни эмас, тармоқларни ривожланиш хусусияти, ҳаракатчанлиги, атрофга таъсири бўйича табақалаштирди ва уларни уч гуруҳга ажратди. У энг аввало ҳудудий–иқтисодий муносабатларда тенгсизлик, нобаробарликни тан олди ва

мутлоқ жиҳатдан тенгликни амалга ошириш мумкин эмаслигига тўла ишонди.

Перру фикрича, учинчи гуруҳ тармоқлари тез, жадал ривожланиш, район (мажмуа) ҳосил қилиш салоҳиятига, қобилиятига эга бўлиб, айнан ана шундай минтақавий иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи тармоқлар ривожланиши ўсиш марказларини ташкил қилади. Марказларнинг мустаҳкамланиши, уларда турдош корхоналарнинг кўпайиши, атрофга бўлган таъсир доирасининг кенгайиши натижасида ўсиш қутблари вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 40-нчи йилларида худди шунга ўхшаш «иқтисодий учоқлар» ғояси рус олимлари, жумладан А.Г.Александров ва Н.Н.Колосовский томонларидан ҳам яратилган эди.

Ўсиш қутблари ғояси швед олими - Лунд университети профессори (Швеция, 1954) Т.Хагерстранднинг янгиликлар диффузияси назариясига ўхшаб кетади. Фақат муаллиф бу ғояни кўпроқ социал география бўйича ишлаб чиққан.

Чиндан ҳам, жаҳон тараққиёти, дунё хўжалик тизимининг ривожланиш тарихи фан-техника ютуқлари, илмий янгиликлар ва кашфиётлар, инновациялар технологик детерминизм билан боғлиқ. Тарих нуқтаи назаридан ёндошганда, жаҳон хўжалиги ривожланишида маълум циклларни ажратиш мумкин. Бу давр ёки цикллар янги кашфиётларнинг ихтиро этилиши, татбиқ этилиши, тарқалиши ва уларнинг ўрнига бошқа инновацияларнинг келиши билан белгиланади.

Махсус адабиётларда америкалик У.Ростоунинг (XX аср, 58-60-йиллар) иқтисодий ривожланишнинг босқичлари, стадиялари, рус иқтисодчиси Н.Д.Кондратьевнинг 30-йиллар илмий-техника ўзгаришларига асосланган «узун тўлқинлар» назарияси мавжуд. Шунингдек, америкалик олим Р.Верноннинг (XX аср ўрталари) экспорт товарининг ҳаёт цикли, австралиялик Йозеф Шумпетернинг тадбиркорлик тўғрисидаги ғоялари ҳам янгиликларнинг диффузияси ва технологик детерминизм билан яқиндан боғлиқ.

Диффузия (физикадан олинган бўлса керак) кенгайиш ва тарқалиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Биринчисидан янгиликнинг амалий татбиқ доираси аста-секин кенгайиб боради, иккинчисидан эса бу бирин-кетин содир бўлади, янгилик биридан иккинчисига кўчади. Худди шу хусусда америкалик иқтисодчи М.Портернинг (1993) марказдан четга кашфиётларнинг, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларининг кўчиши, бир мамлакатдан иккинчи, учинчисига ва ҳ.к. даражаларга каскадсимон ўтиши, миграцияси ҳақидаги илмий ишланмалари ҳам бор.

СССР парчаланиши ва мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан геосиёсий вазият ўзгарди. Ана шундай шароитда чегара атрофи минтақаларини ўрганиш, «Марказ-чекка» (перифирия) муносабатларини тадқиқ қилиш масалалари ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бевосита алоқадордир.

Жаҳон ҳўжалиги тизими (бу тушунча асосчиси америкалик И.Валлерстайн), унинг тараққиётидаги цикллар даврий, тарихий хусуситга эга. Бундай ёндошувни тик эмас, горизонтал, яъни географик жиҳатдан ҳам қўллаш мумкин. Натижада, иқтисодиёт ривожланишининг ҳудуддан-ҳудудга ўтиши, бизнинг иборамизда - **«географик тўлқинлар»** кўз олдимизга келади.

Н.Д.Кондратьев жаҳон ҳўжалиги динамикасида 5 та цикл ажратади, улардан тўрттаси индустрия даврига, охириги 5-ундан кейинги, яъни постиндустриал даврга тўғри келади. Бу даврда электроника, лазерлар технологияси, биотехнологиялар устувор аҳамиятга эга. Худди шунга ўхшаш ҳудудий-иқтисодий ривожланишнинг кетма-кетлигини кузатиш мумкин. Бу ўринда И.Мечниковнинг жаҳон цивилизацияси босқичлари ва бунда буюк тарихий дарёларнинг роли ҳақидаги асарини ҳам эътибордан четга қолдирмаслик керак. Муаллиф жаҳон маданияти ва тараққиётида дарё, Ўрта денгиз ва океан цивилизацияларини ажратади. Улар бир вақтнинг ўзида эмас, балки турли даврларда, бирининг ўрнини иккинчисини олиши билан юзага елган.

Дарҳақиқат, жаҳон тараққиёти Узоқ Шарқ, Япония ва Хитойдан бошланиб, Ўрта ва Яқин Шарққа, ундан Ўрта денгиз ва Пиреней ярим оролига, улардан Англия ва ниҳоят Америкага (А+Ш)га кўчи. Ҳозирги даврда тарихни, иқтисодий-иҷтимоий ҳаётни ривожлантирувчи минтакалар «учбурчаги», яъни А+Ш-/арбий Европа-Япония ҳисобланади. Айни вақтда, етакчи кучнинг аста-секин яна шарққа кўчиши аломатлари сезилмоқда. Буни Япония таъсири ва бошчилигида янги индустриал мамлакатлар – Жанубий Корея, Сингапур, Тайланд, Малайзия, Индонезия, Филиппиннинг пайдар-пай (изма-из) жадал суръатлар билан ривожланишида кўрамиз. Демак, бизнинг назаримизда, иқтисодий тараққиётнинг цикл хусусиятига эга эканлиги фақат давр, вақт доирасидагина эмас, балки Ер шари, глобал, географик маконда ҳам содир бўлмоқда. Бундай географик тўлқинлар, силжишлар эса, албатта, жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш ва унинг ҳудудий таркибига таъсир қилади.

Шу билан бирга иқтисодий географлар, минтақа иқтисодчилари В.Леонтьев ва У.Изардларнинг тармоқлараро ва ҳудудлараро баланси ҳамда минтақавий иқтисодиёт фани тўғрисидаги илмий ғояларини, Зипфа ва Стюарт, Дж.Фридман кабиларнинг шаҳарлар ривожланиши, бошқа олимларнинг «дунёвий шаҳарлар» ҳақидаги янги ишларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Зеро уларнинг барчаси ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ҳудудий мажмуалар билан бевосита боғлиқ.

Биз юқорида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг илмий ғояларини асосан /арб олимлари асарлари бўйича талқин қилдик. Ўз-ўзидан савол туғилиши табиий: нахотки узоқ тарихга, маданиятга эга бўлган ўзимизнинг юртимизда бундай ишлар қилинмаган бўлса? Шубҳа йўқ, албатта бу борада ҳам ўлкамиз катта ва бой меросга эга. Муаммо фақат уларни тарихий манбалардан қидириб топиш, ўрганиш, тарғиб ва ташфиқот қилиш, амалга татбиқ қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Масалан, бу ерда хусусан деҳқончиликни ривожлантириш ва жойлаштириш, алмашлаб экиш, суғориш иншоотларини қуриш ва фойдаланиш, савдо ва ҳунармандчилик соҳалари,

шаҳарсозлик тўғрисида дунё аҳамиятига молик ихтиролар яратилгани сир эмас. Математика, тиббиёт каби фанлар туғилган бу Замин ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа соҳаларига, жаҳон маданияти ва тарихига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Савол ва топшириқлар

1. Жойланиш, жойлаштириш, ҳудудий ташкил этиш ўртасида қандай фарқ бор?
2. «И.Тюнен халқалари» нима?
3. А.Вебернинг «Саноат штандорти» ҳақида нималарни биласиз?
4. В.Кристаллер ва А.Лёш илмий ғоялари моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Янгиликлар давр ва ҳудудга қандай тарқалади?

3-мавзу. Н.Н.Колосовскийнинг ҳудудий ишлаб чиқариш ҳақидаги назарияси

Режа

1. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари иқтисодий географиянинг асосий тушунчаларидан бири.
2. Н.Н.Колосовскийнинг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари тўғрисидаги назарияси.
3. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг функционал типлари ва классификацияси.
4. Энергия ишлаб чиқариш цикллари.
5. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғоясининг амалга татбиқ қилиниши.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) иқтисодий-ижтимоий географиянинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган назарий ютуқлардан биридир. Уни яратишда энг аввало Н.Н.Колосовскийнинг хизматини кўрсатишимиз жоиз.

XX асрнинг йигирманчи йилларида ГОЭЛРО, яъни Россияни электрлаштириш давлат режаси доирасида И.Г.Александров иш ола бора туриб ва, айниқса, ДнепроГЭС лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида район комбинатлари ҳақидаги ўзининг назариясини яратди. Ўттизинчи йилларда эса бу муҳим масалани у аниқлаштирди, чуқур ўрганиб **район ишлаб чиқариш комбинатларини** барпо этиш лозимлигини таъкидлади. Кейинчалик Н.Н.Колосовский И.Г.Александровнинг район ишлаб чиқариш комбинатлари тўғрисидаги таълимотидан Урал, Сибир ва +озоғистон каби йирик районлар мисолида амалий фойдаланди, уни бойитди ва шу асосда ўзининг район комплекслари (комбинатлари, мажмуалари) тўғрисидаги илмий ғоясини шакллантирди. Бу, албатта, илгаригига қараганда янги бир кадам олға фикр эди.

Н.Н.Колосовский 1947 йилда ҳудудий ишлаб чиқариш (аниқроғи, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмалари, комплекслари) мавзуида мақола чоп эттирди. Унинг фикрича, бу назариянинг асосий моҳиятини маълум бир ҳудудда ёки иқтисодий районда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва жойланиши ташкил этади. У ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуасини иқтисодий география фанининг таркибий қисми эканлигини қайта-қайта таъкидлади ва айни пайтда маълум ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналар йиғиндиси ҳамма вақт ҳам комплекс (мажмуа) бўла олмайди, деб уқтирган эди. Бундай оддий ҳудудий жойлашиш группировкани ташкил этади, холос. Демак, биз қўшимча қилар эканмиз, ҳар қандай ҳудудий мажмуа бу гуруҳ, аммо ҳар қандай гуруҳ мажмуа бўлавермайди.

Кейинчалик ҲИЧМ назариясини ривожлантиришга Н.Н.Баранский, Н.Т.Агафонов, А.Г.Аганбегян, М.К.Бандман, Н.Н.Некрасов, Ю.Г.Саушкин, Т.М.Калашникова, М.Н.Степанов, А.И.Чистобаев, А.Т.Хрушев, М.М.Паламарчук, З.М.Акрамов, С.К.Зиёдуллаев, А.Г.Батигин, К.Н.Бедринцев каби бир қатор олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тажрибалар ҳамда фактик материаллар шуни тасдиқлайдики, ҳудудий (ёки географик) меҳнат тақсимои фундаментал тушунча бўлиб, у иқтисодий районлаштириш ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳудудий меҳнат тақсимои бирламчи, қолган икки тушунча эса унинг натижасидир.

Н.Н.Колосовский ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуалари (ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, бизнингча, булар бир хил маънога эга) ибораси иқтисодий районлар тўғрисидаги тушунча ўрнини эгалламаслиги керак; бу иқтисодий районларнинг «ядриси»ни ташкил этади, холос деб уқтирган эди. Дарҳақиқат, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари мазмун ва сифат жиҳатдан, айниқса ишлаб чиқариш корхоналарини маълум бир нуқтадаги ёки жойдаги турғун бирикмаси сифатида иқтисодий районлардан фарқ қилади.

Сўнгги йилларда бундай қараш бироз ўзгарди: умуман олганда, ҳар қандай босқичдаги иқтисодий районлар ҳам ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклида кўрилса бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона водийси, Наманган вилояти ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва ҳ.к. Савол туғилиши мумкин: ҳақиқатда ёки реал воқеликда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси қаерда вужудга келади ва ҳар қандай жойнинг ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасини мажмуа деб аташ мумкинми? Бу ерда, бизнинг фикримизча, масалага ҳар томонлама ёндошиш керак ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг турли хил бўлишини унутмаслик лозим. Акс ҳолда, чалкашликлар вужудга келиши муқаррар.

Албатта, иқтисодий район хўжалиги ўзининг моҳияти ва мақсадига кўра ҳар томонлама (комплекс) ривожланиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан иқтисодий районлар хўжалигини реал ёки потенциал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида кўриш мумкин. Бу ерда биз тушунмовчиликка имконият қолдирмаслик мақсадида бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини **«маъмурий районлар даражасидаги мажмуалар»** деб юритишни таклиф этамиз. Н.Н.Колосовский айтган маънода, яъни

маълум бир жойда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро боғлиқ ҳолда жойланиши ва ривожланиши асосида вужудга келган мажмуалар эса том маънода ёки «анъанавий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари», деб аталиши тўғрироқ. Н.Н.Колосовский шогирдларидан бири М.К.Бандман бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларни мамлакат аҳамиятига молик, муҳим бир муаммони ҳал этишга, бир мақсадга қаратилган дастурли мажмуалар, деб ёзади. Улар, одатда, реал воқеликда вужудга келади ва маъмурий чегараларга кўпинча мос келмайди. Сабаби-мазкур ҳудудий мажмуалар асосида қандайдир табиий географик объектлар, масалан, дарё хавзалари, қазилма бойликлар, тоғ, чўл ва бошқалар ётади.

Аммо ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари қайси маънода тушунилмасин, улар иқтисодий географияни ўрганишда энг муҳим ва унумли назариядир. Бу район хўжалигини система даражасида қараш ва уни таркибий тузилиши бўйича таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари орасидаги алоқадорликни назарда тутати.

Том, ҳақиқий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари асосан янги ўзлаштирилаётган районларда, улкан табиий бойлик ва айниқса ёқилғи-энергетика заҳиралари негизида вужудга келиши билан тавсифланади.

Албатта, тарихий ривожланиш давомида аввал ўзлаштирилган ерларда вужудга келган хўжаликнинг ҳудудий таркибини мажмуага айлантиришга қараганда, янги, «соф» ёки «бўш» жойда бу мақсадга эришиш осонроқдир. Мажмуа яратувчи тармоқ сифатида эса кўпроқ ёқилғи-энергетика саноати асос бўлиб хизмат қилиши ҳам, шубҳасиз, бир ҳолдир. Масалан, Россия Федерациясидаги Братск ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини олайлик (унинг дастлабки лойиҳасини Н.Н.Колосовский раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи яратган). Бу ерда йирик 4 млн, кВт. дан ортиқ қувватга эга бўлган сув электр станцияси қурилди ва айни пайтда бўлажак сув омбори майдонини ўрмондан тозалаш мақсадида ёғоч-целлюлоза саноати вужудга келди. Арзон электроэнергиянинг мавжудлиги энергияни кўп истемол қилувчи тармоқларни ўзига «тортди» ва, натижада, бу ерда учинчи йирик

корхона-алюминий заводи барпо этилди. Рангли металлургия ва ўрмон саноати яна «занжирсимон» тарзда бошқа корхоналар вужудга келишини (жумладан машинасозлик, кимё) тақозо этди.

Бундай мажмуалар Ўрта Осиё республикаларида қулай табиий шароитда, аҳоли ва меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган минтақада ва фақатгина энергетика эмас, балки агроиклимий ресурслар асосида ҳам вужудга келиши мумкин. Демак, республикамиз ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари суғориладиган деҳқончилик, агросаноат тармоқлари ва меҳнатни кўп талаб қилувчи корхоналарини ўз ичига олар экан. Бунга Мирзачўл ёки Ҳарши дашти асосида шаклланаётган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларида мисол бўла олади.

Кенг маънода ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам турли босқичда бўлади. Оддий саноат ёки агросаноат тугунидан тортиб мамлакат миқёсида вужудга келаётган ягона халқ хўжалик мажмуасини ажратиш мумкин. Бу, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда ниҳоятда илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлиб, минтақа ёки алоҳида вилоятларнинг мамлакатимиз меҳнат тақсимоотида тутган ўрнини, «башарасини» белгилаб беради.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини иқтисодий жиҳатдан самарадор эканлиги, энг аввало, умумий инфратузилма (йўл, сув, ер ости иншоотлари, электр энергия шаҳобчалари ва б.) мавжудлигидан келиб чиқади. Масалан, пахта экиладиган районларни олайлик: бундай жойларда, одатда, пахта тозалаш заводи, унинг ёнида ёғ заводи, уларнинг чиқиндилари асосида эса чорвачилик фермасини ташкил этса бўлади. Бу ерда мажмуа ҳосил қилувчи тармоқ-пахтачилик ҳисобланади ва у бошқа тармоқ ёки корхоналар жойланишига сабаб бўлади. Табиийки, бундай корхоналар алоҳида-алоҳида, тарқоқ жойлашса, уларнинг ҳар бири учун юқоридаги инфратузилма шаҳобчалари керак. Бу эса иқтисодий жиҳатдан номақбулдир. Агар уларнинг барчаси бир жойда ҳудудий ташкил этилса, катта тежамкорликка ва, бинобарин, катта самарадорликка эришилади. Шу боис

айтиш мумкинки, иқтисодий география фанини «иқтисодий» қилувчи асос ҳам айнан ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларидир. Зеро, улар икки қара икки тўрт эмас, беш бўлишини таъминлайди.

Бу назариянинг аҳамияти айниқса, мамлакат халқ хўжалигини бошқаришдаги ҳудудий тамойилдан тўғри фойдаланишда яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини ҳозирги қайта қуриш даврида ҳудудий дастурларни кенг жорий қилиш ниҳоятда муҳимдир. Ҳудудий дастурлаш тармоқлар асосида бошқаришга қараганда маҳаллий табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳамда шу жойнинг атрофлича ривожлантириш имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олади.

Бу ҳақда ва, хусусан, тармоқлар бўйича бошқаришдаги айрим камчиликларни Чирчиқ шаҳри хўжалиги мисолида кўра бўлади. Маълумки, бу шаҳарда ўтмишда маҳаллий шароит, иқтисодий ва табиий-географик ўрин ҳисобга олинмаганлиги сабабли янги саноат корхоналарини жойлаштириш салбий экологик оқибатларга олиб келди.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари мавзусини ўрганишда маҳаллий мисолларига мурожаат қилиш фойдалидир. Масалан, Мирзачўл ёки Ҳарш даштини ўзлаштириш асосида вужудга келаётган мажмуалар тўғрисида фикр юритиш мумкин. Ушбу ҳудудий мажмуалар ўзларининг ихтисослашувига кўра агросаноат мажмуаси эканлигини англаш зарур. Шунингдек, кейинги йилларда агросаноат мажмуаларини ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги янги босқич сифатида шаклланишининг катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳам кўрсатиш керак. Авваламбор бу самарадорлик ҳам ашё ва ярим маҳсулотни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш учун сарф этиладиган транспорт харажатларнинг қисқариши, ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида бошқа тармоқларнинг (жумладан, чорвачиликнинг) ривожланиши ва энг муҳими-қишлоқ билан шаҳарлар ўртасидаги тафовутларни қисқартиришда ўз аксини топади.

Илмий ва амалий жиҳатдан республикамызда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишдаги эришилган ютуқлар тўғрисида ҳам айтиб ўтилса

яхши бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли собиқ Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш кенгашида (СОПС) ўтган асрнинг 50-йилларида олиб борилган илмий изланишлар натижасида **районларнинг комплекс муаммолари** тушунчаси ёки илмий йўналиши яратилган эди. Бу, айниқса, ўзининг географик ўрни ва таркибига кўра ўзига хос бўлган Фарғона водийси учун айниқса аҳамиятли эди.

Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам тизим-таркиб ғоясига кўра кўп босқичли, поғонасимон (иерархияли) бўлади. Бунда бирламчи элемент сифатида оддий корхона хизмат қилади. Жумладан, саноат асосида вужудга келган худудий мажмуаларнинг негизини, бирламчи элементини саноат корхонаси ташкил қилади. Саноат корхонаси саноат ишлаб чиқаришининг технологик хўжалик ҳамда юридик (ҳуқуқий) жиҳатдан ташкил этилишининг бирламчи бўғинидир. Улар завод ёки фабрика кўринишида бўлади. Заводларда, одатда, ишлаб чиқариш воситалари, фабрикаларда эса истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Саноат корхонаси мавжуд бўлган жой **саноат пункти** ҳисобланади. Агар бир жойда бир неча саноат корхонаси мавжуд бўлса, у ҳолда **саноат маркази** вужудга келади. Йирик саноат марказлари атрофида саноат пунктларининг жойлашуви навбатдаги, яъни саноат ишлаб чиқаришини худудий ташкил этилишининг тўртинчи поғонаси, босқичи-**саноат тугуни**ни шакллантиради. Айнан саноат тугунларида худудий мажмуалар мукаммал тус олади. Чунки, бундай шароитда саноат корхоналарининг оддий худудий гуруҳи эмас, балки улар ўртасида алоқадорлик (ишлаб чиқариш, технологик, инфратузилма, аҳоли ва меҳнат ресурслари алоқалари) мавжуд бўлади. Бинобарин, саноат тугунларини саноат ишлаб чиқариш мажмуаларининг энг етук шакли, деб баҳолаш тўғрироқдир.

Саноат тугунлари, яъни саноат корхоналарини бир жойда ғуж ҳолда мужассамлашуви **саноат агломерацияси**, деб ҳам аталади. Саноат корхоналарини жойлаштиришда агломерация омилини ҳисобга олиш эса, аввал таъкидлаганимиздек, немис олими Альфред Веберга тегишли.

Агломерация ҳам мужассамлашув каби катта иқтисодий (аммо экологик эмас) самарадорликга эга.

Дарвоқе, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келишида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишининг барча турлари-иҳтисослашув, мужассамлашув, кооперация (ҳамкорлик) ва комбинатлашув иштирок этади. Аслида эса ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари бевосита комбинатлашувнинг ҳудудий кўринишидан бошқа нарса эмас. Фақат корхоналар ўртасидаги кооперация ҳамма вақт ҳам кичик бир ҳудудда мавжуд бўлавермайди.

Алоҳида танлаб олинган жойни барча инфратузилма объектлари билан олдиндан тайёрлаш негизида саноат парклари вужудга келади. Бундай жойлар тадбиркорларга сотилади ёки ижарага берилади.

Масалан, республикамизда хорижий мамлакатлар фирмаларининг сармоялари ёрдамида курилаётган аксарият қўшма корхоналар айнан ана шундай тайёр бино ва инфратузилма шаҳобчалари муҳайё бўлган жойларда ташкил этилмоқда. Демак, айтиш мумкинки, саноат мажмуаларининг асосини бундай шароитда саноат парклари ташкил этади.

Николай Николаевич Колосовскийнинг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғоясини қайси бир жиҳатдан А.Вебернинг ишлаб чиқариш агломерацияси таълимотига яқинлигига ёки ўхшашлик аломатлари борлигига олдинроқ ишора қилган эдик. Аммо унинг бошқа бир илмий ғояси-**энергия ишлаб чиқариш цикллари** таълимотига ҳеч қандай эътироз бўлмаслиги керак. Чунки у бу ғояни бевосита амалиётдан келиб чиққан ҳолда (Н.Н.Колосовский ўзининг асл касби бўйича муҳандис-иқтисодчи бўлган) яратган.

Энергия ишлаб чиқариш цикллари маълум хом ашё ва энергия (бу ерда энергия кенг маънога эга) асосида ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан узлуксиз, ҳатто унинг чиқиндилари асосида ташкил этилишини назарда тутди. Бунда, Ю.Г.Саушкин ибораси бўйича, дарахтнинг танаси-асосий ишлаб чиқариш тармоғи (қора ёки рангдор металлургия, кимё

саноати, деҳқончилик ва ҳ.к.), унинг шохлари эса ана шу асосий ишлаб чиқариш жараёни билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган қўшимча тармоқ ёки тармоқчаларнинг айрим корхоналари демакдир.

Н.Н.Колосовский ўз даврида қора металлнинг пирометаллургик цикли, рангдор металллар, машинасозлик, нефт-газ-кимё, агроиндустриал, ўрмон-ёғоч-целлюлоза каби 8 та асосий энергия ишлаб чиқариш циклларини ажратган. Ҳозирги кунда уларнинг сони 20 га яқинни ташкил қилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, энергия ишлаб чиқариш цикллари асло ҳудудий бирлик эмас, аксинча улар ишлаб чиқаришнинг технологик бирлигидир. Шу боис бундай цикллار нисбатан каттароқ ҳудуд миқёсида вужудга келади. Кўриниб турибдики, ҲИЧМ ва энергия ишлаб чиқариш цикллари бир-биридан тубдан фарқ қилади; иккинчиси биринчисининг ўзаги бўлиши мумкин, аммо унинг ўзгинаси эмас.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, умуман илмий нуқтаи назардан тўғри бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғояси собиқ Иттифок шароитида кўзда тутилган натижаларни тўлалигича бермади. Сабаби-бундай мажмуалар ниҳоятда катта ҳудудларда «режалаштирилди», маъмурий чегаралар эътиборга олинмади, ижтимоий ва экологик омиллар назардан четда қолдирилди, энг муҳими-уларнинг ягона «эгаси»-бошқарув органлари бўлмади. Ваҳоланки, ривожланган хорижий мамлакатларда ҳудудий мажмуалар айнан нисбатан кичик миқёсда яратилди ва уларнинг фаолияти давлатнинг минтақавий ҳамда муниципал сиёсатида бошқариб тартибга солиниб борилади.

* *

*

Шундай қилиб, ҲИЧМларнинг илмий назарий асослари, Россияда, таниқли олим Николай Николаевич Колосовский томонидан яратилди. У ушбу масалани иқтисодий районлаштириш муаммолари билан боғлиқ равишда ўрганди.

Умуман олганда, Н.Н.Колосовскийнинг бундай дунёқарашига унинг транспорт (темир йўл транспорти) муҳандиси эканлиги ва география учун анъанавий аҳамиятга эга бўлган комплекс ёндошувининг уйғунлиги асос бўлди; «худуд+комплекс» ишлаб чиқаришнинг худудий бирикмалари ёки мажмуаларини (комплексларини) ташкил этади.

Чиндан ҳам комплекс-мажмуанинг¹ илмий-амалий аҳамияти катта. Чунончи, у:

- √ табиий шароит ва табиий ресурслардан атрофлича фойдаланиш;
- √ ишлаб чиқаришни мумкин қадар чиқиндисиз йўлга қўйиш;
- √ ишлаб чиқаришни тизим-таркиб асосида худудий ташкил қилиш;
- √ иқтисодий география ва унинг асосий тушунчаси бўлган иқтисодий районларни ўрганиш;
- √ иқтисодий районлар хўжалиги таркибини қайта қуриш ва бошқаларда аҳамиятлидир.

Айтиш мумкинки, агар Н.Н.Колосовский транспорт муҳандиси, яъни ўзига хос инженерлик фикрлаш қобилиятига эга бўлмаганда, эҳтимол, бундай илмий чўққиларга, оламшумул ютуқларга эриша олмасди. Сабаби-транспорт ҳамма вақт масофа ва уни кесиб (кезиб) ўтиш, ташиш, олиб ўтиш каби маъноларни билдиради; масофани мумкин қадар қисқартириш, «яқинроқ» йўл қидириш эса ҳар қандай муваффақиятнинг гарови, иқтисодий самарадорликнинг асоси ҳисобланади. Шу ўринда тайёр маҳсулот таннархи, қийматида транспорт харажатлари ҳатто 50-60 фоизгача етишини унутмаслик керак. +олаверса, ишлаб чиқариш корхоналарнинг қулай ёки ноқулай жойлашуви, маҳсулотнинг қиммат ёки арзон бўлиши кўп жиҳатдан айнан транспорт омилига боғлиқ.

Демак, ишлаб чиқариш тармоқларини маълум иқтисодий маконда ўзаро алоқадорликда жойлаштириш, транспорт омилини эътиборга олиш, барча ёрдамчи тармоқларни (ҳозирги замон тилида-инфратузилма

¹ «Комплекс»-байналмилал тушунча бўлиб, у бирикма, бирлашма, у ёки бу шодисаларнинг ызаро ало=адорликда, таъсирда мавжудлигини англатади.

шаҳобчаларини) умумий тарзда ташкил этиш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади. Шунингдек, бундай самарадорликга энергия, хом ашё, ишчи кучи ва бошқа омиллардан тўғри фойдаланиш, «масштаб самарадорлиги» (мужассамлашув) негизидагина эмас, балки «хилма-хиллик» самарадорлиги асосида эришилади.

Юқорида таъкидланганидек, Россияни амалда иқтисодий районлаштириш уни электрлаштириш (ГОЭЛРО) режасининг дастури билан боғлиқ бўлган. Шу боис, дастлабки иқтисодий районлар, жойларда йирик электр станциялар қуриш ва уларнинг таъсир доирасини аниқлаш нуктаи назаридан энергетика, **энергия ишлаб чиқариш районлари** деб аталган. Кейинчалик бу районларда хўжалик тизимининг бир томонламалигига йўл қўймаслик, маҳаллий шароит ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, транспорт харажатларини қисқартириш ва ортиқча, иқтисодий жихатдан номақбул, узоқ масофадаги транспорт қатновларини камайтириш каби омилларни эътиборга олиб, иқтисодий районлар хўжалигини **комплекс** равишда ташкил этишга устувор аҳамият берилди. Асосий иқтисодий районларнинг хўжалиги комплекс, мажмуали бўлиши (районлар миқёсидаги ХИЧМлар) ёки уларнинг иқтисодиётини комплекс тамойили негизида яратиш муҳим ҳисобланади.

Дастлаб Н.Н.Колосовский «ишлаб чиқариш комбинати» районлар ишлаб чиқариш комбинати» тушунчаларини ишлатди. Бунда «комбинат» сўзининг кўпроқ корхона доирасига тегишлиги ва турли хил терминологик чалкашликларга ўрин қолдирмаслик учун «комплекс» сўзини маъқул топди. У ўз даврида ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмаси (комплекси) тўғрисида ёзган эди, кейинчалик эса бу тушунча (Н.Н.Колосовский вафотидан сўнг) ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари деб атала бошлади.

ХИЧМ-муайян саноат нуктаси (пункти) ёки алоҳида районда, унинг табиий ва иқтисодий шароитлари, транспорт ва иқтисодий географик ўрнига мувофиқ корхоналарни тўғри танлаб олиш ва жойлаштириш ҳисобидан

иқтисодий самарадорликга эришадиган ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш шаклидир.

ҲИЧМ-лар ғояси, биринчидан, иқтисодий районлар хўжалигини комплекс ривожлантириш ва, иккинчидан, Н.Н.Колосовскийнинг Урал-Кузнецк комбинати (УКК) ва Байкалбўйи («Ангарқурилиш») комплекслари лойиҳаларини яратиш ва уларни амалга тадбиқ этиш жараёнида юзага келди. Ушбу тушунча илк бор Иркутск-Черелехово мажмуасига нисбатан ишлатилди. Албатта, бунда муаллифнинг инженерларча фикрлаши, транспорт-темир йўл қурилиши мутахассиси бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг, Россия (собиқ Иттифок) иқтисодий география фанининг ҲИЧМлар ва иқтисодий районлар тўғрисидаги ютуғини ҳатто ривожланган мамлакатлар-А+Ш ва Германия ҳам тан олган; бевосита муаллифнинг ўзи 1948 йилда Францияда ушбу муаммолар ва уларнинг амалий ечими ҳақида илмий маърузалар қилган.

ҲИЧМ-лар иқтисодий районларнинг шаклланиши жараёнида муҳим тактик ва стратегик восита ҳисобланади. Ўз навбатида бундай мажмуаларнинг ўзига хос, индивидуал хусусиятларини аниқлашда, уларни алоҳида типларга ажратишда Н.Н.Колосовский «энергия ишлаб чиқариш цикллари» («энергия ишлаб чиқариш районлари»га мос ҳолда) усулини яратди ва ундан унумли фойдаланди. Бу ерда, Н.Н.Колосовский бўйича, «энергия»-қувват, куч, ҳаракат, «энергетика»-иш қилиш, фаолият кўрсатиш қобилияти маъноларини англатади.

Таъкидлаш жоизки, Н.Н.Колосовский ҲИЧМ ва энергия ишлаб чиқариш цикллари кўпроқ саноатни ташкил этишга нисбатан ишлатган. Шунингдек, у иқтисодий районлар ва бу икки тушунчани ўзаро алоқадорликда қўллаган: иқтисодий районлар асосини ҲИЧМлар, уларнинг асосини эса энергия ишлаб чиқариш цикллари ташкил қилади. Ушбу тушунчаларнинг барчасини айна вақтда ҳам усул (метод), ҳам восита сифатида қараш мумкин.

Шундай қилиб, иқтисодий география фанининг учта асосий тушунчаси: иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва энергия ишлаб чиқариш цикллари машҳур олим, география фанлари доктори, профессор Николай Николаевич Колосовскийга тааллуқли. Шунингдек, у транспорт географияси бўйича ҳам катта тадқиқотлар олиб борган. Н.Н.Колосовский қатор шогирдлар тайёрлаган. Улар жумласига И.М.Маергойз, С.Н.Ледовских, В.Ф.Павленко, И.И.Белоусов, Т.М.Калашникова, М.К.Бандман, А.Т.Хрушев, Н.Н.Казанский ва бошқалар киради. Ҳатто собиқ Иттифокда илк бор минтақавий иқтисодиёт тўғрисида монография ёзган Н.Н.Некрасов ҳам Н.Н.Колосовский илмий раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, республикамиз иқтисодиётини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказиш шароитида ишлаб чиқаришни мажмуалар шаклида ҳудудий ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ва экологик жиҳатларига ҳам эътибор бериш катта амалий аҳамият касб этади.

Савол ва топшириқлар.

1. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари нима ва унинг асосчиси ким?
2. Нима сабабдан ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади?
3. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва энергия ишлаб чиқариш цикллари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
4. Нима учун собиқ Иттифок даврида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғояси яхши натижаларни бермади?
5. Республикамизда вужудга келаётган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини таърифлаб беринг.

4-мавзу. Саноатнинг ҳудудий ташкил қилиш омиллари ва мажмуалари

Режа

1. Саноат тармоғи ҳақида тушунча.

2. Саноатнинг ҳудудий ташкил қилиш хусусиятлари ва унга таъсир қилувчи омиллар.
3. Оғир саноат тармоқларини жойлаштириш.
4. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини жойлаштириш.
5. Саноатнинг ҳудудий мажмуалари.

Умуман тармоқ деганда корхоналарнинг маълум ўхшаш хусусиятларига кўра гуруҳланиши тушунилади. Саноат тармоқлари одатда уч асосий мезон асосида ажратилади. Улар:

- Хом ашё бирлиги бўйича ажратилган саноат тармоқлари (машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати ва ҳ.к.);
- Истеъмол бирлиги, яъни муайян мақсадда маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар (енгил ва озиқ-овқат, қурилиш, электр энергетика ва б.);
- Технологик жараён асосида ташкил этилган саноат тармоғи (кимё саноати)

Саноатнинг тармоқлар тизими ниҳоятда мураккаб ва у борган сари ўзгариб бормоқда. Энг йирик тармоқлар сифатида ёқилғи, энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё ва нефтни қайта ишлаш, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз, енгил, озиқ-овқат, полиграфия ва бошқалар ажратилади. Улар ҳам, ўз навбатида, тармоқ ва тармоқчалардан иборат. Бу жиҳатдан машинасозлик саноатининг турланиши айниқса бой; фақат транспорт машинасозлигининг ўзи бир нечта қисмларни ўз ичига олади.

Юқоридаги тармоқлар орасида энг анъанавий, қадимий тарихга эга бўлгани, шубҳасиз, енгил (тўқимачилик) саноатидир. У даставвал мануфактурадан бошланиб, сўнгра йирик машина индустриясига ўтди, бошқа саноат тармоқларининг ривожланишига туртки берди. Албатта, озиқ-овқат, металлни қайта ишлаш саноатлари ҳам анча қадимий. Айни вақтда

машинасозлик, электр энергетика ва кимё нисбатан «янгироқ» бўлиб, улар ҳозирги замон илмий-техника тараққиётини акс эттирувчи тармоқлар жумласига киради.

Саноат тармоқлари оғир ва енгил, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи йирик гуруҳларга (А ва Б) ажратилади. Бироқ бундай ажратиш шартли хусусиятга эга бўлиб, улар орасидаги фарк борган сари қисқариб, «юпқалашиб» бормоқда.

Сўнгги йилларда саноат тармоқлари таркибида қуйидаги ўзгаришлар содир бўлмоқда:

- саноат тармоқларининг янада парчаланиб бориши, янги-янги тармоқларнинг вужудга келиши;
- тармоқлар орасида интеграция жараёнларининг ривожланиши, тармоқлараро мажмуаларнинг шаклланиши;
- фан-техника ютуқлари билан бевосита боғлиқ тармоқларининг тезроқ ривожланиши.

Саноатнинг тармоқлар тизимини баҳолашда энг аввало унинг турланганлигини (диверсификациялашувини) ҳамда янги технологияларга асосланган, «юқори қават» тармоқларининг мавжудлигини эътиборга олиш керак. Баъзи районлар фақат тоғ-кон, хом ашё қазиб олишга ихтисослашган, бошқаларида эса асосан таъмирловчи саноат корхоналари бўлиши мумкин. Табиийки, бундай районларнинг саноати яхши ривожланмаган.

Саноат тармоқларини ҳудудий ташкил этиш ўзига хос хусусиятга эга. Улар иқтисодий географик маконда ёки харитада нуктасимон шаклга эга. Демак, мазкур тармоқда ишлаб чиқариш ва ҳудудий мужассамлашув даражаси анча юқори. Бу эса саноат ишлаб чиқаришининг қишлоқ хўжалигига кўра иқтисодий самарадорлигини юқори бўлишига олиб келувчи сабаблардан биридир.

Саноат корхоналарини жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар сони кўп. Улар асосан хом ашё, ёқилғи, энергетика, истеъмол, ишчи кучи, иқтисодий географик ўрин ва бошқалардан иборат. Бу борада хусусан

экология ва бозор иқтисодиёти омилларининг аҳамияти тобора кучаймоқда. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, турли хил саноат тармоқларини жойлаштириш муайян омиллар асосида амалга оширилди. Уларни қисқача кўриб чиқамиз.

Ёқилғи саноати тоғ-кон ёки казиб олувчи саноати тоифасига киради ва ёқилғи турлари, қазилма бойликларнинг жойланиши табиий, геохимик конуниятларга асосланади. Сабаби-кўмир, нефт, газ, ёнувчи сланец, торф каби табиий бойликларнинг пайдо бўлиши ва ер юзида (остида) тарқалиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Электр-энергетика сув, иссиқлик ва атом станцияларидан ташкил топади. Сув электростанцияларини (СЭС) текислик жойга кўра тоғ ва тоғолди районларда қуриш мақсадга мувофиқ. Чунки, бундай шароитда рельеф шакли –ер тузилишининг қиялиги, табиий ҳолда шаршара ва тоғлар орасидаги чўкмаларнинг мавжудлиги, қулай имкониятлар туғдиради. Шунингдек, сув омбори қоплаган ерлар қишлоқ хўжалигида деярли ишлатилмайди; қишлоқ манзилгоҳлари ҳам йўқ ва, бинобарин, уларни кўчиртириш талаб этилмайди. Сув омбори ва унинг атрофида спорт, дам олиш зоналарини ташкил қилиш, боғдорчилик ва балиқчиликни ривожлантириш, пастки ҳудудларда ерларни суғориш, каналлар қуриш мумкин. Баъзан СЭСлар билан биргаликда ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати ҳам ривожланиб боради (масалан, Россиянинг шарқий районларида).

Кўриниб турибдики, тоғли районларда қурилган СЭСлар ҳар томонлама қулай, электр энергияси арзон. Агар шу станциялар текисликда жойлаштирилса катта майдон сув остида қолиб кетади (эхтимол, бу ерда қимматбаҳо қазилма бойликлар бордир) ва тўғон қуриш катта маблағ талаб қилади.

Иссиқлик электр станциялари (ИЭС) икки турда бўлади: ИЭМ ва ИЭС. Уларнинг бир-биридан фарқи қайси мақсадда қурилганлигидадир; фойдаланиладиган ёқилғиси эса бир хил бўлиши мумкин. Масалан, ИЭМ,

яъни иссиқлик электр маркази, одатда, ҳам электр қуввати, ҳам буғ (пар) талаб қилувчи саноат корхоналари-тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш ва ҳ.к. ёнида ёки яқинида қурилади. Чунки, буғни 15-18 км. масофадан узоққа жўнатиб бўлмайди. Демак, бу станцияни марказлашган ҳолда жойлаштиришда ишлаб чиқариш истеъмоли асосий аҳамиятга эга.

Аммо, ИЭМларнинг бевосита шаҳар ичида қурилиши туфайли улар атроф-муҳитни ифлослантиради. Шу сабабдан, экологик жиҳатдан бундай станцияларнинг аҳоли зич жойларда қурилиши унча маъқул эмас. Оддий ИЭСлар эса асосан электр энергиясини беради ва шу боис уларни йирикрок ва шаҳардан биров узоқроқ масофада жойлаштирилади.

Атом электростанциялари кўпинча бошқа турдаги станцияларни қуриш имконияти йўқ ҳудудларда жойлаштирилади. Бунинг учун албатта экологик хавфсизлик таъминланиши керак. Шунингдек, АЭСларнинг барпо этилишида илмий-техника омили ҳам ҳисобга олинади.

+ора металлургия корхоналарини, айниқса чўян эритиш заводларини (домна печида эритилади) жойлаштиришда энг аввало ёқилғи ва хом ашё катта аҳамиятга эга. Бир тонна чўянни олиш учун тахминан икки тонна темир рудаси, 1.2 тонна ёқилғи-коксланувчи кўмир лозим. Рудада темирнинг (Fe) миқдорига, бой ёки бой эмаслигига қараб завод уч кўринишда жойлаштирилади: ёқилғи яқинида (темир руда кони «бой»), хом ашё яқинида (рудада Fe миқдори юқори эмас) ва иккаласининг ўртасида (ёқилғи ва хом ашё учун транспорт харажати деярли бир хил). Учинчи вариантда сув ҳамда истеъмол омиллари ҳам эътиборлидир.

+ора металлургияга кирувчи ферросплав (темир қотишмалари) заводлари «электр талаб» ҳисобланади: 1 т ферросплав учун 8-9 минг кВт/с. электр энергия сарфланади. Бинобарин, бундай заводлар арзон электр манбаларига яқинроқ жойлаштирилади.

Рангли металлургия саноатига кирувчи корхоналар турли-туман (алюминий, мис, кумуш, олтин, қўрғошин, қалай ва ҳ.к.). Улар табиатда

алоҳида-алоҳида учрамайди. Шунинг учун рангдор металлларни қазиб олишда комплекс, комбинат усули қўлланилади.

Тоғ металлургия комбинатлари ҳам ашё районларида (сабаби-рангдор металллар миқдори рудада жуда оз) курилади, бевосита тозаланган металл эса истеъмол районларида ва хусусан арзон электр энергияга яқин жойда ўрнаштирилади: тозаланган ёки «рафинация» қилинган миснинг бир тоннасига 9-10 кВт/с.гача, алюминийга 18-19, титан ва никел учун 50 минг кВт/с.-гача электр энергияси ишлатилади. Шу билан бирга рангдор металлургия корхоналарини жойлаштиришда экология омилининг ҳам ўрни сезиларли.

Машинасозликнинг таркиби бойлиги туфайли унга таъсир қилувчи омиллар тури ҳам ҳар хил. Чунончи, металлни кўп талаб қилувчи оғир машинасозлик (вагонсозлик, тоғ-кон ва шахталар учун асбоб-ускуналар ва ҳ.к.) қора металлургия районларида кам, аммо малакали ишчи кучи керак бўлган приборсозлик, электротехника, ҳисоблаш техникалари каби нозик ва аниқ машинасозлик фан-техника тараққиёти марказларида жойлаштирилади.

+ишлоқ хўжалиги машинасозлиги кўп ҳолларда истеъмол районларида ривожланади. Масалан, Ўзбекистонда пахта терувчи, Украинада ғалла ва қанд лавлаги, Белоруссияда-картошка ва зиғир, Молдавияда узумчилик, +ирғизистонда пичан ўрувчи ва пресловчи машиналар ишлаб чиқарилади. Демак, мамлакат ёки район нимага ихтисослашса, ўша соҳага хизмат қилувчи машинасозлик тармоғи ташкил этилади. Бу қонуният бошқа тармоқларга ҳам тегишли. Чунончи, Карелияда ўрмон, Уралда-қора металлургия, Донбассда – шахта, Ўзбекистонда-тўқимачилик, Иркутскда-олтин саралаш машинасозлиги ривожланган ва ҳ.к.

Шундай қилиб, машинасозлик маҳсулотига қараб уни жойлаштиришга ҳам ашё (металл), ишчи кучи, истеъмол, илму-фан, географик ўрин омиллари таъсир кўрсатади. Табиийки, денгиз кемасозлиги қуруқлик ичкарасида эмас, порт шаҳарларда жойлаштирилади. Худди шунга ўхшаш станоксозлик, электротехника, тракторсозлик каби жуда кўп машинасозлик тармоқлари

Ўзига хос ҳудудий ташкил қилиш хусусиятларига эга. Албатта, бу саноат тармоғи учун кооперация шакли муҳимлиги туфайли, унинг марказлари қулай транспорт географик ўринга эга бўлишлари ҳам лозим.

Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати. Асосий кимё учун хом ашё омили унча муҳим эмас. Чунки, бу саноат турли хил хом ашё: ўсимлик, минерал, ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳатто сув ва ҳаво асосида ҳам ташкил этилаверади. Бинобарин, кимё саноатини ҳудудий ташкил этиш катта эркинликка эга. Аммо, унга таъсир этувчи бошқа кучли омил мавжуд- бу ҳам бўлса экологиядир.

Нефтни қайта ишлаш заводлари хом ашё районларига кўра истеъмол районларида кўпроқ учрайди. Хом нефтни келтириб турли хил маҳсулот олиш, уларнинг барчасини алоҳида-алоҳида келтиришдан кўра арзонроқ, қулай ва хавфсизроқдир. Баъзан бундай заводлар магистрал нефт қувурлари ўтган жойларда ҳам ташкил этилади.

Кимё саноати учун сув ва электр энергияси омили ҳам аҳамиятлироқ. Шу сабабдан бўлса керак, Чирчиқ йирик кимё саноати марказига айланган.

Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатини жойлаштириш ҳам ўзига хос. Жумладан, ёғочни қайта ишлаш аксарият ҳолларда ўрмонзорларга яқин жойларда амалга оширилади, чунки 40 фоизгача ёғоч (новда ва шох-шаббалар) чиқиндига кетади. Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш эса асосан уч вариантда жойлаштирилади: хом ашё районида, ёғоч оқизувчи дарёларнинг темир йўллар билан кесишган нуқтасида ҳамда дарёларнинг қуйилиш қисмида. Кўриниб турибдики, бу ерда транспорт ва географик ўрин омиллари катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги йўналишлар бўйича целлюлоза - қоғоз саноатининг жойлашувини Россия Федерацияси мисолида кўrsa бўлади. Масалан, Красноярск, Волгоград, Краснокамск, Перм, Котлас, Балахна, Архангельск ва бошқалар турли вариантларда вужудга келган ушбу саноат марказларидир. Шунингдек, ёғочни қайта ишлаш саноатига мебелсозлик, дафтар-қалам, спорт буюмлари ва мусиқа асбоблари, темир йўл шпаллари, уйсозлик,

гидролиз спирти олиш каби жуда кўп тармоқлар ҳам киради. Уларнинг жойлаштирилиши эса маҳсулотнинг «хом ашё талаблиги» ҳамда транспорт жихатидан қулайлигига қараб ташкил қилинади. Айни вақтда, бу ерда хом ашё, транспорт, истеъмол омиллари билан бирга сув шароитлари ҳам эътиборга олинади.

+урилиш саноати бошқа тармоқларга нисбатан «олдинда» бориши керак, зеро усиз янги ерлар ўзлаштирилмайди, корхона ва ташкилотлар бунёд этилмайди. /ишт, цемент, черепица, шифрни ишлаб чиқариш кўп жихатдан хом ашёга боғлиқ. Шу сабабдан бўлса керак, Россиянинг асосий цемент саноати марказлари -Вольск, Искитим, Новороссийск ҳисобланади. Сабаби, улар илмий ишлаб чиқариш учун хом ашё-мергели, оҳактош кўп миқдорда мавжуд. Ўзбекистонда ҳам цемент ишлаб чиқариш хом ашё омиллини эътиборга олган тарзда амалга оширилган (Бекобод, Ангрен, +увасой, Оҳангарон). Бундан ташқари, цемент ишлаб чиқариш қора ва рангли металлургия марказларида ҳам ташкил қилинади. Бунинг учун домна печларининг чиқиндиси-шлак, алюминий саноатига тегишли глинозём заводлари чиқиндилари ишлатилади.

Темир-бетон маҳсулотлари ва қурилмаларини жойлаштириш истеъмол омилли орқали ташкил қилинади. Шу боис уларнинг географияси кенг бўлиб, бундай корхоналар барча йирик шаҳарларда мавжуд.

Енгил саноатни ҳудудий ташкил қилишда хом ашё, ишчи кучи ва истеъмол омиллари етакчи рол ўйнайди. Масалан, пахта тозалаш ва пиллачилик заводлари, жун ёки терини ювиш кабилар бевосита хом ашё районларида жойлаштирилади. Сабаби, улардан олинadиган маҳсулот бирлигига жуда кўп хом ашё сарфланади.

Тўқимачилик, пойафзал, тикув, трикотаж фабрикалари, гилам ишлаб чиқариш меҳнатталаб бўлгани учун улар катта кичик шаҳарлар, район марказларида қурилади. Шу билан бирга тўқимачилик корхоналари оғир саноат марказларида аёллар ишчи кучидан фойдаланиш мақсадида ҳам жойлаштирилади. Мазкур саноатнинг кўп меҳнат ресурсини талаб қилиши

айни пайтда унинг истеъмол районларида жойлаштирилиши билан уйғунлашиб кетади. Чунки, аҳоли енгил саноат маҳсулотларининг истеъмолчисидир, улар эса ҳамма учун ва ҳар доим керак.

Озиқ-овқат саноатини жойлаштириш кўпроқ истеъмол омилига караб амалга оширилади (бу маҳсулотлар ҳам барча учун ва доимо зарур). Шунингдек, уларнинг транспортда ташиш имкониятлари, сифатининг бузилмаслиги ҳам инобатга олинади. Жумладан, ёғ-мой ишлаб чиқариш, консерва, вино саноати, қанд лавлаги ва тамакини қайта ишлаш кўпроқ ҳам ашё районларида, гўшт, сут саноати шаҳар жойларга яқин курилади. Кондитер фабрикалари бевосита шаҳарлардан жой олади.

Ун саноати, дон маҳсулотлари комбинатлари ҳам аксарият ҳолларда кичик шаҳарларда, ғаллакор районларда ёки уларга яқин бўлган шаҳарларда ривожланади. Келтирилган ундан турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш истеъмол районларида-шаҳарларда ташкил қилинади. Бундай марказларда баъзан йирик ёғ-экстракция, консерва ва вино саноати, тамаки ферментация корхоналари курилиши мумкин.

Шундай қилиб, озиқ-овқат саноатининг ҳудудий таркиби асосан истеъмол ва ҳам ашё омиллари таъсирида шаклланади. Айнаи вақтда бу тармоқ қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқлиги туфайли агросаноат мажмуалари кўринишида ҳудудий ташкил этилади.

Полиграфия саноати кўпроқ шаҳарларда, хусусан пойтахт шаҳарларда жой олади. Сабаби- бундай шаҳарларга матбуот, китоб, газета ва журналларни нашр қилдириш ўзига хос вазифа (функция) ҳисобланади.

Юқорида саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш масаласида омиллардан эмас, саноат тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиқилди. Бу ерда фақат шуни эслатиш лозимки, ҳозирги шароитда саноат тармоқлари ва корхоналарни айнан қаерда жойлаштириш, уларнинг техник-иқтисодий хусусиятларидан ташқари, бозор муносабатлари-талаб ва таклиф, солиқ ва кредит, нарх-наво ва давлатнинг махсус минтақавий сиёсати таъсирида амалга оширилади.

Энг муҳими жойлаштирилган корхона тадбиркор учун ҳам, давлат учун ҳам қулай ва арзон бўлиши керак. +улайлик –транспорт харажатлари кам, экологик жиҳатдан мақбул, арзон демакдир. Келажакда маҳсулот кийматиға, таннархига унга ишлатилган хом ашё сарф-харажатлари, яъни «ресурс учун тўлов» ҳам киритилиши керак. Зеро, бозор муносабатлари даврида у ёки бу ресурсни казиб олган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, атроф-муҳитга кўрсатилган зарар албатта қопланиши лозим. Эндиги шароитда «бепул» нарсанинг ўзи йўқ ҳатто, ер, сув ҳам пулладир.

Саноат тармоқларининг ҳудудий мажмуа ёки район ташкил этиш қобилияти ҳам ҳар хил. Масалан, кимё ва нефтни қайта ишлаш, ўрмон, ёғоч ва целлюлоза, электр энергетика, қора ва рангдор металлургия кабилар бошқа саноат тармоқлари билан яқиндан алоқада бўлиб, улар кўпинча биргаликда, яъни тармоқларар ва ҳудудий мажмуа шаклида ташкил этилади. Чунончи, нефтни қайта ишлаш «бойиб кетиш» имкониятига эга, бинобарин, бундай саноат корхоналари жойлашган шаҳар тез орада ўсиш марказ ва кутбларига айланиши мумкин.

Арзон электр энергия берувчи сув электр станциялари ҳам ўзига бошқа саноат корхоналарини чақиради. Одатда, бундай марказларда рангдор ва металлургия, трансформатор заводлари барпо этилади. +урилиш материаллари саноати (айниқса цемент ишлаб чиқариш) эса рангдор ва қора металлургия, ИЭСлар мавжуд бўлган жойларда ташкил этилади.

Турли хил саноат тармоқларнинг шаклланиши тармоқлараро мажмуаларни вужудга келтиради. Агар улар бир жойда ўрнашган бўлса, бундай мажмуалар айна вақтда ҳудудий мажмуа ҳолатида ҳам бўлади. Шу билан бирга алоҳида саноат тармоқларининг мужассамлашуви ҳам ҳудудий мажмуа (агломерация) шаклида бўлиши мумкин. Бунга машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати районлари мисол бўла олади.

Ҳудудий мажмуалар саноатни районлаштириш тизими билан ҳам бевосита боғлиқ. Жумладан, йирик саноат марказлари, саноат тугун ва районлари, албатта, ҳудудий мажмуа шаклига эга. Булардан энг мукаммали

саноат тугуни ёки агломерацияси ҳисобланади. Ўзбекистонда Тошкент, Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Бухоро-Когон каби саноат тугунлари, Ангрен-Олмалик; Шўртанг-Муборакга ўхшаш саноат районлари шаклланган. Улар Айни вақтда ҳудудий мажмуалар шаклида ташкил этилган.

Савол ва топшириқлар

1. Саноат тармоғи нима ва у қайси белгилар асосида ажратилади?
2. Хом ашё, меҳнатталаб, илмталаб саноат корхоналарнинг жойланиш хусусиятлари қайсилар?
3. Ўзингиз яшаётган ҳудуд саноат корхоналарининг жойланишини асослаб беринг.
4. Автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш заводлари нима учун айнан Асака ва +оровулбозор шаҳарларида қурилган?
5. Хом ашё ишлатилиши миқдори билан экология, ишчи кучи омили билан фан-техника тараққиёти ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?

5-мавзу. +ишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашуви ва агромажмуалар

Режа

1. +ишлоқ хўжалиги ҳақида умумий тушунча.
2. +ишлоқ хўжалигининг ижтимоий ва ҳудудий ташкил қилиш хусусиятлари.
3. +ишлоқ хўжалиги тармоқлари ва уларни жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар.
4. Деҳқончиликнинг жойланиши.
5. Чорвачиликнинг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари.

Одатда, «қишлоқ хўжалиги» деганда унинг асосий тармоқлари-деҳқончилик ва чорвачилик тушунилади. Бундай қараш анъанавий бўлиб

қолган ва у тармоқ нуқтаи назаридан тўғридир. Аммо ҳудудий жиҳатдан қараганда, қишлоқ хўжалиги шаҳар, минтақа, миллий ва дунё халқ хўжалигига ўхшаш алоҳида бўғин, таксономик бирлик сифатида ҳам намоён бўлади. Бунда қишлоқда қандай хўжалик тармоқларининг мавжудлиги назарда тутилади.

Чиндан ҳам ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда нафақат деҳқончилик ва чорвачилик (аграр соҳалар), балки турли бошқа тармоқлар, масалан, саноат корхоналари, транспорт, дам олиш масканлари, санатория ва курорт, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари мавжуд. Шу боис, «қишлоқ хўжалиги» тушунчасининг бундай икки маънога эга эканлигини (биринчисидан тармоқ, иккинчисидан-жойнинг функцияси) унутмаслик лозим.

Қишлоқ хўжалиги умуман иқтисодийнинг қадимий соҳасидир. Дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳам аввал чорвачилик, сўнгра деҳқончиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Деҳқончилик ва, хусусан суғорма деҳқончилик жамият тараққиётида алоҳида, инқилобий аҳамиятга эга бўлган. Сабаби –айнан суғорма деҳқончилик жамоа, унинг асосида доимий аҳоли манзилгоҳларининг вужудга келишида, илму-фан тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Кейинчалик деҳқончилик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни, улар эса, ўз навбатида, мануфактура ва йирик машина индустриясини ривожлантиришга олиб келган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қуйидагилар хос:

- Аграр соҳа бевосита табиий шароит билан боғлиқлиги туфайли у мавсумий характерга эга;
- Мавсумийлиги учун меҳнат ресурслари ҳам йил давомида банд эмас;
- қишлоқ хўжалиги ривожланиши саноатга нисбатан ўзгарувчан кўринишда боради;
- бу тармоқда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил қилиш шакллари ўзига хос-муҳассамлашув ва ихтисослашув торроқ, кооперация ва комбинатлашув эса жуда кам ҳолларда учрайди;

- қишлоқ хўжалиги тармоқлари ареал ёки майдон шаклида ҳудудий ташкил қилади;
- мазкур тармоқда экстенсив ва интенсив ривожланиш яққол кўринади;
- қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби саноатга ўхшаш унча бой эмас;
- қишлоқ хўжалигида мулкчиликни хусусийлаштириш осонроқ;
- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, чет эл инвесторларини қишлоқ хўжалигига жалб қилиш камроқ ва ҳ.к.

Юқоридаги хусусиятлар ушбу тармоқнинг иқтисодиёти ва географиясига жиддий таъсир кўрсатади. Чунончи, табиий шароитнинг, иқлим ва об-ҳавонинг ноқулайлиги қишлоқ хўжалиги унумдорлиги, у эса қайта ишловчи (озиқ-овқат) саноатига ва пировард натижада халқнинг турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. +олаверса, қишлоқ хўжалиги билан саноатнинг бошқа тармоқлари: машинасозлик, кимё, қурилиш саноати ва электр энергетика ҳам алоқадор.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мавсумийлиги, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашув даражасини юқори эмаслиги мазкур тармоқнинг иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, унинг табиий ҳосилдорлиги ҳамма жойда ҳам бир хил эмас.

+ишлоқ хўжалиги макроиқтисодий тармоқ сифатида асосан икки катта соҳадан, яъни дехқончилик ва чорвачиликдан ташкил топган. Жаҳон қишлоқ хўжалигида дехқончилик олдинда туради. Бироқ, шундай бўлсада, дехқончилик ва умуман қишлоқ хўжалигида тармоқларнинг турланиши саноатга нисбатан сустроқ бормоқда. Айни вақтда қишлоқ хўжалигидаги айрим янги йўналишлар—броллер паррандачилиги, теплица (иссиқхона) хўжалиги, сут ва гўшт фабрикалари ўзларининг ташкил қилинишига қараб кўпроқ индустриал соҳага яқин туради.

Сўнгги йилларда баъзи бир маҳсулотларнинг етиштирилиши (помидор, бодринг, зираворлар ва б.) мавсумий хусусиятини йўқотиб бормоқда.

Масалан, Тошкент бозорларида бундай маҳсулотлар деярли йил давомида мавжуд. Албатта, бу ўринда «географик конвейр»-нинг роли ҳам бор. Чунки, юқоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб туриш турли ҳудудларда, уларнинг агроиқлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда, навбатма-навбат амалга оширилади.

Яна шуни қайд этиш жоизки, айрим қишлоқ хўжалиги меваларининг географияси тобора кенгайиб бормоқда. Чунончи, анжир, анор ва, айниқса, хурмо фақат алоҳида, субтропик районларнинг меваси бўлибгина қолмай, улар эндиги шароитда кўпгина ҳудудларда етиштирилмоқда.

+ишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришга табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Табиий компонентлар ичида энг авалло иқлим, сув ва тупроқ, яъни агроиқлимий ресурсларнинг аҳамияти катта. Иқлим шароитлари, ҳарорат, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқ хусусиятлари қишлоқ хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий таркибини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Фойдали ҳарорат, яъни йиғиндиси йил давомидаги сутка ҳароратининг $+ 10^0\text{C}$ -дан юқориси ва ижобий ҳарорат йиғиндиси (эрта баҳордан то кеч кузгача ижобий ҳароратнинг йиғиндиси) ўсимликларнинг пишиб етиши учун талаб қилинадиган вегетация даврини шакллантиради. Масалан, пахта учун биринчи кўрсаткич энг камида 2000^0C , иккинчиси 4000^0C бўлиши керак.

+ишлоқ хўжалиги учун ернинг аҳамиятини таъкидлаган эдик. Аммо ҳар қандай ер майдони ҳам бу соҳада интенсив фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бинобарин, ҳудудларнинг қишлоқ хўжалик салоҳияти экин экиладиган ёки ҳайдаладиган ер ва умумий ер майдонининг нисбати, ер фондининг ҳажми ва таркиби, табиий аграр имкониятлар орқали белгиланади. Айниқса, суғориладиган ер майдони билан қишлоқ аҳолисининг таъминланганлик даражаси катта мазмунга эга.

Фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонининг хажми шу жойнинг геоморфологик ҳолатига ҳам боғлиқ. Чунончи, текис бўлмаган ҳудудларда алоҳида фойдаланадиган «**ер коэффициент**» нисбатан паст бўлиши аниқ.

Айни чоғда бизнинг шароитимизда фақат ер майдонининг бўлиши етарли эмас. Бунинг учун албатта яна иссиқ ҳарорат ва сув, намгарчилик талаб қилинади. Чунки, Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилиги иссиқталаб ва сувталабдир. Айниқса, бодринг, помидор, бақлажон, лавлаги полиз экинлари шоли кабиларда сув сарфи анча юқори.

+изиғи шундаки, табиатда бир жойнинг ўзида иссиқ ҳарорат, дехқончиликка яроқли ер майдони ва тегишли миқдорда сув камдан-кам ҳолларда учрайди. Сув бор жойда қулай ер майдони йўқ (тоғликлар), ер майдони бор жойда сув йўқ (чўллар). Биринчисида терраса усули, иккинчисида сунъий суғориш қўлланилади.

+адимда суғорма дехқончилик дарёларнинг қуйилиш қисмида, дельтасида ривожланган ва бунинг учун табиий ҳосилдор аллювиал ётқизиклардан фойдаланилган. Бундай жойлар (Нил дельтаси, Тигр ва Евфрат, Ҳинд-Ганг, Хуанхэ дарёсининг пастки қисми) суғорма дехқончилиги асосида фан ва маданият ривожланган, улар Ер юзидаги дастлабки цивилизация ўчоғлари ҳисобланади. Бизнинг ўлкамизда дастлабки воҳалар айнан ана шундай ҳудудларда вужудга келган. Кейинчалик суғорма дехқончилик географияси дарёларнинг қуйилишидан уларнинг юқори қисмларига кўтарилиб борган, сув омборлари ва каналлар қурилиши муносабати билан тоғ ёнбағирлари, адирлар ҳам ишлаб чиқариш оборотига киритилган, воҳалар бир-бирига тутшиб кетган (масалан, Фарғона водийсида).

Сунъий суғориладиган дехқончиликдан ташқари бизда баҳорикор ерлар ҳам кўп (Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва бошқалар). Бундай табиий намгарчиликдан фойдаланиб дехқончиликни юритиш, ернинг гидротермик режимини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Махсус

адабиётларда бунинг учун “Ланге омили” тушунчаси мавжуд бўлиб, у иссиқлик билан ёғин-сочин нисбатини билдиради. Жумладан, баҳорикор деҳқончиликда йиллик ёғин-сочин миқдори ўртача йиллик ҳароратдан камида 15 марта кўп бўлиши талаб этилади. Агар бу коэффициент 15 дан кам бўлса, у ҳолда фақат чўл яйловчилигини ривожлантириш мумкин, холос.

Ҳаво (харорат), сув, тупроқ-қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва фойдаланишининг асосий уч шартидир. Шу билан бирга мелиорация ва ирригация, меҳнат ресурслари, фан-техника тараққиёти, транспорт ва бошқаларнинг аҳамияти ҳам муҳим. Масалан, ишчи кучи омили, айниқса, суғорма деҳқончиликда, сабзавотчиликда катта рол ўйнайди. Аммо, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг бандлиги ниҳоятда юқори, яъни тармоқда керагидан кўра кўпроқ ишчи кучи банд. Бу эса мазкур тармоқ самарадорлигини, унинг меҳнат унумдорлигини пасайишига сабаб бўлади. Мавжуд маълумотларга кўра, А+Ш қишлоқ хўжалигида атиги 8,7% меҳнат ресурслари банд. Буюк Британияда, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари четдан келтирилганлиги туфайли, бу кўрсаткич 3 фоизни ташкил қилади, холос.

Дунё бўйича қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмидан кўпроғи ишлайди. Африка ва Осиё давлатларининг баъзиларида бу кўрсаткич янада юқори (масалан, Непалда 90%). Айни вақтда ривожланган мамлакатларда саноатнинг “пастки” қатламларини ривожланаётган мамлакатларга кўчишига ўхшаб, уларда қишлоқ хўжалигининг интенсив шакли сақланиб қолмоқда.

+ишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигининг қисқариб бориши дастлаб Буюк Британияда, сўнгра Бельгия, Нидерландия, Дания, А+Ш ва бошқаларда кузатилган. Натижада, ҳозирги кунда бу мамлакатларда бир фермер тахминан 80 ва ундан ортиқ кишини озиқ-овқат билан таъминлашга қодир. Ваҳоланки, ривожланаётган мамлакатларда меҳнат сарфи ҳаддан ташқари зиёд, қишлоқ жойларда “яширин” ишсизлар кўп, аҳолининг нисбий ва ҳатто мутлоқ ортиқчалиги сезилиб турибди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга ва шу асосда ижтимоий масалаларни ҳал этишга катта аҳамият берилмоқда. Бироқ, ҳозирча бу ерда муаммолар кўп: қишлоқларда иш ўринлари кам, шаҳарлар эса ортиқча иш кучини таъминлай олмаяпти. Бу ҳам бўлса ўтиш даврининг қийинчиликларидан биридир.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда механизациялаш, агротехника, агрокимё, селекция каби илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ йўналишларни ривожлантириш аҳамиятлидир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги инфраструктураси, суғориш иншоотлари –сув омборлари ва каналлар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи чора-тадбирлар ҳам агробизнесга катта таъсир кўрсатади.

Кўпгина мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ривожланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, пахта майдонларининг шаҳардан узоқлашишига олиб келади. Шу билан бирга пахтачилик тоғ олди ҳудудларида, Тошкентда, Самарқандда, Сирдарё вилояти ва Тошкентнинг шўрланган ерларида қисқариб бормоқда. Тошкент бу жараён ғалла-буғдой майдонларини кенгайтириш асосида ҳам кузатилмоқда. Демак, келажакда пахтачиликнинг жойланишида жиддий ўзгаришларни кутиш мумкин.

Айни вақтда боғдорчилик ва узумчилик, айниқса ғалла етиштириш майдонлари кенгаймоқда. Бундай ўзгаришлар жаҳон миқёсида ҳам содир бўлмоқда. Хусусан, 60-йилларда ривожланаётган мамлакатлардаги “яшил инқилоб” ғаллачилик жойланишини сезиларли даражада ўзгартирди.

Дунё бўйича чорвачиликнинг ем-хашак майдони умумий ер майдонининг тахминан 20-25% ташкил қилади. Баъзи мамлакатларда (масалан, Ўзбекистон, Тошкент, Ўзбекистон, Туркменистон ва б.) бу кўрсаткич ундан ҳам юқори. Бунинг устига, мазкур мамлакатларда яйловзорларнинг ҳосилдорлиги паст ва, бинобарин, уларнинг “чорва сиғими” ҳам юқори эмас. Демак, бу ва шунга ўхшаш ҳудудларда экстенсив чорвачилик ривожланиб боради.

Чорвачиликнинг сут ва сут-гўшт йўналиши унинг анча интенсив ва махсулдор соҳаларидир. Сутчилик эса, одатда, мулойим табиий шароитда, унча иссиқ бўлмаган ва ёғин-сочин етарли районларда, дарё қайирлари ва далалар ям-яшил ўтлоқзорлар билан қопланган жойларда жуда яхши ривожланади (Белоруссия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россиянинг Кастрома, Ярославл, Вологда вилоятлари, Голландия, Чуй водийси ва ҳ.к.). Жун чорвачилиги эса иссиқ, чўл табиатида қулай имкониятга эга (Австралия, Муғилистон, Ҳозирги Афғонистон ва ҳ.к.).

Сут чорвачилигининг жойланиши шаҳар аҳолиси эҳтиёжи асосида шаклланиши маъқул. Шу билан бирга кейинги йилларда транспорт, хусусан авторефрижераторларнинг таъсири остида бу тармоқ узоқроқ масофада ҳам жойлаштирилмоқда. Келтирилган сут асосида у билан боғлиқ бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш шаҳар жойларда ташкил қилинади.

Ҳўвлоқ хўжалиги тармоқлари-деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳудудий бирикмалари ҳам мавжуд. Чунончи, ғаллачилик районларда паррандачилик, картошка етиштириладиган ерларда сут-гўшт чорвачилиги, қанд лавлаги экиладиган ҳудудларда чўчкачилик ривожланиб боради. Бу эса қишлоқ хўжалигида ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантиради. Бундай мажмуаларнинг энг мураккаб ва ривожланган шакли қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноат (расман озиқ-овқат саноати) негизида вужудга келади.

Агросаноат мажмуини (агробизнесни) бундан ҳам кенг маънода талқин қилиш мумкин. У ҳолда бу мажмуа саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ барча тармоқларини, транспорт ва омборхоналарини ҳам ўз қамровига олади. Айнан шу мазмунда агросаноат мажмуалари республикамизда миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ўзагини ҳосил қилади.

Саноатда бўлганидек, қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда ҳам энг асосий омил бозор муносабатлари бўлиб қолмоқда. Нимани етиштиришни ҳозирги кунда бозор, нарх-наво белгилайди, аммо бу

таъсир қишлоқ хўжалигида маълум вақт ўтгандан сўнг ўз кучини кўрсатади (чунки, маҳсулот етиштириш учун анча вақт талаб этилади, саноатда эса бу жараён нисбатан тез кечади).

Республикамиз шароитида кўп ва ҳар доим истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг бозор конъюктурасида ўзига хос ўзгаришлар бўлиб туради. Масалан, бир йили пиёз камчилик ва қимматчилик бўлса, иккинчи йили, аксинча картошка қиммат бўлиши мумкин. Бундай бозордаги вазиятнинг алмашиб туриши деҳқончилик ихтисослашуви ва жойланишида тез-тез ўзгаришларга сабаб бўлади. Худди шундай ҳолат сабзи, карам, лавлаги ва бошқа кундалик ҳаёт учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳам кузатилади.

+ишлоқ хўжалигида намлик, ҳарорат ва тупроқ табиий хўжалик районлари ёки мажмуаларининг шаклланишида асосий вазифани бажаради. Аммо бундай мажмуаларни кичик ҳудудларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, пахта экин майдонлари, суғориш, канал ва ариқлар бўйидаги тут қаторлар пахтачилик ва пиллачиликнинг уйғунлашган ҳолда ривожланишига, яъни ўзига хос ҳудудий мажмуа кўринишида ташкил этилишига олиб келади. Айниқса, сойларнинг қуйилиш қисмида (конуссимон ёймаларда) шаклланган, суғорма деҳқончилик ривожланган Фарғона водийсидаги ҳудудий мажмуалар диққатга сазовордир.

Шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ хўжалиги ҳам «Тюнен ҳалқалари» сингари ҳудудий мажмуадир. Шунингдек, деҳқончиликда алмашлаб экиш, турли хил экинларни бир-бирига яқин жойда етиштириш (беда, пахта, полиз ёки узум ва меваларни, токчилик ва боғдорчиликни ҳудудий ташкил этиш), йирик чорвачилик фермалари ҳам ҳудудий мажмуа шаклида бўлади.

Савол ва топшириқлар

1. «+ишлоқ хўжалиги» тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. +ишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

3. +ишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш шакллари қандай ва улар ушбу тармоқ иқтисодиётига қай даражада таъсир кўрсатади?
4. +ишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётининг аҳамияти нималарда ўз аксини топади?
5. Бозор иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва жойланишига таъсирини тушунтириб беринг.

6-мавзу. Транспорт географияси ва унинг ҳудудий мажмуалари

Режа

1. Транспортнинг хўжалик тизимидаги ўрни.
2. Ишлаб чиқиришни жойлаштиришда транспортнинг роли.
3. Транспорт тармоқларининг жойланиш омиллари.
4. Ўзбекистон транспорти.

Транспорт саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бирга ишлаб чиқариш ва уни ҳудудий ташкил қилишнинг асоси реал иқтисодиётнинг негизи ҳисобланади. У хўжалик тизимининг «қон томири», ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мамлакат ва районлар иқтисодий алоқаларини амалга оширади, уларнинг геоиқтисодий яхлитлигини таъминлайди. Транспортсиз иқтисодий географиянинг фундаментал тушунчаси бўлган ҳудудий меҳнат тақсимооти, маҳсулотни ишлаб чиқарган район билан уни истеъмол қиладиган жой орасида алоқа бўлмайди, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам шаклланмайди. Умуман олганда, тизим (система) ва мажмуа (комплекс)-ни транспорт алоқаларисиз тасаввур қилиш қийин.

Юқоридаги макроиқтисодиётнинг уч асосий тармоғини ҳудудий ташкил қилиш шакли ўзига хос «географик геометрияга» эга. Иқтисодий маконда саноат алоҳида, нуқтасимон, қишлоқ хўжалиги-майдон (ареал) кўринишига эга бўлса, транспорт ҳудудни кесиб ўтувчи ва нуқталарни бирлаштирувчи кесим, чизиқ, «ўқ» вазифасини ўтайди. Ана шу уч хил шаклларнинг бирлиги,

геоиктисодий макон, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ташқи кўриниши, минтақавий иқтисодиёт ва иқтисодиёт география фанларининг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттиради.

Транспортга турли маънода қараш мумкин. Масалан, у хўжаликнинг алоҳида тармоғи, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибига кирувчи тўрт элементлардан бири. Шу маънода транспорт нафақат восита, балки муҳим макроиктисодиёт тармоғи ҳисобланади. Айни вақтда транспорт ишлаб чиқариш инфратузилмасининг асоси ҳамдир. Бу маънода транспорт ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил қилишнинг омили эканлиги кўриниб турибди. Демак, транспортни тармоқ ҳамда восита-омил кўринишида ўрганиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда транспортнинг ана шу икки функцияси чалкаштирилиб юборилади, унинг макроиктисодиёт тармоғи ва инфраструктура вазифасини бажариши орасидаги фарқ сезилмай қолади. Ваҳоланки, иккинчиси биринчиси учун хизмат қилади, шароит яратади.

Транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги аҳамиятини олдинги мавзуларда кўрган эдик. Бу омилга биринчи бўлиб немис олими А.Вебер ўзининг «саноат штандорти»да катта ўрин бергани ҳам бизга маълум. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни жойлаштиришда «қулай» ёки «ноқулай» деган тушунчаларнинг ўзи аксарият ҳолларда транспорт омили орқали ифодаланади; қулайлик – арзон демакдир, арзон эса транспорт жиҳатидан қулайликни, йўл сарф-чиқимининг камлигини англатади.

Тўғри, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришда хом ашё ва ёқилғи сарфининг камайиши, темир йўлларнинг электрлашуви, турли хил қувур транспорти, юқори қувватли электр узатиш тармоқлари, денгиз транспортини контейнерлаштириш ва ҳоказолар транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ролини бироз бўлсада сусайтиради. Аммо, шунга қарамасдан, транспортнинг маҳсулот қийматини шаклланишида, таннархида ҳиссаси катта. Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида талабнинг

индивидуаллашуви, маҳсулот турларининг кўпайиши ва уларни ўз вақтида етказиб бериш (*just in time*) транспорт аҳамиятини янада оширади.

Транспорт билан аҳоли жойлашуви, шаҳарлар ривожланиши ўртасида катта алоқадорлик мавжуд; бири иккинчисини тақозо қилади, бири иккинчисисиз бўлмайди. Одатда, йўллар шаҳарларга олиб боради, шаҳарлардан ташқарига йўллар панжасимон таралади, тарқалади; шаҳарлар транспорт тугунларига айланади. Н.Н.Баранский йўллар ва шаҳарлар ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими, район ва мамлакатлар хўжалигининг «қовурғаси», ўзаги сифатида таърифлаганда ҳеч қанақа муболаға йўқ. Чиндан ҳам, ҳудуднинг ички тузилиши «рентген нури» асосида кузатилганда, бизнинг кўз ўнгимизда айнан ана шу йўллар ва шаҳарлар, ўзига хос ҳудудий мажмуалар орқали гавдаланади.

Транспортнинг шаҳарлар агломерацияси, шаҳар атрофи хўжалигида ҳам аҳамияти бекиёс. Америкаликларни ҳозирги кунда шаҳар атрофи, шаҳар яқинида яшовчи халқ, деб таърифлашади. Сабаби, бу ерда урбанизациянинг юқори босқичи –субурбанизация тез ривожланмоқда.

Йўллар янги ўзлаштириладиган ҳудудларга биринчи бўлиб кириб келадиган инфратруктура элементидир. Йўллар қазилма бойлик конларига боради, уларни ишлаб чиқариш марказлари билан улайди, боғлайди; саноат паркларини шакклантиради. Хуллас, транспортсиз ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизим ёки мажмуа вужудга келмайди.

Транспорт тўрининг жойланиши, зичлиги ва шакли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасининг муҳим кўрсаткичидир. Масалан, радиал-айлана, тўрсимон шакл, одатда, ривожланган районларда кузатилади. Агар ҳудуднинг фақат чекка қисмлари транспорт билан таъминланган бўлса, демак, билингки, ҳудуднинг ички қисмини табиий шароити ўзлаштириш учун ноқулай (Сибир, Узоқ Шарқ, +озоғистон, Туркменистон ва ҳ.к.).

Кўпинча йўлнинг, транспорт турларининг, жойланишига қараб ҳудуднинг хўжалик таркиби, мужассамлашуви ва ихтисослашувини аниқлаш мумкин. Баъзан темир ва автомобил йўллар, қувур транспорти, электр

узатувчи тармоқ ва каналлар бир-бирига параллел ҳолда жойлашади, икки йирик марказ орасида серкатнов «коридор», йўл ва йўлаклар вужудга келади. Йўл бўйидаги аҳоли манзилгоҳларининг кичрайиб бориши марказдан узоқлашишни, йириклашуви эса бошқа марказга яқинлашувдан дарак беради. Бу ҳақда йўлнинг сифатини ўзгариб бориши ҳам ўзига хос белги, кўрсаткич (индикатор) ҳисобланади. Йўли яхши давлат бой бўлади, бой давлатнинг йўли эса ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди.

Транспорт узоқни яқин қилади, масофа ва вақтни уйғунлаштириб, уларни тежашга олиб келади, маятниксимон миграцияни кучайтиради. Ишлаб чиқариш соҳасида у мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация ва комбинатлашув билан чамбарчас боғлиқ.

Мамлакат ва районлар, шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни, салоҳият ва имкониятларини амалга оширувчи, жойнинг иқтисодий ва демографик сифимини белгиловчи омил ҳам транспортдир. У ҳудудларни бир-бири билан боғлайди, минтақа, миллий ва жаҳон ҳўжалигини мукаммал система тарзида шакллантиради. Бир вақтлар Н.Н.Баранский: «Волга Россияни Осиё мамлакатига, Днепр Ўрта Денгиз мамлакатига айлантиради», деб айтган эди. Агар бизнинг Амударё ва Сирдарё ҳам Жаҳон океанига бевосита чиққанда эди, эҳтимол ўлкамизнинг геосиёсий мавқеи, ҳўжалиги ва маданияти янада бошқача бўлар эди.

Транспорт айниқса ташқи савдо билан алоқадор. Бинобарин, мамлакатнинг савдо алоқалари, халқаро иқтисодий муносабатлар негизида транспорт тизими ётади. Худди шу ўринда миллий иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган эркин иқтисодий минтақалар ёки мажмуаларни (ЭИМ), технополисларни вужудга келтиришда транспорт ролини таъкидлаш жоиз.

Шундай қилиб, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бирор қисми йўқки, у транспорт билан боғлиқ бўлмаса. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, аҳоли жойлашуви, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши транспорт омилига асосланади.

Энди транспортнинг ўзини жойланишига таъсир қилувчи омилларни кўриб чиқайлик. Ҳақимда транспорт, хусусан денгиз ва дарё транспорти табиий шароитга боғлиқ бўлган. Ҳозир ҳам қитъа ва мамлакатларнинг қирғоқ чизиғи, шакли табиий ҳолда портларни (бандаргоҳларни) қуриш нуктаи назаридан қулай ва ноқулай бўлиши мумкин.

Темир йўл транспортининг табиий омилларга боғлиқлиги бошқаларга караганда анча кам. Дунёнинг айрим мамлакатларида (Боливия, Перу) темир йўллар 4700-4800 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган. Тоғ минтақаларида темир йўллар одатда дарё бўйлаб, баъзи жойларда тунеллар орқали ўтади, мураккаб шароитда тор изли йўллар қурилади.

Темир ва автомобил йўллар қурилишида кўприклар ҳам катта аҳамиятга эга. Кўприкларни қуриш эса тоғ ёки текислик дарёларда ўзига хос хусусиятга эга. Тоғ дарёларида кўприклар унча узун эмас, текисликда эса улар узун бўлиб, бунинг учун унинг таянчи қирғоқнинг қаттиқ жинсларидан иборат қисмига қўйилади. Умуман, темир йўлларни қуриш катта вақт ва маблағни талаб қилади, аммо улар шунга мувофиқ узоқ муддат хизмат қилади.

Табиий шароит, жумладан шамол, ёғин-сочин, булут, туман автомобил, ҳаво ва денгиз транспортига анча таъсир кўрсатади. Тупроқ ва унинг физик хусусиятлари, гидрогеологик шароит айниқса қаттиқ қатламли автомобил йўлларни қуришда эътиборга олинади.

Хўжалик ва аҳоли жойлашуви ҳам транспорт тури ва таркибига таъсир этади. Жумладан, тоғ-кон, оғир саноат районларида темир йўл, қишлоқ хўжалиги районларида автомобил транспорти, ўрмон хўжалигида дарё транспорти катта аҳамиятга эга бўлади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган, аҳоли зич жойлашган воҳа ва водийларда, шаҳар атрофида, рекреация районларида транспорт тизими шунга мос равишда мукаммал ҳудудий мажмуа кўринишида шаклланади.

Транспортнинг жойлашувига сиёсий географик омил ҳам таъсир қилади. Масалан, собиқ СССРнинг тарқалиши ва янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши натижасида ички чегаралар ташқи давлат чегарасига айланди,

мамлакат ички қисмларини боғловчи транспорт тизимини шакллантириш зарурияти туғилди. Чунончи, Ўзбекистонда йўл мустақиллигига эришиш мақсадида, Учкудук-Жанубий +орақалпоғистон темир йўли ишга туширилди, Тошгузар-Бойсун-+умқўрғон темир йўли қурилмоқда, Париж-Шанхай ёки Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш учун Ангрен-Поп автомобил йўли кенгайтирилди, республика пойтахтидаги йўллар магистраллаштирилмоқда.

Транспорт тўрининг жойланишида мамлакат ҳудудининг катта-кичиклиги, ташқи қиёфаси (конфигурацияси) муҳим мазмунга эга. Агар мамлакат ёки район ўзидан каттароқ ҳудуднинг марказида жойлашган бўлса, у ҳолда унинг марказийлиги транспорт алоқаларда ўз ифодасини топади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини олайлик: у шимоли-ғарбдан жануби-шарққа узоқ масофада чўзилган, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган. Демак, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан алоқа қилишда қулай имкониятларга эга. Айни вақтда ҳудуднинг кесувчанлиги, ўтувчанлиги (транзитлиги) ҳам унинг географик ўрнига боғлиқ.

Агар мамлакат денгиз ёки океан бўйида жойлашган бўлса, унда сув ва қуруқлик транспортининг уйғунлашуви талаб қилинади; денгиз транспорти ташқи алоқаларни, дарё ёки қуруқлик транспорти ташқи алоқаларни ички нақлиёт тизими билан туташтиради.

Ўз навбатида қуруқлик транспорти ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда турли хил геометрик шаклларни, мажмуаларни вужудга келтиради. Масалан, Ўзбекистон харитасида Тошкент-Жиззах-Бекобод, Самарқанд-Бухоро-+арши учбурчаги, Фарғона халқаси яққол кўзга ташланади. Айнан ана шу транспорт мажмуалари мамлакат миллий ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Транспорт турлари, хусусан автомобил транспортини жойлаштиришга экологик омил ҳам катта таъсир қилади. Маълумки, ҳозирги кунда, айниқса шаҳар экологик муҳитини ифлосланишида автомобиллар қатновининг ўрни юқори. Автомобил ва самолёт қатновлари муҳитни шовқин жиҳатидан ҳам

«ифлослантиради». Бу ҳолат айниқса йирик аэропорт ўрнашган жойларда жуда сезиларли.

Шаҳар ташқарисидаги магистрал автомобил йўллар ёқасида ҳам бу муҳит яхши бўлмайди. Шу боис, баъзи бир маълумотларга қараганда, катта йўлларнинг икки тарафида 50 м. масофада озуквор қишлоқ хўжалик экинлари экиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сўнгги йилларда транспорт турлари кўпайиб ва ривожланиб бормоқда, уларнинг жойланиши ҳам ўзгармоқда. Анъанавий темир ва автомобил, сув (дарё, денгиз ва океан), ҳаво транспорти билан бир қаторда қувур транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. У кўпинча нефт-газ саноати мавжуд бўлган ҳудудлардан турли истеъмол районларига тарқалган. Тараккий этган мамлакатларда эса қувурларда ҳатто каттик жинслар –темир рудаси, кўмир кабилар ҳам юборилади («пульпопровод»).

Барча транспорт турларининг икки асосий вазифаси бор-юк ва пассажирлар ташиш. Юк ташишда транспорт иқтисодиётида ташиладиган маҳсулот ёки хом ашёнинг транспортабеллиги, масофаси ва таркиби, қиймати ҳисобга олинади. Энг арзон, одатда, денгиз (океан) транспорти ҳисобланади. Ундан кейинги ўринда катта дарёлардаги транспорт туради. Темир йўл транспорти ҳам бу борада анча арзон ҳисобланади.

Транспортнинг ўзини ҳам ҳудудий мажмуалари мавжуд. Бунга транспорт тугунлари мисол бўла олади (Тошкент, +ўқон, Когон, Навоий, Термиз ва б.). Йирик транспорт марказ ва тугунларда ўзига хос объектлар (таъмирлаш заводлари, омборхоналар, бевосита транспорт билан боғлиқ қурилиш материаллари ва бошқа саноат корхоналари) жойлашади. Шу жиҳатдан йирик порт, аэропорт, темир йўл вокзаллари ҳам ўзига хос ҳудудий мажмуалар ҳисобланади.

Мавзу якунида яна бир масалага эътибор бермоқ лозим. Бу ҳам бўлса, йўл ва транспорт муносабатидир. Йўл транспорт воситаларидан олдин пайдо бўлган ва у ҳозирги кунда транспорт, яъни масофани кесиб ўтишда инфраструктура даражасига хизмат қилади; йўллар трансportsиз ҳам

бўлаверади, лекин аксинча эмас. Бинобарин, йўлларнинг жойланиши транспорт жойланишига ҳамма вақт ҳам мос келмайди. Айни чоғда аҳоли манзилгоҳларининг ичидаги йўллар «кўча» деб ҳам аталади. Транспорт тўрининг аҳамияти энг аввало шундаки, у ҳудудий мажмуани ташкил қилади, мутаҳкамлайди ва боғлайди.

Савол ва топшириқлар

1. Транспортнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Транспортнинг бошқа хўжалик тармоқлари билан алоқасини тушунтириб беринг.
3. Табiiй, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-географик омиллар транспорт тўри ва тизимини жойлашувига қандай таъсир кўрсатади?
4. Ўзингиз яшаётган вилоятда транспортнинг қайси турлари яхши ривожланган?
5. Транспорт мажмуаларига мисоллар келтиринг.

7-мавзу. Аҳоли жойлашуви ва геодемографик мажмуалар

Режа

1. Аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни.
2. Аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Аҳоли жойлашувига таъсир қилувчи омиллар.
4. Аҳолининг ҳудудий тизимлари ва аҳоли манзилгоҳларининг типлари.

«Аҳоли» тушунчаси кўпроқ аҳоли географияси, иқтисодиёт, тиббиёт каби ижтимоий (гуманитар) соҳаларда қўлланилиб, у маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларнинг бирлигини англатади. Масалан, Яккабоғ тумани аҳолиси, Наманган аҳолиси, Ўзбекистон аҳолиси, Дунё аҳолиси ва ҳ.к. Кўриниб турибдики, бу ерда нисбатан каттароқ ҳудуд назарда тутилмоқда; кичик ҳудудларда яшовчи кишиларнинг бирлигини, ҳудудий умумийлигини «социум» тушунчаси ифодалайди ва у социология фани учун хос (ўзбек тилида бу жамоа, маҳалла аҳли маъносига мос келади). Социология эса

маълум ёшдаги шахс, миллат, касб эгаларини, одатда, кичик ҳудудлар доирасида тадқиқ қилади.

Тарих ва этнологияда «халқ» тушунчаси қўлланилади, муайян бир маъмурий ҳудуд иқтисодиёти «халқ хўжалиги» атамаси билан тавсифланади. Шунингдек, биология, психология, тиббиёт каби фанларда одам, инсон тушунчалари ҳам кўпроқ учрайди.

Аҳоли кенг маънодаги ижтимоий-иқтисодий категориядир; аниқроғи у 100% ижтимоий ва тахминан 50% иқтисодийдир. Сабаби, барча аҳоли, ёшувари дам олади, даволанади, хуллас ижтимоий ҳаёт кечириди, меҳнатга лаёқатли аҳоли, яъни оилага даромад келтирувчилар эса унинг ярмига яқинини ташкил этади.

Аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришнинг эгаси ёки субъектдир, у бу жараённинг бошида ва айни вақтда унинг охирида туради. Чунки, ишлаб чиқарувчи куч ҳам, истеъмолчи ҳам аҳолидир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётнинг «социаллашуви» энг аввало аҳолининг иккинчи хусусияти билан боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, аҳолини ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаридан фарқ қилиб, том маънода жойлаштириш қийин. Меҳмонни уйда, талабаларни ётоқхонада, қочоқларни мамлакатда жойлаштириш мумкин, аммо аҳолини эмас; у аксинча жойлашади, ўзини ўзи ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳоли ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги бошқа соҳаларга кўра кам «ҳаракатчан» ҳисобланади.

Аҳоли ишлаб чиқаришни жойлаштиришга икки хил, яъни меҳнат ресурси ҳамда истеъмолчи сифатида таъсир этади. Меҳнат ресурсининг таъсири ҳам икки кўринишда бўлиб, бу ерда унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари аҳамиятлидир. Чунончи, маҳсулот бирлигига нисбатан кўп ишчи кучи талаб қиладиган саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари, масалан, пахта тозалаш, консерва, вино заводлари, тўқимачилик комбинатлари, тикув ва трикотаж фабрикалари, пахта, сабзавот етиштириш, боғдорчилик ва бошқалар, одатда, меҳнат ресурси кўп ва арзон бўлган ҳудудларда

жойлаштирилади. Бу тоифадаги саноат корхоналари аксарият ҳолларда туман марказлари ва кичик шаҳарларга «ҳаёт беради». Жумладан, Хоразм вилояти, Фарғона водийси саноат ва аҳоли манзилгоҳлари бунга яққол мисол бўлади. Ушбу ҳудудлар иқтисодиёти мужассамлашув даражасининг пастлиги, йирик қишлоқлар ҳамда кичик шаҳарларнинг кўплиги билан тавсифланади.

Ривожланган мамлакатлар ва фан-техника марказларида кам, бироқ юқори малакали ишчи кучи талаб қиладиган саноат тармоқлари жойлаштирилади. «Илмталаб» корхоналарга приборсозлик, радио, ҳисоблаш машиналари, компьютер ишлаб чиқариш, аниқ машинасозлик ва бошқалар киради. Бундай районларда оддий (малакасиз) ишчи кучи етишмаса, кўп меҳнат талаб қиладиган ҳудудларда эса малакали меҳнат ресурслари танқис. Ушбу ҳудудий номувофиқлик жаҳон ҳўжалигининг жойлашувига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, кўп ва арзон ишчи кучига муҳтож ва экологик тоза бўлмаган саноат корхоналари янги ривожланаётган мамлакатларга кўчмоқда. Уларда ишчи кучининг арзонлиги чет эл инвестицияларини кириб келишида, қўшма корхоналарни куришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аҳолининг ижтимоий хусусияти, яъни унинг истеъмолчи эканлиги кундалик харид моллари, халқ истеъмол товарлари каби барча учун ва ҳамма вақт керак бўлган корхоналар жойлашувини белгилайди. Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг «ижтимоийлашуви» ялпи саноат маҳсулоти билан бир қаторда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топади.

Аҳоли жойлашувининг энг муҳим хусусияти унинг зичлик кўрсаткичи орқали ифодаланади. Зичлик брутто ва нетто (тоза) кўринишда бўлади. Биринчиси мамлакат ёки район ҳудудининг умумий майдонига нисбатан ҳисобланади ва 1 км² га неча киши тўғри келишини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон бўйича ўртача аҳоли зичлиги 1 км²га 58 кишини ташкил этади. Бу «ўртача» рақам ҳеч ким яшамайдиган Орол денгизи акваториясига, баланд

минтақаларига, доимий аҳолиси деярли йўқ бўлган катта чўл ва саҳроларга ҳам тааллуқлидир ва бинобарин, у географларни қониқтирмайди.

Агар мазкур кўрсаткич фақат аҳоли яшайдиган ҳудудларга, хусусан суғориладиган ерларга нисбатан ҳисоблаб чиқилса, у соф ёки нетто кўринишига эга бўлади. Экин экиладиган майдонлар бўйича зичлик, одатда, қишлоқ аҳолиси учун аҳамиятлидир.

Демографик зичлик билан ишлаб чиқаришнинг жойлашуви, ихтисослашуви ва ҳудудий мужассамлашуви, иқтисодий зичлик ўртасида маълум даражада алоқадорлик мавжуд. Жумладан, зичликнинг энг юқори кўрсаткичлари қайта ишлаш саноати ривожланган ҳудудларда, шаҳар атрофида, қадимдан суғорма деҳқончилик тарқалган воҳа ва водийларда, агросаноат районларида кузатилади. Табиийки, бундай ҳудудларга ишлаб чиқариш ривожланишининг интенсив йўналиши ҳосдир. Айни чоғда экстенсив хўжалик тизимига эга бўлган чорвачилик, айниқса яйлов чорвачилиги, ўрмончилик ҳамда тоғ-кон саноати районларида аҳоли зичлиги анча паст.

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, республикамізда аҳоли нотекис жойлашган бўлиб, бу ҳолат мамлакат табиий шароити ва аҳоли яшаши учун керакли бўлган омилларнинг турли-туманлигидан далолат беради. Энг юқори кўрсаткич Андижон вилояти (558 киши) билан энг паст зичлик кузатилаётган Навоий вилояти (7 киши) ўртасидаги тафовут деярли 80 мартага баробар. Бундай кўрсаткични, яъни ҳудудий тафовутни географик коэффициент, деб аташимиз мумкин.

Жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳудудий таркиби ва зичлиги,
2005 й.**

Т.р	Вилоятлар	Майдони,	Аҳолиси	Зичлик, 1
-----	-----------	----------	---------	-----------

		минг км²	Минг киши	Жамига нисбатан, %	км²/киши
1	+орақалпоғистон Республикаси	166,6	1569,9	6,0	9,4
2	Андижон	4,2	2342,7	9,0	557,8
3	Бухоро	40,3	1507,6	5,8	37,4
4	Жиззах	20,5	1043,3	4,0	50,9
5	Навоий	111,0	810,2	3,1	7,3
6	Наманган	7,4	2073,2	8,0	280,2
7	Самарқанд	16,8	2867,1	11,0	170,7
8	Сирдарё	4,2	672,2	2,6	160,0
9	Сурхондарё	20,1	1894,9	7,3	94,3
10	Фарғона	6,8	2840,9	10,9	413,4
11	Хоразм	6,1	1432,8	5,5	234,9
12	+ашқадарё	28,6	2378,5	9,1	83,2
13	Тошкент вилояти	15,6	2452,3	9,4	157,2
14	Тошкент шаҳри	...	2135,7	8,2	...
	Ўзбекистон Республикаси	448,9	260213	100,0	58,0

Аҳоли жойлашувини таҳлил этганда, мамлакат ёки бошқа ҳудуд майдонининг кўламини ҳам инобатга олиш керак. Ўз-ўзидан аёнки, республикамиздаги юқори зичликка эга бўлган вилоятлар майдони унча катта эмас. Умуман олганда, Фарғона водийси ҳамда Хоразм вилояти Ўзбекистон ҳудудининг атиги 5,4 фоизини ташкил қилган ҳолда, улар мамлакат аҳолисининг 1/3 қисмини жойлаштиради. Бу икки рақамларнинг ўзаро нисбати ҳудудий аҳолийлик коэффиценти ёки индексини англатади. Бизнинг мисолимизда ушбу кўрсаткич 6,1 ни ташкил этади. Демак, мазкур ҳудудлар аҳолисининг умумий ўртача зичлик даражаси республика кўрсаткичидан шунча марта зиёддир.

Ҳудуднинг, барча омилларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолини маълум меъёрда жойлаштира олиши унинг демографик сиғими деб аталади (ушбу тушунчани илк бор П.П.Семёнов-Тяншанский ишлатган). Бу сиғим ер, сув, иш ўринлари, дам олиш зоналари, экологик ҳолатнинг оптималлашувидан ва таъминланганидан келиб чиқиб аниқланади ва унинг микдорий кўрсаткичи

вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Бошқача қилиб айтганда, демографик сиғим мазкур ҳудуд ҳозирги вазиятини сақлаб қолган шартда қанча аҳолини сиғдира олиши (боқа олиши), унинг бу хусусдаги имкониятини билдиради.

Баъзи районларда демографик сиғим ниҳоятда кескинлашган бўлиб, уларда нафақат аҳолининг нисбий кўплиги, балки унинг мутлоқ ортиқчалиги ҳам кузатилади. Албатта, шунга ўхшаш ҳудудларда аҳолининг ниҳоятда зич жойлашганлиги, ер, сув ва иш ўринлари билан етарли даражада таъминланмаганлиги ижтимоий муаммоларни кескинлаштиради, турли хил салбий оқибатларга олиб келади.

Дунёнинг айрим мамлакатларида (Япония, Бельгия, Исроил, Нидерландия ва б.) аҳоли зичлиги жуда юқори. Бироқ бу кўрсаткич демографик сиғимнинг нормал ҳолати доирасида бўлиб, у бутун мамлакат бўйича вазиятни ифодалайди. Шунингдек, зичлик Украина, Балтика давлатлари, Молдавия ва Кавказorti мамлакатларида ҳам анча юқори. Ўзбекистон бу борада МДХ давлатлари орасида орқароқда (республикада аҳоли зичлиги Россия, +озоғистон ва Туркменистонга қараганда кўпроқ), ваҳоланки, аҳолининг умумий сони бўйича у Россия Федерацияси, Украинадан кейинги учинчи ўринда туради.

Аҳолининг зич жойлашуви ҳудуд экологик ҳолатини антропоген омил асосида кескинлашувига сабаб бўлади. Бундай шароитда санитария-гигиена ҳолати ҳам яхши эмас, юқумли касалликларнинг тарқалиш имконияти эса кенгроқ.

Ўзбекистонда аҳоли асосан суғорма дехқончилик воҳа ва водийларда зич жойлашган. Айрим туманларда бу кўрсаткич 700-800 кишини ташкил этади. Айни вақтда қолган ҳудудларда зичлик анча паст. Масалан, Томди, Ромитан, Тахтакўпир, +ўнғирот каби туманларда у 1-3 кишига тенг, холос.

Республикамизда аҳолининг жойлашуви йирик шаҳарлар ҳамда магистрал йўллардан узоқлашган сари пасайиб боради. Бундай вазият айниқса, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган атрофларида ва Сирдарё вилоятида аниқ кўзга ташланади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, аҳоли жойлашувига турли табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир этади. Бизнинг шароитимизда бу борада хусусан қишлоқ хўжалиги экин майдонлари учун керакли ер, сувнинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Бинобарин, аҳоли жойлашуви нафақат йўллар ва шаҳарлар билан, балки гидрографик тўр билан ҳам белгиланади. Аҳолининг ирригация шаҳобчалари ва йўллар ёқасида зич жойлашуви, геодемографик мажмуаларнинг мавжудлиги айниқса Фарғона водийсида типик хусусиятга эга.

Ўзбекистон харитасида аҳоли жойлашувининг ўзига хос йирик ҳудудий тизимлари ёки мажмуалари кўзга ташланади. Бу борада энг аввало Тошкент-Чирчиқ, Хоразм воҳаси, Зарафшоннинг ўрта ва қуйи қисми, Фарғона водийсини кўрсатиш мумкин. «Сув бор жойда ҳаёт бор», деб халқимиз асоссиз айтмаган. Чиндан ҳам мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қисми сув билан яхши таъминланган ҳудудларда яшайди. Айниқса, сой бўйи ва унинг қуйи қисмида зич жойлашган аҳоли манзилгоҳлари географик хариталарда ҳудудий мажмуа шаклида яққол кўзга ташланади (масалан, Сўх ёйилмаси).

Шу билан бирга ишлаб чиқаришни жойлаштириш аҳолининг ҳудудий таркибига таъсир қилади. Янги саноат корхоналарини, йўлларни қуриш, ерларни ўзлаштириш аҳоли жойлашувини ўзгартиради. Айни вақтда тарихан шаклланган аҳолининг ҳудудий тизими ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жойлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли жойлашуви ёки унинг ҳудудий таркиби шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимоли билан ҳам тавсифланади. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпчилиги шаҳарларда истиқомат қилади, ривожланаётган мамлакатларда, аксинча, - қишлоқ аҳолиси устун туради. Ўзбекистонда 64% аҳоли тахминан 12 мингга яқин турли хил йирикликдаги қишлоқ ва овулларда яшайди. Бу эса қишлоқ инфратузилмаси ва маданияти, саноати ва транспортини ривожлантиришни долзарб муаммо қилиб қўяди. Шу нуқтаи назардан қишлоқ жойларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш давлат минтақавий сиёсатининг ўзига хос йўналиши ҳисобланади.

Аҳолининг ҳудудий жойлашув тизими ёки геодемографик мажмуалар турли ҳудудий кўламда бўлади. Алоҳида аҳоли манзилгоҳи ҳам ўзига хос мажмуадир. Шу билан бирга ҳар хил табиий зоналарда, дарё хавзаларида, йирик шаҳарлар атрофида аҳолининг ҳудудий ташкил этилганлиги ҳам геодемографик мажмуа (тизим) ҳисобланади.

Махсус илмий адабиётларда аҳолининг ҳудудий тизим ёки мажмуаларини акс эттирувчи қатор тушунчалар мавжуд. Улар жумласига аҳоли жойлашувининг ягона тизими (Б.С.Хорев, В.И.Шешельгис), шаҳарлар агломерацияси (В.Г.Давидович, Г.М.Лаппо), аҳоли манзилгоҳларининг гуруҳ тизимлари (Ф.М.Лиссенгурт, Д.Г.Ходжаев ва бошқалар) киради. Албатта, юқоридаги тушунчаларнинг ҳудудий қамрови, уларнинг асосий мезон ва белгилари, амалиётда татбиқ этилиши, яшовчанлиги, яъни «ҳаётийлиги» бир хил эмас.

Савол ва топшириқлар

1. Аҳоли жойлашуви ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
2. Аҳоли жойлашувига таъсир этувчи омилларни ўзингизнинг вилоятингиз мисолида тушунтириб беринг.
3. Аҳоли зичлиги қандай ҳисобланади?
4. Демографик сиғим, аҳолининг нисбий ва мутлоқ ортиқчалиги нима?
5. Геодемографик мажмуалар қандай шаклланади?

8-мавзу. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этиш

Режа

1. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ва ижтимоий инфратузилма.
2. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг таркиби.

3. Сервис объектларини жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар.
4. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳудудий мажмуалари.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини айрим адабиётларда ижтимоий инфратузилма билан маънодошлиги таъкидланган. Умуман олганда, бундай фикрга қатъий эътироз йўқ. Бирок, илгари инфраструктура хўжаликнинг алоҳида тармоғи сифатида тан олинмаган ва у асосан ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли ҳаёт-фаолияти учун лозим бўлган шарт-шароитлар мажмуи, пойдевори (инфра-ички, структура – тузилиш, яъни ички тузилиш) мазмунида талқин қилинган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўринга эга. Дарҳақиқат, барча маҳсулот-моддий ва маънавий бойлик пировард натижада Инсон учун, аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида яратилади. Кишиларнинг талаб-эҳтиёжи эса борган сари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб боради, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тур ва шакллари кўпайиб туради.

Ҳозирги даврда аҳолига хизмат кўрсатиш ўндан ортиқ соҳаларни ўз ичига олади. Жумладан, улар: 1) уй-жой ва коммунал хизмати; 2) чакана савдо; 3) умумий овқатланиш; 4) маиший хизмат; 5) таълим хизмати; 6) соғлиқни сақлаш; 7) ижтимоий таъминот; 8) рекреация ва туризм хизмати; 9) маданий хизмат; 10) молия хизмати; 11) юридик хизмат; 12) алоқа хизмати; 13) йўловчи транспорти хизмати; 14) йўл ва йўл ҳавфсизлиги хизмати ва бошқалар. Ушбу хизматларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Бинобарин, уларнинг ҳудудий ташкил этилиши энг аввало аҳоли жойлашуви, унинг ижтимоий-демографик хусусиятлари билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларини шакллантиришга мазкур соҳалар бошқа тармоқларга қараганда тез ва осон киришади. Масалан, хусусийлаштириш, нодавлат секторини кучайтириш авваламбор айнан ана шу соҳаларда бошланди (баъзан уни «кичик хусусийлаштириш», саноатга

тегишлиси эса «катта хусусийлаштириш» деб аталади). Эҳтимол, бунинг сабаби аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарининг унча катта эмаслиги, бу йўналишда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожлантириш имкониятларини кенглиги бўлса керак.

Ижтимоий хизмат соҳалари аҳолига қаратилган, аҳоли жойлашуви эса ишлаб чиқариш тармоқларига кўра анча турғун. +олаверса, бу хизмат соҳалари кишиларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ. Бинобарин, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини (АХКС) жойлаштириш бевосита маҳаллий ҳокимият зиммасига юкланади. Чунки, эндиги шароитда қаерда болалар боғчасини ёки ўрта мактабни куриш, дорихона ёки касалхона ташкил этиш, санитария-гигиена ёки ўт ўчириш хизматини жорий қилиш муаммолари ва хоказолар илгаригидек марказдан туриб эмас, балки ўз жойида ҳал этилиши керак.

Яна шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу соҳаларда эркин рақобат кучли ва яққол кўзга ташланади. Чунончи, кишиларнинг ўзларига ёққан ҳаммомлари, сартарошхоналари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд. Уларнинг аксарияти ҳозирги даврда хусусийлаштирилган. Масалан, биргина Тошкентда шахсий хонадонларда ошхона ёки қаҳвахоналарни очиш, тураргоҳ ва гузарларда шахсий дўконлар ташкил этиш бугунги кунда одат тусига кириб қолди.

Аммо, шу билан бирга, баъзи хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил қилишда вазият анча ўзгарди. Жумладан, ҳозирги даврда йирик, кўп ўринга эга бўлган кинотеатрларга эҳтиёж қолмади. Телевидение, интернет тизими, телефон, радио, тарғибот (реклама) ва бошқалар кўпгина хизмат турларини «уйда» ташкил қилиш имкониятини яратди. Ҳатто йирик магазинлар (Марказий универсал ёки Давлат универсал магазинлари) ҳам энди аввалгидек гавжум эмас, ваҳоланки илгари улар шаҳар марказини ҳосил қилувчи объектлардан бири эди. Балким, моддий ишлаб чиқаришда бўлганидек, АХКС-да ҳам йирик корхоналар, мужассамлашувнинг юқорилиги айниқса янги муносабатларга ўтиш даврида унча мақбул эмасдир.

Масалан, демографик вазият ўзгариб бораётган бир пайтда аввал барпо этилган йирик туғуруқ уйлар ва мажмуаларга ҳам унча зарурият йўқ.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий мақсади аҳолига барча қулайликларни яратиш, замонавий, сифатли хизматларни беминнат бажариш, унинг дам олишини мароқли ва мазмунли ўтказиш, вақт ва масофани тежашдан иборатдир. Кўриниб турибдики, бу масалалар ўз моҳиятига кўра том маънода ижтимоий хусусиятга эга бўлсада, улар бевосита ва билвосита иқтисодиёт билан ҳам боғлиқ. Сабаби-ўқимишли, соғлом, куч-қувватини тиклаган кишининг меҳнати ҳам унумли ва самарадор бўлади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти ҳозирги даврда айнан ана шу хизмат кўрсатиш тармоқларини, сервисни яхши йўлга қўйилганлиги билан ажралиб туради. Индустриал босқичдан ўтган (постиндустриал) давлатлар-А+Ш, Япония, /арбий Европа, Янги индустриал мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳанинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Биргина туризм хизматида жаҳон бўйича 10 % ишчилар банд бўлиб, улар ялпи маҳсулотнинг 10-12 фоизини таъминлайдилар. Баъзи башоратларга қараганда, туризм ХХІ асрнинг асосий тармоғи бўлади ва у экспорт тизимида нефт ва нефтни қайта ишлаш, автомобилсозликни четлаб ўтиб, олдинги ўринга чиқиб олади.

Турли мамлакатларда барпо этилаётган эркин иқтисодий минтақаларнинг кўпчилиги савдо-сотиқ, экспорт-импорт, халқаро туризмга ихтисослашган. Уларнинг айримларида (масалан, Кипр ёки Ирландияда) махсус хизмат кўрсатиш, эркин савдо минтақалари ва мажмуалари, яъни «офшор»-лар ташкил қилинган. Айниқса молия хизмати кучаймоқда;; Лондон, Нью-Йорк, Токио, Париж, Франкфурт, Сингапур, Цюрих, Люксембург каби «дунёвий» шаҳарлар йирик банк-молия марказларига айланмоқда. Табиийки, бундай халқаро аҳамиятга молик бўлган марказлар, ЭИМ-лар қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлишлари шарт.

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш иккига бўлинади: ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва аҳолига (ижтимоий) хизмат кўрсатиш. Ўз навбатида

охиргиси ҳам икки хил бўлади: 1) бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш, масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, маиший, маданий, молиявий, алоқа ва бошқа турдаги хизматлар; 2) аҳолига керак бўлган воситаларни таъмирлаш орқали хизмат кўрсатиш—радио ва телеаппаратуралар, совутгич, коммунал тармоқлар, автомобил, пойафзал таъмири, кимёвий тозалаш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари ва ҳ.к.

Юқоридаги хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши ҳар хил. +олаверса, уларни шаҳар ёки қишлоқ жойларда ўринлаштириш ҳам бирдай эмас. Яна шуни эътиборга олиш керакки, модомики аксарият хизмат турлари барча учун ва ҳаммавақт кўрсатилад экан, у ҳолда бундай хизмат кўрсатишнинг даражаси, тўлиқлиги тўғрисида сўз юритиш талаб қилинади. Шу билан бирга хизмат турлари ҳам такрорланишига қараб ҳар хил: кундалик, вақт-вақти билан ва даврий бўлади. Бу эса уларнинг ҳудудий ташкил қилинишига таъсир қилади.

Аксарият хизмат турларига кишиларнинг ўзлари боради, айримлари келиб хизмат кўрсатишади (ўт ўчириш, коммунал хўжалик хизмати, уй жиҳозларини таъмирлаш, тез ёрдам ва ҳ.к.), яна бошқалари эса ўзаро ҳаракатда амалга оширилади (йўловчи ташиш хизмати). Баъзи хизмат турлари борки, улар уйда ва ўз ишхонасида бажарилиши мумкин. Масалан, почта, алоқа хизмати ва б. Шунга ўхшаш тўй ва маросим, тарғибот хизматларини ташкил этиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Айрим ижтимоий хизмат соҳалари аҳолига бепул кўрсатилади. Бироқ, бозор муносабатлари шаклланиб борган сари бундай турдаги соҳалар сони камайиб боради. Чунончи, ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш ва таълим тизими буларга мисол бўла олади. Уларнинг қисман давлат тасарруфида қолиши ва хусусийлаштирилиши, аралаш шакллари ўзига хос рақобат муҳитини яратади. Мазкур ҳолат бугунги кунда айниқса аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда жуда аниқ кузатилмоқда (масалан, стоматология, дорихона хизматлари соҳасида).

Таълим тизимида ҳам биров шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд. Жумладан, олийгоҳларда талаба ва магистрларнинг тахминан 1/3 қисми давлат бюджетида бўлса, қолганлари пулли, яъни шартнома (контракт) асосидадир. Шунингдек, ўқувчиларни алоҳида уйда ўқитиш, репетиторлик қилиш ҳам шахсан ҳақ (пул) тўлаш орқали олиб борилади. Шу ўринда айтиш лозимки, республикамизда Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши, соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши ушбу соҳаларнинг ҳудудий ташкил этилишида ҳам ўзгаришларга олиб келади.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш аҳолига мўлжалланган экан, уни ҳудудий ташкил этиш ҳам аҳоли жойлашуви, унинг ёш-жинс ва бошқа демографик хусусиятларига қараб амалга оширилади. Айни вақтда АХКС жойлаштириш шаҳар ва қишлоқларда ҳар хил. Масалан, шаҳарларда, хусусан йирик марказларда хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил қилиш алоҳида мавзе ва маҳаллалар доирасида мажмуа шаклида бажарилади; бундай шароитда сервис корхоналари анча зич бўлади, улар деярли «ҳар қадамда» учраб туради (айниқса савдо дўконлари). Тиш даволаш, дорихоналар ҳам жуда кўп; боғча, мактаб, касалхоналар, расмхона, нотариал корхоналар ва бошқалар эса нисбатан камроқ ва зичлиги ҳам пастроқ. Аммо уларнинг жойлашув хусусияти қишлоқ манзилгоҳларига қараганда ниҳоятда зич. Бу эса шаҳар шароитида ҳудуднинг аҳамияти ва қиймати жуда юқорилигидан далолат беради. Бинобарин, ҳудудни ижтимоий ташкил қилиш шаҳарларда ўзига хосдир. Социология, район планировкаси каби фанлар шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ана шундай микрогеографик даражада ўрганади ва лойиҳалаштиради.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш поғонасимон, иерархия шаклида бўлади. Бу ҳақда аввалроқ В.Кристаллернинг олтибурчаклари ва «марказий ўрин» ғояси ҳақида айтилган эди. Мазкур соҳаларнинг айнан ана шундай ташкил қилиниши энг аввало аҳоли жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг катта-кичиклиги, уларнинг

бажарадиган вазифаси (функцияси) ва транспорт билан таъминланганлигига қараб амалга оширилади. Марказий ўринлар катталашган сари паст босқичдаги марказлар хизмат кўрсатиш турларини ҳам қамраб олади ёки, аксинча, улар катталашган сари хизмат кўрсатиш турлари ҳам кўпайиб боради. Энг юқори босқичдаги марказда сервис соҳаларининг ноёб, бетакрор, олий даражадагилари ўринлаштирилади, қолган барча тармоқлар эса маҳаллий, яъни шу шаҳар аҳолиси учун аҳамиятли бўлади. Турли босқичдаги марказий ўринлар ва уларнинг таъсир доираси ўзига хос ҳудудий мажмуаларни шакллантиради.

АХКСнинг ҳудудий ташкил этилишини унинг айрим тармоқлари мисолида кўриб чиқайлик. Масалан, савдо хизматини олайлик: энг кичик кишлоқ ёки овулларда кундалик харид молларига ихтисослашган дўконлар мавжуд; улардан каттароғида ёки бир-бирига яқин жойлашган кишлоқларнинг бирида савдо дўконларининг турлари кўпаяди (озик-овқат, саноат моллари магазинлари), улардан ҳам каттароғида кўшимча, ихтисослашган дўконлар (маданий, хўжалик моллари магазини) жойлаштирилади. Туман марказларида дўконлар сони ва тури янада ошади, йирик универсал ва универсам магазинлари ташкил этилади, вилоят марказларида савдо ярмаркалари, пойтахтда -савдо марказлари фаолият кўрсатишади.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни таълим ёки соғлиқни сақлаш тизимида ҳам учратамиз. Чунончи, аҳоли пунктларининг катталашиб бориши билан мактаблар сони, мужассамлашуви, тури ва тўри ўзгариб боради: бошланғич мактаб→ўрта мактаб→коллеж ва академик лицейлар →олий мактаблар→университетлар ва академиялар.

Соғлиқни сақлашда фельдшер–акушерлик пунктларидан бошлаб поликлиника, туғуриқхона ва касалхоналар, тор ихтисослашган касалхоналар, ташхис марказлари турли хил босқич ва таъсир радиусига эга бўлган шаҳарларда ташкил қилинади.

Шундай қилиб, АХКСни жойлаштиришга энг аввало демографик омиллар таъсир этади. Аммо табиий–географик, ижтимоий-иқтисодий омиллар аҳамиятини ҳам инкор қилиш тўғри эмас. Жумладан, табиий шароит авваламбор бевосита санатория–курорт хўжалиги, дам олиш (рекреация) мажмуалари ривожлантиришда эътиборлидир. Билвосита эса у кишиларнинг овқатланиш, кийиниш каби эҳтиёжларини қондиришларида ўз аксини топади.

Туризм хизмати учун тарихий обидалар ҳамда табиий шароит муҳимроқдир. Бироқ, барча АХКСни ҳудудий ташкил қилишда албатта транспорт омили эътиборга олинади. +олаверса, марказий ўринлар ҳам ўзларининг транспорт-географик маъкеига қараб ажратилади ва улар турли қўламдаги таъсир доирасига, зонасига эга бўлади.

Марказий ўринлар АХКС маҳаллий, минтақавий, минтақалараро ва миллий бозорларини ташкил қилади. Ушбу соҳалар объектларининг ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда жойлаштирилиши ҳудудий мажмуаларни шакллантиради. Масалан, дорихона, поликлиника ва касалхона ёки болалар боғчаси ва мактабларнинг бир жойда ташкил этилиши, масжид, мадраса ва қабристонларнинг жойланиши, туристик аҳамиятга эга бўлган объектлар-меҳмонхоналар ва бошқа сайёҳларга хизмат кўрсатувчи муассасалар ўзига хос ҳудудий мажмуаларни вужудга келтиради. Худди шундай, маиший хизмат кўрсатиш турларининг ҳам комбинат шакллари мавжуд.

Шаҳар агломерацияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан АХКСнинг фаолияти билан боғлиқ Чунки, агломерация ҳосил қилувчи энг муҳим омил–бу аҳолининг маятниксимон тебранма ҳаракати, ўқишга, дам олишга, даъволанишга, маълум бир бошқа ҳолатини қондириш мақсадидаги доимий (мунтазам) ёки даврий, вақт-вақти билан қатновидир.

Ҳозирги кунда АХКС орасида молия, банк-кредит, солиқ, суғурта, омонат кассалар хизматининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Бу эса бозор инфратузилмасини ташкил қилиш ва ривожлантиришни долзарб муаммо қилиб қўяди.

Савол ва топшириқлар

1. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий моҳияти ва мақсади нимадан иборат?
2. Бу соҳаларнинг қайсилари стационар ҳолатда амалга оширилади?
3. АХКСни жойлаштиришга қайси омиллар таъсир этади?
4. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳудудий мажмуа ва тизими, марказий ўринларини ўз вилоятингиз мисолида тушунтириб беринг.
5. Инфратузилма деганда нимани тушунасиш?

9-мавзу. Ҳудудий мажмуалар ва шаҳарлар ривожланиши

Режа

1. Шаҳарлар –ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижаси.
2. Шаҳарларнинг вужудга келиш омиллари ва географияси.
3. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришда шаҳарларнинг роли.
4. Шаҳарларнинг район ва мажмуа ҳосил қилиш функцияси.
5. Шаҳар агломерациялари.

Маълумки, шаҳарлар ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келган. Дехқончиликдан ҳунармандчилик ва савдонинг ажралиб чиқиши ушбу вазифа билан шуғулланувчи махсус аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Улар товар айирбошлаш ва воситачи марказ сифатида қулай географик жойда ривожланиб борган. Шаҳарлар дастлаб давлат мақомига тенг бўлган (полис-шаҳарлар: Афина, Рим, Боғдод, Константинопол ёки Византия). Ўзимизнинг ўлкамиз тараққиётини ҳам Бухоро-Самарқанд «мусобақасисиз», Тошкент, +ўқон, Хива каби қадимий марказларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шаҳарларнинг кейинги ривожланиши яна ўша ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган. Уларнинг жамият ва

ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш ҳамда бошқаришдаги ўрни айниқса XIX-XX асрларда кучайди. Ҳозирги даврда шаҳарлар қишлоқ хўжалиги билан бевосита алоқадор бўлмаган аҳолининг яшаш жойи ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан улар саноат, транспорт, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан эса фан-техника, аҳолига хизмат кўрсатиш марказларидир. Шунингдек, шаҳарларнинг сиёсий аҳамияти ҳам катта.

Шаҳарлар ишлаб чиқаришни ҳудудий шакли сифатида юқори даражадаги мужассамлашувга эга. Уларнинг катта-кичиклиги ва функцияси, яъни бажарадиган вазифаси ҳам айнан ишлаб чиқаришнинг жойланиши ва ихтисослашуви билан боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларда бозор муносабатларининг шаклланишида шаҳарлар муҳим рол ўйнаган. Уларнинг бозор инфраструктураси, банк-молия маркази эканлиги ҳам маълум. Бундай давлатларда урбанизация даражаси жуда юқори-ҳатто 90 фоиздан ошади. Демак, уларни тўла шаҳарлашган мамлакатлар деб аталса, хато бўлмайди.

Одатда, 75-90 % шаҳар аҳолисига эга бўлган давлатлар миллий иқтисодиёти юксак даражада ривожланган, индустриал йўналишли мамлакатлар ҳисобланади. Агар бу кўрсаткич тахминан 50-75% бўлса, бундай давлатлар иқтисодиёти ривожланган ва хўжалик тузилмаси индустриал-аграр бўлади; 30-50 фоизли мамлакатлар эса ривожланаётган аграр-индустриал, 30%-дан пастки иқтисодиёти заиф, аграр давлатдир. Кўриниб турибдики, урбанизация даражаси билан мамлакат ва районлар иқтисодиётининг ривожланганлиги орасида қонуний алоқадорлик мавжуд.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий харитасида энг аввало шаҳарлар кўзга ташланади. Шаҳарлар ва йўллар мамлакатлар хўжалигининг ҳудудий таркибини, миллий иқтисодиётнинг ўзагини акс эттиради. Бу жиҳатдан айниқса йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларнинг аҳамияти катта. Айнан ана шундай мураккаб ҳудудий мажмуаларда мамлакатнинг иқтисодий қудрати, фан-техника салоҳияти, инфраструктураси, сиёсий кучи мужассамланади.

Шаҳарларнинг икки асосий функцияси бор: шаҳар ҳосил қилувчи ва шаҳарга хизмат қилувчи. Ҳар иккаласи ҳам ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлашуви, мужассамлашуви билан боғлиқ. Масалан, шаҳар ҳосил қилувчи функцияга ташқи транспорт, саноат, фан-техника, туризм, дам олиш ва хоказолар, иккинчисига ички йўловчи транспорт, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Демак, биринчисининг аҳамияти асосан ташқарига, иккинчиси—ичкарига қаратилган бўлади.

Шаҳарлар ва улар асосида вужудга келган ҳудудий мажмуалар жойланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Булар, энг аввало, ишлаб чиқариш тармоқларидир. Масалан, даставвал шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо тармоқларини жойлаштириш асосида вужудга келган. Кейинчалик, майда ва «катта» саноат, турли хил транспорт, фан-техника кабилар шаҳарлар ва уларнинг агломерацияларини ривожланишига таъсир этган.

Ҳадимда шаҳарлар қарвон йўллари, кема қатнайдиған ва суғорма деҳқончилик қилиш имкониятини берадиган дарё бўйларида, тепаликларда, муҳим ҳарбий-стратегик мавқега эга бўлган жойларда қурилган. Ҳозирги кунда улар ҳар хил қазилма бойлик конлари, дам олиш масканлари, туристик объектлар, университет, илму-фан, банк-молия тизими асосида ҳам ташкил бўлмоқдалар.

Умуман шаҳарларнинг жойланишига таъсир этувчи омилларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Улар: табиий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллардир. Чунончи, шаҳарни қуриш учун жой яхши танланган, унинг микрогеографик ўрни, табиий шароити-ер усти тузилиши, сув ва бошқалар қулай бўлиши талаб этилади. Айрим шаҳарлар ана шу шароитларни ҳисобга олинмаганлиги сабабли яхши ривожланмай қолган. Масалан, 60-йилларда барпо этилган Янгиер шаҳри Сирдарё вилоятининг маркази бўлиши керак эди (номи ҳам янги ўзлаштирилган, ташкил этилган мазмунни англатади). Бироқ, амалда бундай бўлмади, сабаб-бу ердаги кучли шамол («Ховос шамоли») ҳисобга олинмаган эди.

Юртимизда кўпгина қадимий шаҳарлар борки, улар турли ноқулай табиий шароитлар таъсирида ривожланишдан тўхтаб қолган ва ҳозирги кунда харобаларга айланиб қолган (Насаф, Ахси, Афросиёб, Тупроққалъа ва ҳ.к.). Уларда сув тошқини, zilзила, сурилма, ер ости суви юқорилиги туфайли чўкиш каби нохуш ҳодисалар бўлган.

Дунёнинг баъзи шаҳарлари сиёсий омил асосида вужудга келган. Бунга Бразилиянинг янги пойтахти Бразилиа, Покистоннинг Исломобод шаҳарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, шаҳарлар илмуфан, университетлар ривожланиши ва жойланиши негизида ҳам пайдо бўлади (Тарту, Дубна, Пушкино, Пулково, Улўғбек ва б.).

Шаҳарлар, ва айниқса уларнинг агломерацияси ёки мажмуаларида ишлаб чиқаришнинг мужассамлашув даражаси жуда юқори. Буни илмий адабиётларда урбанистик мужассамлашув дейилади. А.Вебернинг агломерация самарадорлиги ҳам айнан ана шундай мужассамлашув натижасида вужудга келади.

Худудий урбанистик мужассамлашув тушунчаси ҳам мавжуд (И.М.Маергойз). У мамлакат ички қисмининг катта шаҳарлар (яъни ҳар бирида аҳоли сони 100 минг кишидан зиёд бўлган шаҳарлар) билан таъминланганлик ҳолатини англатади. Масалан, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг худудий урбанистик таркиби яхши, чунки уларнинг ҳар қайсисида 3 тадан катта шаҳар мавжуд. Айни вақтда Сирдарё вилоятида бу даража ўта паст-ҳатто вилоят маркази Гулистон ҳам катта шаҳарлар қаторига кирмайди.

Кўпинча минтақалар иқтисодиётини таҳлил қилишда уларнинг ички тафовутлари ва шаҳарлар тавсифига охирги ўрин ажратилади. Ваҳоланки, мамлакат ёки районлар хўжалиги, унинг таркиби ва ихтисослашуви, ривожланганлик даражасини ўрганишда уни шаҳарлар тўри ва тизимидан бошлаш ҳам мумкин. Худди шу ўринда мамлакат минтақавий сиёсатининг унинг урбанистик сиёсати билан уйғунлашиб кетиши, алоқадорлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Шаҳарларнинг классификацияси, яъни катта-кичиклиги бўйича тақсимланиши мамлакат ёки район ҳўжалигининг ҳудудий ташкил этилганлик ва ривожланганлик хусусиятларини аниқ ифодалаб беради. Юқорида келтирилган мисолимизда, Тошкент ва Фарғона вилоятлари турли босқичдаги шаҳар жойларига эга. Аини пайтда уларда саноат ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва мужассамлашуви ҳам ҳудудий мажмуалар шаклида ривожланган. Сирдарё вилоятида эса шаҳарлар тўри ва тизими яхши ривожланмаган. Чунки саноат ва бошқа шаҳар ҳосил қилувчи тармоқларнинг ўзлари ҳам худди шундай даражада; ушбу вилоят ҳудудининг «иқтисодий сиғими» ёки салоҳияти анча паст бўлиб, бу ерда кўзга кўринадиган ишлаб чиқариш марказ ёки қутблари, мукамал ҳудудий мажмуалар жуда оз.

Шаҳарлар иерархиясининг мукамаллиги ишлаб чиқариш кучларини яхши ҳудудий ташкил қилинганлигининг кўрсаткичидир. Агар аҳоли жойлашув тизими моноцентрик, яъни асосан бир марказга қаратилган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш ҳам нотекис жойлашган бўлади. Буни биз Лотин Америкаси ёки Африка мамлакатлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Сабаби-бу мамлакатларнинг кўпчилигида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми қадимдан уларнинг пойтахт ёки порт шаҳарларида мужассамланган.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, шаҳарлар билан ишлаб чиқаришнинг жойлашуви ва мужассамлашуви орасида кучли алоқадорлик мавжуд бўлиб, бу алоқадорлик икки томонламадир. Чунки, диалектик нуқтаи назардан ҳар қандай таъсир озми-кўпми акс таъсир билан бирга содир бўлади. Шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш асосида вужудга келади, йириклашиб боради, улар шаҳар жойларнинг мураккаб тизими ёки мажмуаси -агломерация ва мегалаполисларга айланади. Бу эса ишлаб чиқариш мужассамлашувининг ривожланиб бориши, унинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши орқали амалга ошади. Шу билан бирга катта ва йирик шаҳарлар ўзларининг инфраструктура жиҳатидан яхши таъминланганлиги (бу ерда малакали ишчи кўп, фан ва техника ривожланган, иқтисодий географик ўрин ҳам қулай) туфайли ишлаб чиқаришни

жойлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, яъни таъсир акс таъсирга ўтади ва улар мураккаб ҳудудий мажмуаларни шакллантириш қобилиятига эга бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларининг ўзига хос ва ўзига мос шаҳар ҳосил қилиш қудрати бор. Масалан, темир йўл ёқасида кўпроқ кичик шаҳарлар вужудга келади, консерва, вино ёки пахта тозалаш заводлари ҳам худди шундай шаҳарларнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда йирик машинасозлик заводлари, металлургия комбинатлари нисбатан каттароқ шаҳарлар ва уларнинг агломерацияларини ривожланишига замин ясайди.

Шаҳарлар саноат маркази, шаҳар агломерациялари саноат тугунларини акс эттиради. Уларнинг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалар, иқтисодий районлар шаклланишидаги роли ҳам сезиларли. Жумладан, иқтисодий районлаштиришнинг муҳим омилларидан бири-бу ерда район ҳосил қилувчи марказнинг борлигидир. Агар бундай марказ шаклланмаган бўлса ҳудуд ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳозирча ривожланмаган, ўзлаштирилмаган. Демак, бу ҳудуд алоҳида ҳудудий мажмуа ёки иқтисодий районни ташкил этмайди. Аксинча, агар маълум ҳудудда бундай марказлар сони кўп ва улар бир биридан узоқроқда жойлашган бўлса, у ҳолда бу ерда кейинчалик шунга мувофиқ бир нечта иқтисодий район шаклланиши мумкин («бир қозонда икки қўчқорнинг калласи қайнамайди», дейишади).

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё шароитида шаҳарларнинг тўри ва ҳудудий тизимини вужудга келишида гидрографик омилларнинг таъсири ҳам кучли. Бу борада шаҳарларнинг катта-кичиклиги билан уларнинг сув ресурслари ҳажми ўртасида қонуний алоқадорлик мавжуд.

Ҳадимда дарё ва дарёчаларнинг қуйилиш қисмида ёки дельтасида сув миқдорига мос ҳолда шаҳарлар пайдо бўлган, кўпгина сойлар ўзларининг шаҳарлари, воҳалари билан ажралиб турган. Масалан, Сўх дарёси +ўқонга, Исфарасой-Конибодомга, Чортоқсой ва Намангансой–Наманганга, Косонсой –Косонсой ва Тўрақўрғонга, Шохимардонсой Марғилонга ҳаёт бағишлаган.

Бухорои Шарифнинг вужудга келиши, Шарқ ислом динининг қуббати (маркази) мақомида машҳур бўлиши ва, қолаверса, шаҳарнинг ривожланишидаги қийинчилик ва муаммолар ҳам қисман унинг Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги билан боғлиқ. Айни вақтда Самарқанднинг бу дарёнинг юқори қисмида жойлашганлиги уни Амир Темур империясининг пойтахт қилиб олинишида муҳим омиллардан бири бўлган.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни шаҳарларсиз ўрганиб бўлмайди. +олаверса, шаҳарлар, жумладан, пойтахт шаҳарлар ва уларнинг бозорлари орқали мамлакат аҳолиси ва хўжалиги, иқтисодиётининг ихтисослашуви, юртнинг бойлиги ва бутлиги, миллий хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Биз юқорида шаҳарлар агломерацияларини ҳудудий мужассамлашув натижасида вужудга келган ҳудудий мажмуа эканлигига ишора қилган эдик. Дарҳақиқат, бир ёки икки катта шаҳар яқинида, унинг бевосита таъсир зонасида 2 ва ундан ортиқ «йўлдош» шаҳар ва шаҳарчаларнинг мавжудлиги, улар ўртасида мунтазам алоқаларнинг ривожланганлиги шаҳарларнинг ҳудудий бирикмаси, мажмуасини ҳосил қилади.

Ўзбекистонда Тошкент агломерацияси энг йирик ҳисобланади. Унинг таркибига 30 га яқин шаҳар ва шаҳарчалар киради. Шунингдек, республикамизда Фарғона-Марғилон, Ангрен-Олмалиқ каби икки марказлик (полицентрик), Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, +арши, Нукус, Урганч ва бошқа бир марказли (моноцентрик) агломерациялар бор. Улар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга ва географик хариталарда ишлаб чиқариш, аҳоли ҳамда бошқа соҳаларнинг ўта мужассамлашган ҳудудий мажмуалар кўринишида яққол кўзга ташланади.

Савол ва топшириқлар

1. Шаҳарларнинг ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этилишида қандай ўрни бор?

2. Ишлаб чиқариш мужассамлашуви ва шаҳарлар ривожланиши орасидаги алоқадорликни Ўзбекистон мисолида тушунтириб беринг.
3. Мамлакат ёки иқтисодий район хўжалигини шаҳарлар орқали қандай таърифлаш мумкин?
4. Шаҳарлар жойланишига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
5. Шаҳар агломерацияларининг ҳудудий мажмуалар эканлигини изоҳлаб беринг.

10-мавзу. Социал ва сиёсий географияда ҳудудий мажмуалар

Режа

1. Социал география ва социал макон.
2. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳудудий мажмуалар.
3. Диний, туристик ва рекреацион ҳудудий мажмуалар.
4. Сиёсий географик мажмуалар.

Бизнинг фанимиз қатор МДХ мамлакатларида «Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий география» сифатида тан олинган ва айнан шу ихтисосликда фан номзодлиги ва докторлиги диссертациялари ҳимоя қилинади. Бу ерда ижтимоий тушунча икки хил маънога эга: тор маънода социал, кенг маънода эса у барча соҳаларни, ҳатто иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олувчи ижтимоий географияни англатади.

Мазкур фаннинг юқоридаги учлик таркибига мувофиқ уч хил тадқиқот макони бўлади. Бунда социал макон ҳудудий жиҳатдан анча кичик, иқтисодий макон-ўртача ва сиёсий макон нисбатан катта ҳудудни қамраб олади. Аввалроқ, иқтисодий макон, унинг турли босқичлари, яъни мамлакат миллий иқтисодиёти, минтақавий иқтисодиёт (асосий иқтисодий районлар ва вилоятлар миқёсида) ҳамда унинг таркибидаги ҳудудий бирликлар ва уларга мос ҳолда ҲИЧМ-лар тўғрисида маълумот берилган эди.

Социал макон деганда кишиларнинг кундалик муайян ҳудуддаги ҳаётини, ўзаро алоқаларини тушунамиз. Бунда турли касб, миллат, ёш ва жинсдаги аҳолининг яшаш жойи, унинг ҳудудий умумийлиги (социуми) назарда тутилади. Масалан, маҳалла, ишчилар, тўқимачилар, авиасозлар, темир йўлчилар, талабалар шаҳарлари ва ҳ.к.

Демак, социал география аҳолининг социал (ижтимоий), ва табиий муҳит билан алоқасини ўрганади. Чунончи, унга дин, жинойтчилик, тиббиёт, фан ва илмий тадқиқотлар географияси, рекреация ва туризм географиялари киради. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари эса бевосита социал ва ижтимоий-иқтисодий география ўртасида туради ва у иқтисодий географиянинг социаллашуви йўналишидаги дастлабки муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам ўз навбатида турли хил: бунга маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, таълим, савдо, тиббий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хизмат кўрсатиш (сервис) соҳалари мисол бўла олади. Географик жиҳатдан ушбу тармоқ корхоналарининг жойлашуви ҳам ҳудудий мажмуа (ХМ) шаклида бўлади. Бироқ бундай ХМ лар ишлаб чиқариш тармоқларидаги мажмуалардан ўзларининг анча кичик ҳудудий вужудга келиши билан фарқ қилади.

Масалан, таълим тизимини олайлик: ўрта ёки ўрта махсус мактаблар фақат ўқув бинолари эмас, балки кутубхона, спорт майдончаси билан биргаликда жойлаштирилади. Бундай ҳудудий мажмуалар айниқса олий ўқув юртлари жойлашувида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида иккита университет (Миллий университет ва техника университети), талабалар уйи, спорт мажмуаси, савдо шаҳобчалари, кутубхона, поликлиника, академик лицей ва бошқалар ўзига хос ҳудудий мажмуани ташкил этади. Нисбатан кичикроқ ХМ республикамизнинг бошқа олийгоҳлари асосида ҳам мавжуд. Айниқса, бу борада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро, +арши, Нукус, Урганч,

Андижон давлат университетлари, Жиззах педагогика институтлари ажралиб туради.

Худди шунга ўхшаш ҳудудий мажмуалар қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари учун айниқса хосдир. Уларда, юқоридагилардан ташқари, тажриба участкалари, турли хил илмий лабараториялар ҳам мавжуд бўлади. Шунингдек, илмий тадқиқот институтлари ҳам ҳудудий мажмуа шаклига эга. +олаверса, алоҳида университет ва илмий тадқиқот институтлари асосида шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келган (Кембриж, Тарту, Дубна, Пушкино, Гатчино, Академгородок, Улуғбек ва ҳ.к.) Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Академиклар шаҳарчаси»да Ўзбекистон ФА-га қарашли қатор илмий тадқиқот институтлари ўрнашган.

Тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам ўзига хос ҳудудий мажмуаларни ташкил этади. Масалан, туғуруқ мажмуалари, турли хил йириклик ва ихтисослашган касалхоналар яқинида поликлиника, дорихона, ташхис бўлими каби тиббиёт муассасалари ва инфратузилмалари жойлашган.

Тошкент шаҳридаги Тиббиёт академиясига қарашли 1 ва 2 нчи тиббиёт институтлари, Педиатрия институти клиника ва ўқув бўлимларидан иборат. Шунингдек, барча вилоятлар марказида тиббиёт шаҳарчалари ҳудудий мажмуа шаклида мавжуд.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш, уларни ёнилғи билан таъминлаш кабилар ҳам кичик кўламдаги ҳудудий мажмуалар кўринишига эга. Масалан, шаҳарларнинг турли мавзе ва даҳаларида маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари (комплекслари) жойлашган. Уларнинг таркибига пойафзал, совутгич ва бошқа уй-рўзгор асбобларини, аудио ва видеоаппаратларни таъмирлаш, расмга тушиш ва баъзан ҳаммом, сартарошхона ва бошқалар киради.

Дин географиясида ҳам ҳудудий мажмуаларни кўриш мумкин. Бунга, энг аввало, мусулмон мамлакатлари учун машҳур ва муқаддас ҳисобланган Макка ва Мадина, +уддуси Шариф (Иерусалим), Бухорои Шариф, Мозори

Шариф, Машҳад каби шаҳарлар айни вақтда диний ҳудудий мажмуалар ҳисобланади.

Умуман олганда, мазор, бозор ва вокзаллар ҳар бир жойнинг тарихи, қадрияти (ўтмиши), бойлиги ва бутлиги (бугуни), ташқи ҳудудлар билан алоқаларини акс эттирган ҳолда, ўзлари ҳам мажмуа шаклида ташкил қилинган. Шу ўринда улар атрофидаги ўзига хос геокриминоган вазият ёки ҳавф борлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Қўпгина қадимий, тарихий шаҳарлар ўзларининг қабристон-мазорлари билан машҳур. Масалан, Самарқандни Шоҳи Зинда, Амир Темури, Бухорони Баҳовутдин Нақшбандий, Исмоил Сомоний мақбараларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, юртимиз ва қўшни ҳудудларда бундай муқаддас қадамжолар «оға», «бобо» қўшимчалари билан номланади (Зангиота, Нурота, Оқсоқота, Авлиёота, Сулаймон бобо ва б.).

Қабристонлар даставвал шаҳарларнинг четида, уларнинг дарвозаларидан ташқарида вужудга келган. Кейинчалик шаҳарлар ҳудудининг кенгайиб бориши билан қабристонлар уларнинг ичкарасида бўлиб қолган. Ҳозирги кунда йирик, қўхна қабристонлар яқинида масжиду-мадрасалар борки, уларни ҳам ҳудудий мажмуалар деб айтиш мумкин.

Турли хил қадамжой ва зиёратгоҳлар айни вақтда туристик аҳамиятга ҳам эга. Чунончи, Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ва Маҳдуми Аъзам бир-бирига яқин жойлашган ва улардан диний (туристик) ҳудудий мажмуа сифатида фойдаланиш мумкин. Хива шаҳридаги Ичан қалъа, Термиз атрофидаги Ат-Термизий ва бошқа тарихий ёдгорликлар, археологик топилмалар ҳам шундай мазмун касб этади.

Рекреация ва туризм географиясидаги ҳудудий мажмуалар дам олиш, соғлиқни тиклаш, нотаниш жойлар билан танишиш, уларни ўрганиш ва маънавий озуқа олиш имкониятини беради. Уларнинг ўз таркибига санатория (сихатгоҳ), туристик объектлар, хусусан археологик ва қадимий ёдгорликлар, туристик хизматни ташкил қилувчи муассаса (бюро), унга шароит яратувчи туристик инфратузилма, чек сотувчи, таржимонлар хонаси, автомобил

парки, меҳмонхона, сувенир сотувчи ва бошқа дўконлар, овқатланиш жойлари кабилар киради. Туристик ва рекреация мажмуалари айна вақтда ҳам кичик (шаҳар ичида), ҳам шаҳар доирасида, баъзан янада каттарок ҳудудларда ташкил этилади.

Шарқ олами, хусусан бизнинг Ўрта Осиё ва унга туташ мамлакатлар тарихи ва географиясини ўрганишда уларда мавжуд бўлган бозорларнинг аҳамияти катта. +адимда бозорлар шаҳарлар маъносини билдирган, бозори бор жойлар шаҳарлар деб аталган (бундай ҳолат Хитойнинг Уйғур автоном вилоятига ҳам тааллуқлидир). Бозорлар очик ва ёпиқ ҳолда қурилган, уларнинг яқинида карвонсаройлар ташкил этилган. Бозор, марказий иншоотлар жой олган ҳудуд Шахристон, унинг атрофи эса Работ (Равот) номлари билан аталган.

Албатта, бозорларнинг аввалги хусусиятлари айниқса бизнинг юртимиз учун ўзига хос бўлган. Масалан, бозор ҳафтанинг алоҳида кунларида (аввал жума, кейинчалик якшанбада) ташкил қилинган. Сўнгра бундай кунлар чоршанба, пайшанба ва ҳатто электр энергиядан тежамли ва самарали фойдаланиш мақсадида турли жойларда навбатма-навбат ҳафтанинг турли кунларида ўтказилган. Ҳозирги вақтда эса ҳамма жой бозор ва ҳар кун бозор.

Бугунги кунда ҳам қишлоқ туманларида бозорлар нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маданий-маърифий, ахборот аҳамиятга эга. Рўзғор юмушлари, камчиликларини бажаргандан сўнг, одатда, эркак кишилар (ҳозир эса бозорчилар аёлларимиз бўлиб қолди) сой бўйидаги бири-биридан шинам, салқин жойлардаги чойхона ва ошхоналарда дам олишади, овқатланишади, қавму-қариндош, оғайнилари билан учрашишади, янгиликлар билан фикр алмашишади.

Хуллас, бозор ва унинг атрофидаги, ҳозирги замон тили билан айтганда инфратузилма объектлари, автомобиллар вокзали ва бошқалар ҳудудий мажмуаларни ташкил этади. Агар аввал карвон саройларда от-арава,

туя, эшак, сўнгра-велосипед, мотоцикл, ҳозирда эса махсус автотурар жойларда турли хил русумдаги автомобиллар сақланади.

Юртимизда маҳаллалар аҳамиятининг нақадар катталиги барчага маълум. Хусусан маҳаллалар марказида жойлашган гузарлар (чойхона, сартарошхона, ҳаммом, турли хил дўконлар, маҳаллий хизмат кўрсатиш хоналари) кичик ҳудудий мажмуа шаклида бўлиб, уларнинг ҳам тарбиявий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Афсуски, бундай қадимий миллий анъана ва удумларимиз, одоб, одат ва тарбияларимизга эътибор биров сусаймоқда. Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти маҳаллаларга, бир жойда яшовчи аҳолининг ҳудудий бирлиги, яъни жамога катта эътибор қаратмоқда.

Сиёсий географияда ҳам ҳудудий мажмуалар мавжуд. Уларнинг ҳудудий кўлами, қамрови иқтисодий ва айниқса социал мажмуалардан кескин фарқ қилиб, анча катта майдонларни (мамлакатларни) ўз ичига олади. Бундай ҳудудий мажмуалар кўпинча ҳарбий, иқтисодий, иқтисодий-сиёсий мазмунга эга бўлади. Чунончи, НАТО, СЕАТО кабилар бевосита ҳарбий мақсадларга қаратилган. Даставвал Рим клуби (1956 й.), кейинчалик умумий бозор, ҳозирда эса сон жиҳатидан тобора кўпайиб, кенгайиб бораётган Европа Иттифоқи 20 ва ундан зиёд давлатлардан иборат. Унинг маркази Брюссел шаҳри ҳисобланади. Дарвоқе, бу шаҳарда НАТО-нинг ҳам «штаб-квартираси» жойлашган. Европа Кенгаши эса ҳуқуқий мазмунга эга бўлиб, унинг маркази Страсбург шаҳридир.

Бенилюкс кўшни мамлакатларнинг (Бельгия, Нидерландия ва Люксембург) ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи ҳудудий-сиёсий иқтисодий мажмуа шаклида ташкил топган. Ҳозирги кунда бундан янада каттароқ МДХ, Евросиё, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги кабилар ҳам мавжуд.

Шунингдек, жаҳон сиёсий харитасида Араб мамлакатлари лигаси (1945 й., маркази-+оҳира), Осиё-Тинч океани давлатларининг иқтисодий ҳамкорлиги –АСЕАН (1989 й., унга ҳам 20 дан ортиқ мамлакатлар киради), ЭКО (1993 й.), Шимолий Америка эркин савдо минтақаси-НАФТА (1992 й.,

А+Ш, Канада ва Мексика), Жанубий Америкадаги МЕРКОСУР, Кавказ ва +ора денгиз бўйидаги ГУАМ кабилар ҳам ҳудудий иқтисодий-сиёсий мажмуалар ҳисобланади. Албатта, уларнинг шаклланганлик даражаси, амалиёти ва таъсир доираси ҳар хил. Бироқ, айнан бундай ҳудудий уюшма ва мажмуалар, халқаро миллий компания ва концернлар, дунёвий шаҳарлар бугунги глобаллашув жараёнида жаҳон ҳамжамиятининг реал ҳолати ва ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Савол ва топшириқлар.

1. Ижтимоий, ноишлаб чиқариш соҳаларидаги ҳудудий мажмуаларнинг асосий хусусиятлари нимада?
2. Ўзингиз туғилган ёки яшаб турган вилоятда жойлашган таълим ва соғлиқни сақлаш корхоналар (муассасалар) ҳудудий тизимини таърифлаб беринг.
3. Нима сабабдан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари кўп?
4. Бозор ва мазорлар қандай ҳудудий мажмуаларни ташкил этади?
5. Жаҳон сиёсий харитасига халқаро ҳудудий (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий) бирликларни туширинг.

11-мавзу. Ўзбекистоннинг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари

Режа

1. Асосий иқтисодий район миқёсидаги мажмуалар.
2. Маъмурий бирликлар доирасидаги мажмуалар.
3. Дастурли ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари.
4. Реал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгандан сўнг ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, хусусан ёқилғи-энергетика, ғалла (дон) етиштириш ҳамда ички транспорт тузилишини устувор даражада

ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Ушбу соҳаларнинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг қолган тармоқлари билан уйғунлашган ҳолда мамлакатнинг ягона ҳўжалик тизимини (мажмуасини) шакллантиради ва у Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрнини белгилаб беради.

Айни вақтда республика иқтисодиёти тизим-таркиб қоида-сига мувофиқ ўзининг ички тузилиши ёки ҳудудий таркибига эга. Бу жиҳатдан мамлакатда мазкур китоб муаллифи томонидан 6 та асосий иқтисодий районлар ажратилган (Солиев, 1998). Улар қуйидагилар:

1. Тошкент иқтисодий райони (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти);
2. Мирзачўл иқтисодий райони (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари);
3. Фарғона иқтисодий райони (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари);
4. Зарафшон иқтисодий райони (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари);
5. Жанубий иқтисодий район (Сурхондарё ва +ашқадарё вилоятлари);
6. +уйи Амударё иқтисодий райони (+орақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти).

Умуман олганда, юқоридаги асосий иқтисодий районларни тегишли равишда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чиндан ҳам бундай иқтисодий районлар ҳўжалиги ҳақиқий ҳудудий иқтисодий бирлик ёки ягона иқтисодий макон шаклида ривожланиб бориши керак. Аммо ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида фақат Тошкент иқтисодий райони ўзига хос шаклланаётган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси талабларига жавоб беради. Бунда асосий мажмуа ҳосил қилувчи омил бўлиб республика пойтахти, йирик ишлаб чиқариш инфратузилмаси, фан ва маданият салоҳиятига эга бўлган Тошкент шаҳрининг мавжудлиги хизмат қилади.

+олган иқтисодий районлар ҳўжалиги эса ҳозирги кунда реал ҲИЧМ-ни ташкил қилмайди. Улар учун фақат географик ўрин табиий

шароит, гидрографик шахобчалар ва йўл (транспорт) умумийлиги хос, холос. Ишлаб чиқариш тармоқлари эса бундай иқтисодий районларни ташкил этувчи вилоятлар миқёсида бир-бирига унча яхши боғланмаган уйғунлашмаган, интеграция жараёни орқали уланмаган ҳолда ривожланиб бормоқда. Вилоятларга кенг ҳуқуқ берилиши уларда хўжалик тизимини мустақил яратишга, ҳатто бевосита хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга ва шу асосда ўзларининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга имкон яратади. Бундай ҳолатни, албатта, ижобий тарзда эътироф этса бўлади. Бироқ, ҳар бир вилоят ўзининг кўшниси, туташ ҳудудлар билан иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бормоғи мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина улар ҳақиқий иқтисодий район ва унинг доирасидаги ХИЧМ-ни шакллантириши мумкин. Бунинг учун асосий иқтисодий районларда ишлаб чиқариш тармоқларини (шу жумладан, кўшма корхоналарни) жойлаштиришни мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки бошқа қандайдир ваколатли орган ташкил этиш айтиш мумкин бўлар эди.

Республикадаги 12 та вилоятлар ҳамда +орақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг хўжалиги маъмурий иқтисодий район ва шунга мос ҳолда маъмурий ХИЧМ-ларини ҳосил қилади. Бундай геоиқтисодий маконда мажмуалар шаклланиши учун қулай имкониятлар, яъни ягона бошқарув органи (вилоят ҳокимиятлари) мавжуд. Айнан шундай ҳудудий бирликлар мамлакатнинг субъектлари сифатида минтақавий сиёсатни амалга оширишда қўл келади.

Ҳозирги вақтда вилоятлар хўжалигини комплекс ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, республика ҳудудлари хўжалигини махсус минтақавий дастурлар доирасида шакллантиришга мўлжалланган расмий фармонлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси парламенти-Олий Мажлиснинг икки палатадан ташкил қилинганлиги ҳам ҳудудларга, аниқроғи-вилоятларга катта эътибор берилганлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда Наманган ва Хоразм вилоятлари бўйича минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиб, улар амалга оширилмоқда. Бундай

дастурлар Бухоро, +ашқадарё ва бошқа вилоятлар учун ҳам яратилмоқда. Шунга ўхшаш саъй-ҳаракатлар маъмурий ҲИЧМ-ларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳақиқий иқтисодий самарадорликга юқорида кўрилган ҳудудий бирликлар (мажмуалар) доирасида эришиш қийин. Бундай имконият нисбатан кичикроқ иқтисодий маконда қулай бўлади. Чунки, ҳудудий ишлаб чиқариш мужассамлашувни агломерация шаклида, яъни ягона инфратузилма асосида ташкил этиш катта тежамкорликга ва, бинобарин, катта самарадорликга олиб келади.

Тўғри, каттароқ ҳудудларда ўзига хос ҲИЧМ-ларни ёки уларнинг ҳўжалигини комплекс ривожлантиришга қаратилган ишланмалар ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шу ўринда собиқ Иттифокда алоҳида илмий тадқиқот йўналиши сифатида машҳур бўлган районлар муаммоларини комплекс тарзда ҳал қилиш ҳақидаги ишланмаларни таъкидлаш лозим. Бундай тадқиқот дастлаб ўтган асрнинг 50-йилларида Фарғона водийси мисолида бажарилган. Унинг натижалари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шунингдек, республикамизда Сурхон-Шеробод, Бухоро-Навоий, Мирзачўл, Ангрен-Олмалик, +уйи Амударё, +ашқадарё ҲИЧМ-лари бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Гарчи улар тўлалигича амалга оширилмаган бўлсада, бундай ҳудудий иқтисодий сиёсатни бугунги кунда ҳам олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

ҲИЧМ-лар ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви (агломерацияси) оқибати экан, улар, энг аввало, саноат корхоналарини жойлаштиришда яққол кўзга ташланади. Чунки саноатнинг ҳудудий ташкил этилиши «нуқтасимон» бўлади. Бу жиҳатдан транспорт турларининг жойланиши ҳам (чизиқсимон) ҳудудий мажмуалар шаклланишига олиб келади. Демак, саноат ва унинг асосида вужудга келувчи шаҳарлар ва йўллар, уларнинг кесишмаси иқтисодий географик хариталарда ўзига хос, ўта мужассамлашган тугун ёки мажмуаларни шакллантиради.

Бундай ҲИЧМ-лар республикаимизда анчагина. Масалан, Тошкент вилоятида бевосита Тошкент агломерацияси ҳамда Ангрен-Олмалик, ҲИЧМларни ажратиш мумкин. Шунингдек, Бекобод шаҳри ва унинг атрофида ҳам кичикроқ ҳудудий мажмуа шаклланмоқда. Пойтахт агломерациясида саноатнинг турли тармоқлари, жумладан машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат, кимё, қурилиш материаллари саноати ривожланган. Асосий саноат марказлари Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, /азалкент ва бошқалар ҳисобланади.

Ангрен-Олмалик ҲИЧМ Оҳангарон водийсида икки марказдан иборат бўлиб, «чўзинчоқсимон» жойлашган. Бу ерда ёқилғи (кўмир), энергетика, рангдор-металлургия, кимё ва озиқ-овқат (ун), қурилиш материаллари саноатининг корхоналари мавжуд. Энг йирик корхоналари: Ангрен кўмир кони, Олмалик тоғ металлургия комбинати, Оҳангарон цемент заводи, Янги Ангрен ИЭС ва б. Бу ерда йирик саноат марказлари сифатида Олмалик, Ангрен ва Оҳангарон шаклланган.

Бекобод ҲИЧМ асосан қора металлургияга ихтисослашган шу билан бирга у цемент ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда кичик сув электр станциясини (Фарҳод ГЭС) ҳам ўз таркибига олади.

Мирзачўл иқтисодий районида кўрилатган даражадаги ҲИЧМлар унча ривожланмаган. Сабаби-районнинг умуман саноат салоҳияти ҳам паст; шаклланиб бораётган Гулистон (Бахт ва Сирдарё шаҳарлари билан биргаликда) ҳамда Жиззах нисбатан кичикроқ ҲИЧМ-ларни, аниқроғи-саноат тугун ва марказларини ташкил этади. Уларда асосан енгил саноат корхоналари жойлашган, Жиззахда аккумулятор ва пластмасса-трубалар ишлаб чиқариш ҳам ривожланмоқда.

Фарғона минтақасида саноат тугунлари кўп; уларга Фарғона-Марғилон, +ўқон, Андижон, Наманган ва Чуст-Поп ҳудудий мажмуалари мисол бўла олади. Фарғона-Марғилон агломерациясида енгил ва озиқ-овқат, нефт-кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари ҳамда йирик иссиқлик электр маркази мавжуд. Энг йирик корхоналари Фарғона нефтни

қайта ишлаш заводи, Фарғона азот минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводи, тўқимачилик комбинати ва ҳ.к. Саноат марказлари ва пунктлари: Фарғона, Марғилон, +ува, +увасой, Олтиариқ.

+ўқон саноат тугуни ва унинг асосида шаклланган ҲИЧМ кимё, озиқ-овқат ҳамда енгил саноатга ихтисослашган. +ўқон йирик транспорт тугуни ҳам ҳисобланади. Аммо, водийдан бошқа ҲИЧМ-лардан фарқ қилиб, бу ерда саноат энг аввало +ўқон шахрининг ўзида ривожланган.

Андижон саноат тугуни машинасозлик, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий саноат марказлари Андижон, Асака, Шаҳрихон ва б. Республикамизда аҳоли сони бўйича тўртинчи ўринда турадиган Андижон шаҳри йирик транспорт тугуни ҳамдир.

Наманган саноат тугуни асосан енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналаридан ташкил топган. Шунингдек, бу вилоятда кичик Чуст-Поп худудий мажмуаси ҳам бор (Поп резина комбинати, «Поп-Фен» қўшма корхонаси ва б.)

Самарқанд вилоятида саноат тугуни (мажмуаси) сифатида энг аввало вилоят маркази негизида шаклланаётган шаҳар агломерациясини кўрсатиш мумкин. Бу ерда озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар Самарқанд шаҳридан ташқари Ургут, Фарҳод, Жомбой, Ҳишрав, Кимёгарлар шаҳар ва шаҳарчаларида жойлашган.

Вилоятнинг иккинчи шаҳри Каттакўрғон ва унинг атрофида (Оқтош, Пайшанба, Жума) ва ҲИЧМ шаклланмоқда. Уларда пахтани қайта ишлаб чиқарувчи ҳамда ёғ-мой заводлари, дон маҳсулотлари комбинати жойлашган.

Навоий саноат тугуни (Навоий, Кармана, +изилтепа, Янгиработ шаҳарлари) кўпроқ оғир ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унинг энг йирик маркази-Навоийда минерал ўғитлар, электр энергияси ва цемент ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар ҳамда республикамизда машҳур бўлган Навоий тоғ-металлургия комбинати фаолият кўрсатишмоқда. Шу билан бирга Навоий вилоятида тоғ-кон

(рангдор металлургия) саноатига ихтисослашган Зарафшон-Учқудук ҲИЧМ ҳам бор.

Бухоро вилоятида иқтисодиётининг негизини Бухоро-Когон ҲИЧМ ташкил қилади. Бу ерда тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати ва темир йўл транспорти ривожланган. Унинг асосий шаҳарлари Бухоро, Когон, /иждувон, Шофиркон, Вобкент ва б.

+ашқадарё вилоятида иккита ҲИЧМ-ларни ажратиш мумкин: +арши ва Шаҳрисабз. Биринчиси вилоят маркази-+арши шаҳри асосида шаклланган, иккинчиси эса вилоятнинг иккинчи шаҳри-Шаҳрисабз ва унинг атрофида вужудга келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ривожланган газ кимёси негизида шаклланган «Шўртангаз» мажмуасини ҳам эслатиш жоиз. Унга Косон ва Муборак шаҳридаги саноат корхоналари ҳам киради.

Сурхон водийсида Термиз ва Денов ҲИЧМ-лари шаклланмоқда. Аммо уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти унча катта эмас. Тошгузар-Бойсун-+умқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши билан вилоятда саноат марказ ва тугунлари ривожланиши учун қулай имкониятлар туғилади.

Шунингдек, +уйи Амударё минтақасида ҳам саноат тугунлари миқёсдаги ҲИЧМлар юқори даражада ривожланмаган. Бу ерда Нукус-Хўжайли, Урганч, Тўрткўл-Беруний ҳудудий мажмуаларини кўрсатиш мумкин. Республикамизнинг энг чекка шимоли-ғарбида +ўнғирот саноат тугуни вужудга келмоқда. Унинг негизини темир йўл, қувур транспорти ҳамда барпо этилаётган йирик сода заводи ташкил этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда реал кўринишга эга бўлган қатор саноат (транспорт) тугунлари-ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари бор. Уларнинг ҳар бири ва биргаликда республикамиз миллий иқтисодиёти асосини ўзида мужассамлаштиради.

Савол ва топшириқлар

1. ҲИЧМ-ларнинг қандай босқичлари бор?

2. Асосий иқтисодий районлар доирасидаги ҲИЧМ-ларнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг.
3. Маъмурий ҲИЧМ-ларнинг афзалликлари нимада?
4. Дастурли ҲИЧМ-лар қайсилар ва улар қандай ривожланиб бормоқда?
5. Саноат ва транспорт тугунлари асосида шаклланаётган ҲИЧМ-ларнинг иқтисодий самарадорлиги нима сабабдан юқори?
6. Республикамиздаги кичик ҲИЧМ-ларини харитага туширинг.

12-мавзу. Ҳудудий мажмуаларнинг экологик муаммолари

Режа

1. Табиий экологиядан ижтимоий экологияга.
2. Саноат мажмуаларининг экологик тавсифлари.
3. +ишлоқ хўжалиги ва транспорт жойлашувининг экологик жиҳатлари.
4. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик асослари.

Даставвал «экология» тушунчаси немис олими Эрнст Геккель томонидан 1868 йилда ишлатилган. У экологияни зоология фанининг бир йўналиши сифатида таърифлаб, ҳайвон организмларининг ва барча ҳайвонларнинг ўзаро ҳамда ташқи муҳит билан муносабати мазмунида талқин қилган. Демак, бу ерда экология ёки муносабат уч даражада назарда тутилган: 1) ҳайвон (аниқроғи, Геккель мисолида-курбақа) ички организмларининг ўзаро алоқаси; 2) шу турдаги ҳайвонларнинг ўзаро алоқаси; 3) ана шу ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан муносабати. Кейинчалик экологиянинг илмий асослари Ч. Дарвин томонидан янада ривожлантирилган.

Зоологик экология аста-секин ўсимлик экологиясига ўтган ва у тўла маънодаги биологик экология ёки биоэкологияга айланган. Сўнгра америкалик (Чикаголик) тиббиёт олимлари «Инсон экологияси», «Экосистема» тушунчаларини киритиб, уларни инсон организми ва

саломатлиги нуқтаи назаридан қўллаган. Айни вақтда шаҳарлар ривожланиши натижасида «урбоэкология» тушунчаси ҳам вужудга келган. Ўз навбатида урбоэкология ва инсон экологияси асосида ижтимоий экология шаклланган бўлиб, у расмий равишда ўтган асрнинг 70-йилларида тан олинган.

Шундай қилиб, экологиянинг эволюцион ўзгариши зооэкология→ фитоэкология + биоэкология→инсон экологияси + урбоэкология → ижтимоий экология шаклида содир бўлган. Ҳозирда экологиянинг йўналиш ва турлари жуда кўпайиб кетган (геоэкология, биоэкология, геологик экология, иқтисодий экология, ҳатто кимё ва математик экология, ҳуқуқ экологияси ва ҳ.к.). Натижада айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳамма эколог, лекин айни вақтда аниқ, умумий экологиянинг ўзи йўқдек. Чунки, бирор-бир кишини экология бўйича ҳар томонлама мутахассис даражасида эътироф этиш қийин.

Омма орасида эса «Экология» тушунчаси кўпроқ атроф-муҳитнинг ифлосланиши, зарар ва заҳарланиши билан уйғунлашиб кетади. Ваҳоланки, биз юқорида кўрганимиздек, ушбу атаманинг маъносини фақат бир томонлама, салбий руҳда талқин қилиш нотўғридир. Бироқ, шу билан бирга тан олиш лозимки, чиндан ҳам ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва мужассамлашуви, шаҳарлар ва урбанизация тараққиёти табиат ва инсон (жамият) орасидаги мувозанатни бузди, экологик муаммо глобал, оламшумул аҳамият касб этди. Шунинг учун ҳозирги шароитда ижтимоий ҳаётнинг бирор бир соҳаси йўқки, у экология билан боғлиқ бўлмаса.

Ҳудудий меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқариш тармоқларининг кўпайиб бориши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва бошқалар табиатга техноген ва антропоген таъсирни кучайтирди. Оқибатда Ер юзида табиий шароити ўзгармаган жойнинг ўзи деярли қолмади. Модомики, барча ҳудудлар экологик вазияти бузилган экан, у ҳолда бу вазиятнинг турли жойлардаги даражаси, ҳолати тўғрисида гап юритиш талаб этилади. Экологик ҳолатининг турли район ва мамлакатлардаги хусусияти, унинг келтириб чиқарувчи

сабабларини эса умумий географиянинг бир тармоғи-геоэкология ўрганади. Айнан шу маънода геоэкология табиий география билан иқтисодий ва ижтимоий географияни боғлаб туради.

Шунингдек, турли ҳудудий мажмуаларда вужудга келган ҳолатни ҳам геоэкология таҳлил ва тадқиқ қилади. Бундай ҳолатнинг ўзига хослиги эса унинг негизида ётган ишлаб чиқариш тармоқларининг технологик хусусиятларидан келиб чиқади.

Атроф-муҳитнинг ифлосланишига энг аввало ишлаб чиқариш тармоқларининг жойланиши таъсир этади. Бу хусусда саноат ишлаб чиқариши олдинда туради. Аммо барча саноат тармоқларининг экологик жиҳатдан «хавфсизлиги» бир хил эмас. Шу нуқтаи назардан саноат тармоқларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Тоғ-кон саноати натижасида техноген ландшафтлар вужудга келади, «бедлендлар» (ёмон ерлар) пайдо бўлади, жой рельефи, геоморфологияси бузилади. Бундай саноат районларида шаклланган ҳудудий мажмуалар яхлит бирликка эга эмас, уларда транспорт ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш мураккаблашади. Шу билан бирга тоғ-кон саноати районларида ер ости бўшлиқлари вужудга келади, айниқса темир рудаси, кўнғир кўмир, турли туз конлари ва бошқаларни очиқ усулда (карьерларда) қазиб олишда ландшафтнинг табиий «башараси» бузилади, қимматбаҳо ва серхосил тупроқ, унумдор экин майдонлари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетади.

Электр-энергетиканинг экологик хусусиятлари ҳам ўзига хос. Масалан, сув электр станциялари, умуман олганда, экологик жиҳатдан тоза, безарар корхона ҳисобланади. Улар фақат катта ер майдонларини сув омборлари учун талаб қилади, холос. +олган масалаларда эса бундай электр станциялар атроф экологиясини яхшилайти. Айни вақтда иссиқлик электр станцияларининг экологик оқибатлари анча салбий. Хусусан, шаҳар ичкарасидаги ИЭМлар, йирик шаҳарлар яқинида жойлашган ИЭСлар атрофга ёмон таъсир қилади – заҳарли газсимон тутунлар атмосфера

хавосини ифлослантиради, ёқилғи ёндирилгандан қолган чиқинди куллар эса сунъий тепаликларни ҳосил қилади. Шунинг учун катта қувватга эга бўлган иссиқлик электр станциялари жойнинг рельефи, шамол йўналиши ва бошқа метеорологик омилларни ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. Тадқиқотларга кўра, республикамиздаги йирик Сирдарё, Янги Ангрен каби ИЭС асосида вужудга келган саноат мажмуаларининг хавоси ва сув таркиби ўзгарган, тупроқ қатлами, экин майдонлар ва ҳайвонот дунёси анча зарар кўрган.

Ҳозир ва рангли металлургия ҳам экологик нуқтаи назардан «тоза» эмас. Йирик қора металлургия корхоналари атрофида катта миқдорда шлаклар ҳосил бўлади (домна печининг чиқиндиси), шаҳар хавоси ва суви ифлосланади. Айниқса рангли металлургиянинг табиатга салбий таъсири кучли. Жумладан, йирик тоғ-металлургия комбинатлари яқинида радиоактив ифлосланиш хавфи вужудга келиши ҳам мумкин.

Маълумки, рангдор металллар одатда комплекс ҳолда учрайди. Уларни қазиб олиш ва қайта ишлашда газсимон чиқиндилар кўп ажралади. Масалан, мис ёки кўрғошин эритиш заводларидан катта ҳажмда олтингугурт гази чиқади, уни қайта ишлаш асосида олтингугурт кислотасини олиш мумкин. Умуман, қора ва рангли металлургияда ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, улардан фойдаланиш (утилизация қилиш) иқтисодий ва экологик жиҳатдан ўта муҳимдир.

Саноат тармоқлари ичида кимё саноатининг сув, ҳаво ва тупроққа, инсон саломатлигига таъсири энг кучли. Хусусан синтетик тола, каучук, аммиак, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари учун турли гербицид ва захарли моддалар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш экологик томондан хавфлидир. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистондаги йирик кимё саноати марказларида-Чирчиқ, Олмалиқ, Навоий, Фарғонада экологик вазият унча соғлом эмас. Бундан ташқари, +ашқадарё вилоятидаги Шўртан, Муборак газ кимёси саноат марказларида ҳам бу вазиятнинг яхшиланиши талаб этилади.

Албатта, ҳар қандай иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат ўзининг кудратли индустрияси, шу жумладан кимё саноати корхоналарига эга бўлиши керак. Ҳолангиси, республикамиз иқтисодиётининг агросоҳаси учун ҳам у зарур. Бинобарин, бундай корхоналар мумкин қадар замонавий, чиқиндисиз, экологик соф технология билан таъминланиши ва улар барча шароитларни атрофлича ўрганган ва баҳоланган ҳолда тўғри жойлаштирилиши лозим.

Машинасозлик заводларининг экологик хавфи унча юқори эмас. Аммо улар йирик сув электр станциялари каби катта ер майдонини талаб қилади. Шу боис бундай корхоналарнинг айниқса суғорма деҳқончилик районларида жойлаштирилиши пухта асослашни талаб қилади.

Целлюлоза-қоғоз саноатининг атроф муҳитни, энг аввало сувни, цемент саноати эса шаҳар ҳавосини чанг ва чиқиндилари билан ифлослантиради. Буларга нисбатан енгил ҳамда озик-овқат саноати корхоналарининг экологик таъсири камроқ. Бироқ, пахта тозалаш, консерва, вино заводларининг яқин атрофларида экологик муҳит ўзгаришини ҳам инкор этиш нотўғри.

Ҳозирги кунда ҳам республикамиз ва алоҳида вилоятлар хўжалигини саноатлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, айнан саноат макроиқтисодий ёки реал иқтисодий соҳалар ичида энг муҳим саналади. Бироқ, саноат корхоналарни жойлаштиришда уларни ташкил этиш шакллари, яъни ихтисослашув, мужассамлашув, кооперация ва комбинатлашувга жиддий аҳамият бермоқ зарур.

Бир вақтлар, айниқса ўтган асрнинг 30-50 йилларида йирик, гигант саноат корхоналарининг трубаларидан чиқаётган тутун ҳажми билан фахрланган бўлсак, эндиги кунда улардан нафратланамиз. Шу боис ҳозирда экологик жиҳатдан тоза, кичик ва ўрта саноат корхоналарини барпо этиш, уларни замонавий (чиқиндисиз) технологиялар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, саноат тармоқларининг экологик хавфини 10-балли шкалада тахминан қуйидагича баҳолашимиз мумкин: кимё саноати-10,

рангдор металлургия –9, иссиқлик электр станциялари-8, қора металлургия-7, цемент саноати-6, целлюлоза-қоғоз саноати-5, чарм саноати ва жун ювиш-4, озиқ-овқат-3, пахта тозалаш заводлари –2, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш –1. Бу баҳолар, албатта, жуда қатъий эмас ва улар тегишли мутахассис – экспертлар томонидан янада аниқлаштирилиши мумкин.

Ҳаётда хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг экологик оқибатлари уларнинг ҳудудий ташкил қилиниши ва мужассамлашуви билан боғлиқ. Дехқончилик, хусусан пахтачиликда ишлатиладиган минерал ўғитлар, дефолиант, қишлоқ хўжалик зараркунандаларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар сув ва ҳавони ифлослантиради. Булардан ташқари, яна бошқа нохуш экологик ҳолатлар ҳам мавжуд. Биз бу ўринда пахта яккаҳокимлиги асоратида Орол ва Оролбўйи минтақасининг муаммоси, Мирзачўл, Ҳарш даштлари каби ўзлаштирилган суғорма дехқончилик районларида вужудга келган тупроқнинг иккиламчи шўрланишини унутмаслигимиз керак. Мазкур муаммоларнинг кескинлиги, ҳудудий камрови саноат жойлашувининг экологик оқибатларидан асло қолишмайди. Демак, суғорма дехқончиликни ривожлантиришда гидромелиорация, агротехника ва агрокимё масалаларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Чорвачиликнинг табиий муҳитга таъсири чорва молларнинг турига боғлиқ. Айниқса чўчқачиликнинг таъсири кучли. Масалан, 100 000 бошли чўчқачилик фермаси 1 млн. аҳолига эга бўлган шаҳар экологиясини бузишга қодир. Бошқа чорвачилик фермалари ҳам атроф-муҳит табиатини бузади.

Транспорт, хусусан шаҳар транспортининг атмосфера ҳавосини бузилишида роли катта. Автомобиллар сонининг кўпайиши, уларга мос ҳолда йўлларнинг ўз вақтида кенгайтирилмаслиги ва магистраллашмаслиги, «пробкаларнинг» вужудга келиши шаҳар ҳавосини ифлослантиришга сабаб бўлади. Транспорт шовқини айна чоғда аҳоли оромини бузади. Бундай ҳолат аввало гузар ва чорраҳаларда, вокзал ва аэродром, аэропорт атрофларида жуда кескин. Юзага келган нохуш экологик вазият шаҳар агломерацияларида ўзига хос касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш тармоқларидан ташқари атроф-муҳит тозаллигини бузишда антропоген омилнинг таъсири ҳам сезиларли. Гап бу ерда аҳолининг экологик фикрлаши ва экологик маданияти тўғрисида бормоқда. Маълумки, ахлатхоналарнинг тўпланиб қолиши натижасида айниқса ёзнинг иссиқ кунларида шаҳар мавзе ва маҳаллаларида қўланса ҳидлар кўпаяди. Шунингдек, турли дам олиш масканлари, бозор ва вокзалларнинг экологик ҳолати ҳам яхшиланиши керак.

Умуман олганда, барча ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда экологик билим талаб қилинади. Экологик фикрлаш ҳамма вақт узоқни ўйлашни, «етти ўлчаб бир кесиш»-ни назарда тутди. Барчага маълум бўлган ва «экология» тушунчаси билан уйғунлашиб кетган Орол муаммосидан ташқари, республикамизнинг ўзида ишлаб чиқаришни экологик жиҳатдан нотўғри жойлаштирилганлиги хусусида жуда кўп мисоллар келтирса бўлади. Масалан, 2 млн-дан ортиқ аҳолига эга бўлган азим Тошкентнинг ёнгинасида жойлашган Чирчиқ шаҳрида кимё саноати корхоналари, ўтга чидамли ва қийин эрувчи металллар комбинати ва бошқалар бор. Натижада, бу саноат маркази ва унинг атрофини экологик ҳолати унча соғлом эмас. Деярли шунга ўхшаган вазият Навоий, Фарғона, Олмалиқ, Андижон, Охангарон каби шаҳарларда ҳам кузатилади. Бундай ҳолат айниқса Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноати мажмуасида кескинроқдир.

Чиқиндисиз технологияни жорий қилиш, энергия ишлаб чиқариш цикллари бўйича саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Одатда, хом ашёни кўп талаб қилувчи саноат корхоналарида чиқинди (худди шундай «сувталаб» корхоналарда ҳам) кўп ҳосил бўлади. Бинобарин, биринчи навбатда ана шундай корхоналарни комбинат шаклида уюштириш, хом ашёдан атрофлича фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш зарур.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти албатта экологик мезонлар билан мувофиқлаштирилиши керак. Шу мақсадда геоэкологик экспертиза ва мониторингни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, нафақат

жойлаштириладиган корхонанинг экологик хусусияти, балки шу жойни ўзининг имконияти, экологик сифими ҳисобга олиниши лозим. Зеро ҳудуд ўзига тўғри келмаган соҳани қабул қилавермайди, зўрлаб жойлаштирилган корхона ёки тармоқ учун у албатта ўз ўчини олади. Шунинг учун ҳам табиат ўзига ниҳоятда нозик ва тўғри муносабатни талаб қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳозирги «экология» тушунчаси, унинг дастлабки талқинидан қандай фарк қилади?
2. Геоэкология нима?
3. Экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан саноат тармоқларини таҳлил қилинг.
4. Республикамизнинг қайси ҳудудий мажмуаларида экологик вазият салбийлашган?
5. Экологик маданият, экологик фикрлаш ва экологик тарбия нима?

Адабиётлар

1. География мирового хозяйства.-М., 1999 .
2. Колосовский Н.Н. Избранные труды.-Смоленск, 2006.
3. Кистанов В.В. Территориальная организация производства. –М., 1981.
4. Лапкин К.И. Размещение и специализация сельскохозяйственного производства Узбекистана.-Т., 1966.
5. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства.-М., 1999.
6. Региональная экономика. Под ред. Т.Г.Морозовой.-М., 1998.
7. Силаев Е.Д. Производственно-территориальное комплекс. - Баку, 1968.
8. Солиев А. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.-Т., 2000.
9. Солиев А., Маҳмадалиев Р.Й. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари.-Т., 2005.
10. Солиев А., Тожиева З. Иқтисодий ва социал география асослари.-Т., 2000.

11. Территориально-производственнўе комплексў//Вопросў географии. Сб. 80.-М., 1970.
12. Чистобаев А.И., Баженов Ю.Н. Территориальнўе комплекснўе программў.-Ленинград, 1984.

МУНДАРИЖА

	Бет лар 3
Сўз боши	
1-мавзу. Географияда ҳудудий мажмуа, тизим ва районлаштиришнинг назарий асослари	5
2-мавзу. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий мажмуаларнинг классик ғоялари	17
3-мавзу. Н.Н.Колосовскийнинг ҳудудий ишлаб чиқариш ҳақидаги назарияси	28
4-мавзу. Саноатнинг ҳудудий ташкил қилиш омиллари ва мажмуалари	42
5-мавзу. +ишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашуви ва агромажмуалар	53
6-мавзу. Транспорт географияси ва унинг ҳудудий мажмуалари	63
7-мавзу. Аҳоли жойлашуви ва геодемографик мажмуалар.....	71
8-мавзу. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этиш	79
9-мавзу. Ҳудудий мажмуалар ва шаҳарлар ривожланиши.....	87
10-мавзу. Социал ва сиёсий географияда ҳудудий мажмуалар	95

11-мавзу. Ўзбекистоннинг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари	
.....	102
12-мавзу. Ҳудудий мажмуаларнинг экологик муаммолари.....	110
Адабиётлар.....	118